

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 811.512.133

Жамолиддинова Дилноза Мирҳожиддиновна

**Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-
грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари**

10.02.01 – ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
ф.ф.д., проф. Н.МАҲМУДОВ

Тошкент – 2009

МУНДАРИЖА:

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	3
КИРИШ	10
I Б О Б. ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ	
ЎРГАНИЛИШИ	19
1.1.1.Тилшуносликда парантеза муаммоси.....	19
1.1.2.Парантез бирликларнинг гап ва матнга муносабати.....	41
1.1.3.Парантез бирликларнинг экспрессив синтаксисдаги ўрни.....	50
Боб бўйича хулосалар.....	54
II Б О Б. ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК-	
ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	57
2.1.Парантеза: семантика ва синтаксис.....	57
2.1.1.Бевосита гап бўлаклари билан алоқаланган парантезалар.....	69
2.1.2.Бевосита гап билан алоқаланган парантезалар.....	87
2.1.3.Бевосита микроматн билан алоқаланган парантезалар.....	91
Боб бўйича хулосалар.....	92
III Б О Б. ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК	
ХУСУСИЯТЛАРИ.....	95
Боб бўйича хулосалар.....	122
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	124
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	128

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ маънавий-маърифий ислохотлар, маънавий камолот тарбияси масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Маънавият тушунчасининг асосида турувчи она тили ва уни ҳар томонлама ривожлантиришга бўлган доимий эътибор бениҳоя кучайди. Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларида она тили, хусусан, ўзбек тилининг такомилига мунтазам эътибор эҳтиёжи ва масъулиятли ёндашув зарурияти ўзининг ёрқин ифодасини топган: “Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.”¹

Ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги бу талаб ўзбек тилининг, ҳеч истисносиз, барча сатҳларига оид ҳодисаларни янада чуқурроқ, янада холисроқ, янада кенгроқ тадқиқ этишни тақозо этади. Ўзбек тили коммуникатив ва семантик-структур синтаксисидаги ана шундай тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммолардан бири парантеза ҳодисасидир. Бугунги ўзбек адабий тилида, хусусан, бадиий нутқда ахборотнинг тўлиқроқ ва бадиий-эстетик таъсирлироқ тарзда ифодаланишига ёрдам берадиган парантез бирликлар фаол қўлланади. Аммо уларнинг семантик-грамматик хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган, лингвопоэтик хусусиятлари эса мутлақо тадқиқ этилмаган.

¹ Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.87.

Синтактик структурадаги бир қанча бирликлар, уларнинг ўзаро муносабатини талқин қилишда тилшуносликда анчайин умумий бир фикрга келинган бўлса-да, парантезалар масаласида бошқа тилшуносликларда ҳам бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳали тамоман бир ечимга келинган эмас. Холбуки, матн синтаксисини холис тавсифлашда парантеза ҳодисасини четлаб ўтиб бўлмайди. Ана шу мулоҳазалар ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Парантезаларни ўрганиш рус тилшунослигида дастлаб XIX асрнинг 1-ярмидан бошланган. Ўша давр рус тилшунослари бу ҳодисани “киришлар” номи остида киритмалардан фарқламаган ҳолда тиниш белгиларини ишлатиш қоидалари доирасида ўрганганлар. Ўзбек тилшунослигида парантезалар ҳақидаги илк фикрлар ўтган асрнинг бошларида А.Зоҳирий, Фитрат, Қ.Рамазон, Ҳ.Ғозиев каби бир қатор олимларнинг асарларида билдирилган. Улар ҳам ўқув қўлланмаларида кўпроқ тиниш белгилари қоидалари билан боғлиқ ҳолда кириш ва киритмаларни бир-биридан фарқламасдан тушунтирганлар. Кириш ва киритмаларнинг фарқли синтактик категориялар эканлиги туркийшуносликда биринчи марта А.Ғуломов томонидан асосланган.

Ўзбек тилидаги киритмалар бўйича кейинги даврларда яратилган илк тадқиқот И.Тошалиевнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар” мавзусидаги номзодлик диссертациясидир. Кейинроқ эса Ҳ.Холиқовнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти” мавзусидаги диссертацияси юзага келган. Ўзбек тили грамматикасининг академик нашрида, турли дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам кириш ва киритмалар юзасидан муайян фикрлар, талқинлар берилган. Аммо уларда кириш ва киритмалар матн доирасида эмас, балки, асосан, гап доирасида ўрганилган. Парантезаларнинг бадий матндаги лингвопоэтик қиммати ва уни юзага келтирадиган лисоний омилларга эса мутлақо эътибор берилган эмас.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасининг “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги истиқболли режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади ўзбек тили бадиий матнидаги парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятларини ўрганишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- тилшуносликда парантеза ҳодисасининг ўрганилиш тарихини таҳлил қилиш;
- парантезаларнинг кириш ва киритма турларини фарқлаш учун асос бўладиган омилларга аниқлик киритиш;
- парантезанинг ҳар икки тури ҳам пайдо бўлишига кўра жонли оғзаки нутқ маҳсули эканлигини асослаш;
- парантезаларни гап доирасида эмас, матн доирасида ўрганиш, уларни экспрессив синтаксис бирлиги сифатида талқин қилиш заруриятини кўрсатиш;
- турли структурал шаклдаги парантезаларнинг матнда бевосита алоқаланадиган бирликларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- бадиий матнда кириш ва киритмаларнинг лингвопоэтик қиммат касб этишидаги асосий қонуниятларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ва материаллари. Ишнинг тадқиқ объектини ўзбек тили бадиий матнларида учрайдиган парантез бирликлар ташкил қилади. Чўлпон, А. Қахҳор, С. Аҳмад, О. Ёқубов, Ў. Ҳошимов, Т. Малик, Э. Аъзам, Ш.Холмирзаев, Х. Дўстмуҳаммад каби кўплаб маҳоратли ўзбек ёзувчиларининг насрий асарлари матнларидан олинган тил фактлари қўйилган муаммонинг тадқиқида материал вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. Тадқиқотнинг методологик асосини диалектик фалсафанинг шакл ва мазмун бирлиги, умумийлик ва хусусийлик ҳақидаги қонуниятлари ташкил қилади. Ишда, асосан, тавсифлаш, қиёслаш, лингвопоэтик таҳлил ҳамда таснифлаш методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Парантезалар ўзбек тилида кейинги даврларда пайдо бўлган ҳодиса эмас, балки эскидан тилимизда мавжуд бўлган ҳодисадир.

2. Парантезаларнинг кириш ва киритма турлари ўртасида синтактик-позицион ва интонацион фарқлар мавжуд бўлса-да, уларни фарқлайдиган асосий омил семантикадир.

3. Парантезаларнинг ҳар икки тури ҳам дастлаб оғзаки нутқда пайдо бўлган, фақат тиниш белгиларининг амалиётга кириши ва ривож билан киритмаларнинг қўлланиш доираси ёзма нутқда кенгайган.

4. Парантезаларнинг структур-синтактик, коммуникатив ва лингвопоэтик моҳияти матнда аниқ намоён бўлади, шунинг учун уларни гап доирасида эмас, балки матн доирасида ўрганиш лозим.

5. Киришлар муайян маъно ифодачиси сифатида деярли қолиплашган, шунинг учун уларни бир қатор аниқ семантик гуруҳларга ажратиш мумкин; киритмаларда эса бундай қолиплашув йўқ, шунинг учун уларни конкрет семантик гуруҳларга ажратиш бўлмайди, фақат қўшимча маълумот, изоҳ-тушунтириш ва экспрессив-баҳо ифодаловчи киритмалар тарзида асосий типга ажратиш мумкин.

6. Парантеза ва асосий гап (ёки микроматн) ўртасидаги алоқани интродуктив алоқа тарзида талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

7. Бадиий матнда парантезалар турли структурал шаклларда гап бўлаги, гап ва муайян микроматн билан бевосита алоқаланади, бу алоқанинг воқеланишида, албатта, яхлит матндаги муайян birlikлар ҳам иштирок этади.

8. Парантезалар бадиий матнда поэтик актуаллашиш имконияти жуда катта бўлган синтактик воситалардандир.

9. Киришларга қараганда киритмаларнинг лингвопоэтик қиммати, айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда, юқори бўлади.

10. Парантезаларнинг бир коммуникатив йўналишлисига қараганда икки коммуникатив йўналишлиси бадиий матнда кучлироқ бадиий таъкид олади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ўзбек тилшунослигида илк бор парантез бирликлар матн доирасида ўрганилди;

- бадиий матнда парантезаларнинг поэтик актуаллашиш қонуниятлари ҳам ўзбек тилшунослигида биринчи марта тадқиқ этилди;

- киритмаларнинг киришларга қараганда семантик жиҳатдан бойлиги, ранг-баранглиги ва шунинг учун ҳам бадиий матнда кўпроқ, кучлироқ поэтик таъкид олиши кўрсатиб берилди;

- парантеза ва у қирадиган асосий гап (ёки микроматн) ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос алоқа тури – интродуктив алоқа эканлиги асослаб берилди;

- таркибида гап шаклидаги парантезалар, яъни предикатив парантезалар мавжуд бўлган гапларнинг синтактик мақомини қўшма гапнинг алоҳида, ўзига хос тури сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди;

- парантезаларнинг бадиий тасвирда хилма-хил поэтик мақсадларнинг рўёбга чиқишида иштирок этиши аниқланди;

- парантезаларнинг бир коммуникатив йўналишли ва икки коммуникатив йўналишли турлари ажратилди, тавсифланди ва икки коммуникатив йўналишли парантезаларнинг юқори лингвопоэтик қимматга эгаллиги кўрсатиб берилди;

- парантезалар ҳам ёзувчининг индивидуал-бадий услубини шакллантирадиган синтактик унсурлардан бири эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқотда умумлаштирилган назарий хулосалардан формал-структур, семантик ва экспрессив синтаксиснинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда диссертацион иш натижалари “Синтаксис”, “Стилистика”, “Нутқ маданияти” ҳамда “Лингвопоэтика”, “Бадий матннинг лингвистик таҳлили” каби курсларни ўқитишда, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар яратишда қўл келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертациянинг асосий натижалари ва материалларидан Давлат таълим стандартлари талабларига мос ҳолда олий таълим муассасаларининг ўзбек филологияси факультетлари талабалари, магистратуранинг филологик соҳасидаги йўналишларида систем лексикология ва структур синтаксис дарсларида кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтиши. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг йиғилишида (16.10.2009) ҳамда ЎЗРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар йиғилишида (23.10.2009) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилди.

Тадқиқот натижалари бўйича “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” (ТДПУ, 2007,2008,2009), “Таълим тизимида Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш ва унинг маънавий – тарбиявий, эстетик аҳамияти” (ҚДПИ, 2007), “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим ва тарбия муаммолар ва ечимлар” (ҚДПИ, 2008), “Истиқлол ва тил” (ЎзДЖТУ, 2007), “Ёш адабиётшунос ва тилшуносларнинг анжумани

материаллари” (ЎзРФАТАИ, 2008) каби республика илмий-назарий ва илмий –амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Республикамизда нашр этилаётган журналлар ва илмий тўпламларда ушбу тадқиқотга оид мақолалар эълон қилинган. Иш юзасидан 13 та мақола, шундан 3 таси ОАК рўйхатига киритилган журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

КИРИШ

Нутқий коммуникация жараёнида тил сатҳларининг барчасига оид бирликлар ҳаракатга келади, бу ҳаракатларнинг энг олий мувофиқлаштирувчиси эса коммуникатив синтаксисдир. Нутқий мулоқотнинг асосий бирликлари бўлмиш гап ва матн пировард натижа ўлароқ айнан шу коммуникатив синтаксис қонуниятлари асосида шаклланади. Коммуникатив синтаксис ҳамisha сўзловчи, тингловчи ва нутқ ўртасидаги алоқаларни ҳамда бу алоқалардаги ўзига хосликларни ҳам назарда тутди. Албатта, бунда семантик-структур ва систем синтаксис қонун-қоидаларини назардан соқит қилиб бўлмайди, чунки коммуникатив синтаксис айнан ана шу қонун-қоидаларнинг нутқий реализацияси жараёнларига асосий эътиборни қаратади, ана шуларни ўрганишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Ўзбек тили синтаксиси ва стилистикаси муаммоларининг жиддий тадқиқотчиларидан бири И.Тошалиев ўринли равишда айтиб ўтганидек, “лисоний ўзгаришларни тил ва нутқ, тил тизими ва нутқ фаолияти, умумий ва хусусий, барқарорлик ва тасодифийлик ўртасидаги фарқланишлар нуктаи назаридан ҳам талқин этиш мумкин. Систем лингвистика ва коммуникатив лингвистика ўртасидаги чегарани белгилашда ҳам мана шу тамойиллардан келиб чиқилади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, систем лингвистика ва коммуникатив лингвистика лисоний қўлланиш соҳасини ўрганишда бири-бирини тўлдиради.”²

Табиийки, тегишли нутқий мулоқот эҳтиёжи ва талабига мувофиқ гапнинг (ёки матннинг) ҳажми, структураси, модал-коммуникатив, бадиий-эстетик жиҳатлари турлича бўлиши мумкин. Ана шу эҳтиёж ва талабга уйғун равишда нутқий жараёнда жумла ихчамлашиши, кенгайиши, одатдаги шаклини сақлаган ҳолда мазмун сиғимини орттириши, турли қўшимча

² Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. Синтактик ва синтагматик қайта бўлиниш. Парцелляция. – Тошкент: Зарқалам, 2004.-Б. 11.

ахборотни ўз ичига олиши, ифодаланаётган фикрга сўзловчининг муносабатидаги ўзгаришларни турли даражада акс эттириши, яхлит ёки муайян бир қисмининг айрича поэтик таъкид олиши каби жуда кўп хилма-хил ҳодисалар мавжудки, улар турли синтактик усул ва воситалар орқали воқе бўлади. Масалан, иккинчи даражали предикацияли конструкцияларнинг содда гапга киритилиши билан гапнинг одатдаги шакли сақлангани ҳолда унинг мазмун сиғими ортади ва гапда шаклий-мазмуний номутаносиблик юзага келади, бу ва шунга ўхшаш қонуниятлар ўзбек тилшунослигида Н.Маҳмудов томонидан тадқиқ этилган.³ Мазкур усул ва воситалардан яна бири кириш ва киритмалардир. Бундай бирликлар, шунингдек, ажратилган бўлаклар, ундалмалар, актуал бўлакраниш, гапнинг коммуникатив типлари, илова конструкциялар, парцелляциялар ва бошқа шу каби ҳодисалар коммуникатив синтаксис категориялари сифатида турли тилшуносликларда қайд этилган.⁴ Хусусан, кириш ва киритмалар гапда (матнда) жиддий коммуникатив ва айна пайтда семантик, структур ҳамда лингвопоэтик қимматга эгаллиги билан алоҳида диққатга сазовордир. Табиийки, кириш ва киритмалар ҳам коммуникатив синтаксиснинг, ҳам конструктив синтаксиснинг ўрганиш объекти эканлигини исботлаб ўтиришнинг кераги йўқ.⁵

Бу ўринда, аввало, мазкур бирликларни ифодаловчи терминларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Аксар тилшуносликларда бундай бирликлар “парантеза” ёки “парентеза” термини остида умумлаштирилади. Масалан, “парентеза” термини немис тили грамматикаларида анъанавий равишда ҳам кириш, ҳам киритма бирликларни ифодалаш учун қўлланган.⁶

³ Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

⁴ Озаровская О.В. Согласие-несогласие как категория коммуникативного синтаксиса / Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. –М.: Русский язык, 1980. –С.109-111.

⁵ Яна қар.: Прияткина А.Ф. Русский язык. Синтаксис осложненного предложения. –М.: Высшая школа, 1990. –С. 157.

⁶ Қар.: Рахманова В.М. Вставные единицы в современной публицистик. (на материале немецкого и башкирского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Уфа, 2007.-С. 7.

Бундай ҳолат белорус, рус ва бошқа тилшуносларнинг немис⁷ ва инглиз⁸ тиллари муаммоларига бағишланган ишларида ҳам кузатилади. Немис тили грамматикасининг йирик тадқиқотчиси В.Г.Адмони шундай ёзади: “Киритма конструкция (парентеза) деганда одатда бирон-бир формал-грамматик алоқаларсиз бошқа бирор гап (киритувчи, ўз ичига олувчи) таркибига ажратилган ҳолда киритилган гап тушунилади... Парентеза ва киритувчи гап орасидаги мазмуний муносабатлар фавқулодда хилма-хилдир.”⁹ Бу фикрдан англашилиб турганидай, олим “парентеза” термини остида муайян формал-грамматик алоқа кўрсаткичларисиз гап таркибига киритилган birlikни, хусусан, ҳам киришларни, ҳам киритмаларни назарда тутган. Шубҳасиз, у парентеза ва асосий киритувчи гап ўртасидаги мазмуний муносабатларнинг бениҳоя хилма-хиллигини таъкидлар экан, кириш ва киритмалар орасидаги семантик-функционал фарқлар, шунингдек, уларнинг ҳар бирига хос бўлган мазмуний жиҳатларга урғу беради. Бу жиҳатларни конкрет бадиий асар тили мисолида кўрсатиб беради.

Айрим рус тилшунослари эса кириш ва киритмалар учун умумий ном сифатида “парентеза” эмас, балки “парантеза” шаклидаги терминни маъқул кўрадилар.¹⁰ Яна баъзи тилшунослар эса бу терминнинг мазкур икки фонетик шаклига айрим-айрим терминологик маъно беришга ҳаракат қиладилар. Масалан, узоқ вақтлардан бери рус тили синтаксисидаги айни муаммони тадқиқ этиб келаётган Л.Г.Хатиашвили (1953 йилда Тбилисида “Ҳозирги рус адабий тилида кириш гаплар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган) интернетда эълон қилинган “Парантеза ва матн” номли мақоласида шундай ёзади: “Парантеза” термини билан кириш синтактик ҳодисаси ифодаланади, шунга кўра кириш конструкциялар “парантетик конструкциялар” дейилади. “Парентеза” термини эса киритма синтактик

⁷ Масалан: Самолетова Р.С. Явление парентезы в аспекте лингвистики текста / Вопросы семантики и методики преподавания иностранных языков. – Минск: Наука и техника, 1982. –С.137.

⁸ Долгова О.В. Синтаксис как наука о построении речи. –М.: Высшая школа, 1980. –С. 76.

⁹ Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. –Л.: Наука, 1973. –С. 178.

¹⁰ Акимов Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. –М.: Высшая школа, 1990. –С. 54.

ходисасини билдиради, шунинг учун киритма конструкциялар “парентетик конструкциялар” деб номланади.”¹¹ Бизнингча, бундай йўл тутиш, яъни икки синтактик ходиса учун айти бир сўзнинг икки фонетик вариантыни фарқли терминлар сифатида танлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу тарзда ходисаларнинг моҳиятини ифодалаш мумкин бўлмайди. Қолаверса, кириш ва киритмаларни умумлаштириб номловчи анчайин қулай ва турли тилшуносликларда ғанъанага кирган “парантеза” ёки “парентеза” терминидан воз кечишга тўғри келиб қолади.

Ҳолбуки, *парантеза*(// *парентеза*) сўзи кириш ва киритмаларнинг моҳиятини умумлаштирган ҳолда тўғри ва аниқ ифодалай оладиган термин сифатида ўзини тўла оқлайди. Бу сўз аслида юнонча *parenthesis* бўлиб, унинг маъноси “киритма”дир. Айти *parenthesis* сўзи француз тилига *parenthese* шаклида ўзлашган ва “кириш сўз” ҳамда “қавс” маъноларини ифодалаш учун қўлланади. *Парантез(а)* сўзи рус тилида лингвистик термин сифатидаги маъносидан ташқари “фигуралӣ қавс” маъносидаги типографик термин сифатида ҳам ишлатилади.¹² Бу сўз ҳозирги турк тилида *parantez* шаклида фақат қавс тиниш белгисининг номи сифатида ишлатилади.¹³ Француз риторикачилари гап таркибида қавс ичига олинган гап ёки бошқа бирликларни *parentheses* деб номлайдилар.¹⁴ Рус тилшуноси Н.Д.Арутюнова у ёки бу бирликнинг гапнинг позицион структурасида кириш (ёки киритма) бўлак сифатида келиши ва шундай вазифани бажаришини ифодалаш учун “парентетик позиция” ва “парентетик функция” терминларини ҳам қўллайди.¹⁵

Келтирилган фикрлардан шу нарса аён бўладики, “парантеза” (биз бошқа бир қатор тилшунослар каби айнан шу шаклни маъқул кўрамыз. – Д.Ж.) терминида “киритмалилик, киритиш” ва “қавс (ёки бошқа тиниш

¹¹ Хатиашвили Л. Парантеза и текст (16.12.2004). <http://slavcenter.ge/art/?p=20041216-224941>.

¹² Қар.: Словарь иностранных слов. 16-е изд. –М.: Русский язык, 1988. –С. 371.

¹³ Türkçe Sözlük. 2. Cilt. Ankara, 1988. –S. 1160.

¹⁴ Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клиненберг Ж.-М. и др. Общая риторика. –М.: Прогресс, 1986. –С. 139.

¹⁵ Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. –М.: Наука, 1988. –С. 119, 122.

белгилари) билан ажратилганлик” маънолари аниқ ифодаланади. Зотан, киришларнинг ҳам, киритмаларнинг ҳам гапдаги позицион-структурал моҳияти шундан иборатки, уларнинг ҳар иккиси ҳам асосий гап таркибига ташқаридан киритилади. Айни пайтда асосий гап ичида интонацион ажратилади ва бу ажратилиш ёзувда қавс ёки бошқа тегишли тиниш белгилари билан кўрсатилади. Тилшунослар мазкур ҳодисанинг айтиш жихатига жиддий эътибор берадилар ва шунинг учун бўлса керак, аксар ҳолларда кириш ва киритмалар тавсифига тилшуносликнинг тиниш белгилари ҳақидагви қисмида ҳам алоҳида ўрин ажратадилар.¹⁶

Шуни ҳам8 айтиш керакки, кириш ва киритмаларни умумлаштирувчи ном сифатида турли тилшуносликларда “парантеза // парентеза”дан бошқа терминлардан ҳам фойдаланилган. Масалан, рус тилшунослигида айрим тадқиқотчилар “вставка” (киритма) терминини ҳам қўллайдилар. А.Ф.Прияткина гапни мураккаблаштиришда иштирок этадиган сўз, сўз бирикмаси, гап ёки ундан катта конструкция шаклидаги кириш ва киритма характеридаги бирликларнинг мазмунидан қатъий назар, асосий гап ичига киритилишидан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳар икки синтактик ҳодисани “вставка” (киритма) термини билан номлайди.¹⁷

А.А.Реформатский эса нафақат кириш ва киритмаларни, балки улар билан биргаликда ундалмаларни ҳам умумлаштирган ҳолда уларга нисбатан “внесение” (киргизма) терминини қўллайди.¹⁸ Кириш ва киритмалар, шунингдек, позицион-структурал жихатдан уларга яқин бошқа бирликлар И.Ф.Вардуль томонидан илгари сурилган синтактик концепцияда “вклинение” (ёриб киргизма, суқиб киргизма) термини остида ўрганилган.¹⁹ Француз тилидаги жумла муаммосини тадқиқ этган Л.Г.Веденина ҳам айти

¹⁶ Масалан: Шапиро А.Б. Основы русской пунктуации. –М., 1955. -С.300-320; Абдурахмонов Ғ. Пунктуацияни ўргатиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1968. –Б.75 – 82; Розенталь Д.Э. Справочник по пунктуации. –М.: Кнрига, 1984. -С. 116-126.

¹⁷ Прияткина А.Ф. Кўрсатилган асар.-Б. 156 -158.

¹⁸ Реформатский А.А. 8Введение в языковедение. –М.: Просвещение, 1967.- С. 345 – 346.

¹⁹ Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики. –М.: Наука, 1977. -С.157.

терминни қўллайди, бир гапнинг бошқаси ичига ёриб киргизишни “вклинение” деб атайди ва бунинг матн шакллантирувчи усул эканлигини таъкидлайди²⁰.⁸

Турк тилшунослигида кириш ва киритмалар, шунингдек, гап бўлаклари билан (хусусан, гап кесими билан) бевосита синтактик алоқага эга бўлмаган, гап таркибига ташқаридан киритилган синтактик бирликларни ифодалаш учун алоҳида ихчам бир термин йўқ, шунинг учун ҳам бундай бирликлар “гапдан ташқари унсурлар” (“cümle dışı unsurlar”) тарзидаги тавсифий ифода билан номланади.²¹

Ўзбек тилшунослигида ҳам кириш ва киритмалар учун умумлаштирувчи муайян бир термин йўқ. Аслида, умумий термин сифатида “киритма” сўзидан фойдаланиш мумкин, у гапнинг позицион-структурал таркиби ичига бошқа бирликни киритишдан иборат ҳодисани ифодалай олади. Аммо бу сўз тилшунослигимизда киришларга зид қўйиладиган синтактик ҳодисани ифодалаш учун хосланиб, илмий анъанага кириб бўлган. Ана шуларни ҳисобга олиб, ўзбек тилида кириш ва киритмаларни умумлаштириб ифодаловчи термин сифатида “парантеза”, “парантез бирликлар” терминларини қўллашни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Парантез бирликлар тилимизда куни кеча ёки бугун пайдо бўлган ҳодиса эмас, албатта. Лекин киритма конструкцияларни ўзбек тилшунослигида, умуман, туркийшуносликда биринчилардан бўлиб, муфассал тадқиқ этган И.Тошалиев ўзининг номзодлик диссертациясида уларни тилимиздаги янги ҳодиса сифатида талқин қилади. У шундай ёзади: “Ўзбек тилида синтактик конструкцияларнинг янги-янги формалари вужудга келди: ички воситаларнинг имкониятлари, қўлланиш доираси кенгайди, активлашди ва турли кўринишлари юзага келди. Киришлар ва киритма конструкциялар, ундалмалар ва бошқа тил ҳодисаларининг ҳозирги кунда

²⁰ Веденина Л.Г. Французское предложение в речи. –М.: Высшая школа, 1991.- С. 116.

²¹ Ergin Muharrem. Türk Dil Bilgisi. 19. baskı. İstanbul, 1992. -S. 401.

кенг кўламда қўлланиши бу фикримизнинг исботи бўла олади. Ана шундай янги ҳодисалардан бири киритма конструкциялардир.”²² Табиийки, бундай фикрга қўшилиш қийин, чунки киритма конструкциялар, умуман, парантез бирликлар ўзбек тилига азалдан хос, улар бошқа тилларнинг таъсирида пайдо бўлган эмас. Ҳатто қадимги туркий тилда ҳам “кириш сўз ва кириш гаплар қўлланган”.²³ Ўзбек тилининг тарихий грамматикасига оид ўқув қўлланмаларида, турли диссертацион тадқиқотларда ҳам мазкур бирликларнинг қўлланиши ва бундаги ўзига хосликлар ҳақида аниқ фикрлар баён қилинган. Масалан, Ғ.Абдурахмонов қуйидагиларни таъкидлайди: “Қутадғу билиг”да кўпинча айрим феъллар (*көр, бил, кэл* в. б.) кириш сўз вазифасида келади... Эски ўзбек тилида кириш сўзларнинг доираси ҳам, қўлланиш миқдори ҳам анча кенгаяди. Кириш гаплар қадимги туркий тилда ҳам учрайди... Эски туркий тилда кириш гаплар бирмунча кўпроқ қўлланади... Эски ўзбек тилида кириш гапларни қўллаш бирмунча кенгаяди.”²⁴

Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятларини жиддий тадқиқ этган С.Аширбоев Навоий тилида кириш сўзлар ва кириш иборалар, изоҳ ва киритма иборалар фаол қўлланиши, бунда *ким // ки* воситасининг ишлатишига тўхталар экан, шундай ёзади: “Изоҳ ва киритма ибораларда *ким // ки* воситасининг қўлланиши, *ким // ки* воситасининг (адабиётларда восита, боғловчи восита деб ҳам юритилади) кириш ва изоҳ иборалар мавжудлигини кўрсатиш учун қўлланиши, албатта, эски ўзбек тилининг ўзига хослигини таъминлайди. Ҳозирги ўзбек тилидаги изоҳ ва киритма иборалар гапда изоҳланиб келаётган, аниқлик киритилаётган бўлакка махсус кўрсаткичлар орқали боғланмайди. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки ҳозирги ёзма тилимизда ҳар бир

²² Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. Филол. фан. ном. ...дисс. –Тошкент, 1972.-Б. 1 - 2.

²³ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982.-Б. 53.

²⁴ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1973.-Б. 200.

синтактик ҳодисанинг грамматик муносабати ёки ажратилишини кўрсатиш учун тиниш белгилари етарли даражада қўлланади. Эски ўзбек тили эса бундай ахборот белгиларидан бенасиб бўлган... Алишер Навоийнинг насрий асарларида қайд қилинган изоҳ ва киритма иборалар қўлланган гапларнинг 44 тасида *ким* // *ки* воситаси қатнашган бўлиб, 12 тасидагина қўлланган эмас.²⁵ Кўринадикки, парантез бирликлар ҳозирги тилимизда янги пайдо бўлган синтактик ҳодиса эмас, балки аввалдан мавжуд бўлган ҳодисадир. Фақат кейинги даврларда бундай бирликларнинг қўлланиш доираси янада кенгайган, адабий тилимизнинг синтактик структурасида улар янада ривожланган.²⁶

Айтиш мумкинки, бугунги ўзбек адабий тилида парантез бирликлар анчайин фаол қўлланадиган ва ахборотнинг янада тўлиқ, эстетик таъсирли тарзда ифодаланишига кўмак берадиган ўзига хос мураккаб синтактик ҳодисалардан бири сифатида ҳам семантик-грамматик, ҳам лингвопоэтик жиҳатдан ўрганилиши лозим бўлган долзарб назарий муаммодир.

Тилнинг жуда мураккаб ва ўзига хос сатҳларидан бири, шубҳасиз, унинг синтактик сатҳидир. Синтактик сатҳдаги бирликларнинг моҳияти, табиати, ўзаро алоқаланиш ва муносабатга киришиш механизмлари тил ҳақидаги фаннинг, хусусан, синтаксиснинг марказий масалалари сифатида ўрганиб келинади. Синтактик структурадаги аксарият бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатини талқин қилишда тилшуносликда анчайин умумий, яқин бир фикрга келинган бўлса-да, мазкур сатҳда алоҳида ўрин тутадиган парантез бирликлар масаласида бошқа тилшуносликларда ҳам бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳали тамоман бир тўхтамга келинган эмас. Ҳолбуки, тилнинг коммуникатив-синтактик структурасини, яна ҳам аниқроғи, матн

²⁵ Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Филол. фан. док. ...дисс. автореф. -Тошкент, 1990.-Б. 29.

²⁶ Яна қар.: Абдуллаев Ф. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 1965.- Н3.-Б. 49.

синтаксисини мукаммал тавсифлаш ва тасвирлаш учун парантеза ҳодисасини четлаб ўтишнинг асло имкони йўқ.

Бунинг устига, бадиий нутқ синтаксисида ҳам парантез бирликлар алоҳида ўринга эга. Табиийки, бадиий асар тилининг мукаммал бўлиши, унда бадиий-эстетик мақсаднинг тўласича тажассум топиши ижодкорнинг фақат лексик воситаларни ишлатиш, сўз танлай олиш маҳорати билангина эмас, балки нутқнинг синтактик қурилиши, синтактик конструкцияларни қўллашдаги ўзига хос жиҳатларни тўлиқ акс эттира олиши билан ҳам боғлиқдир. Парантез бирликлар эса ёзувчилар учун жуда бой бадиий тасвир ва эстетик таъсир имкониятларини яратадиган синтактик воситалардан бири сифатида ўзига хос қимматга моликдир.

Бадиий нутқдаги парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этиш микросинтаксис (гап) ва макросинтаксис (матн) соҳаларидаги муайян муаммоларга аниқлик киритиш имконини беради.

І Б О Б. ПАРАНТЕЗ БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

1.1.1.Тилшуносликда парантеза муаммоси

Парантез бирликлар, яъни гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан бевосита боғланмаган бирликларнинг тил қурилишидаги ҳақиқий ўрни ва аҳамияти тилшунослик фани ривожланишининг бошланғич даврларида етарли даражада диққат марказида бўлган эмас. Бу ҳодиса ҳозирги кунгача кўплаб синтактик назарияларда турли хил фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Кузатишлар шундан далолат берадики, “парантеза” термини нисбатан кейин пайдо бўлган. Кириш ҳодисаси жуда кенг тушунча сифатида ўрганилган ва киритма конструкцияларга ҳам “кириш” категорияси деб баҳо берилган.

Рус ва ўзбек тилшуносликларида парантез (кириш ва киритма) конструкцияларнинг ўрганилишини икки даврга ажратиб таҳлил қилиш мумкин, яъни: 1) XIX асрнинг биринчи ярмидан XX асрнинг 40-йилларигача бўлган давр ва 2) XX асрнинг 40-йилларидан ҳозирги кунгача бўлган давр.

Дастлаб парантез конструкцияларнинг лингвистик табиатини ўрганишда тилшунос олимлар турли хил назарий қарашларни илгари сурдилар. Бу эса ўз навбатида фикрлар хилма-хиллигининг юзага келишига сабаб бўлди. Хусусан, рус тилшунослигида XIX асрнинг биринчи ярмида кириш ва киритма конструкциялар махсус ажратилмади. У ҳақидаги маълумотларни тиниш белгиларининг, айниқса, қавсларнинг ишлатилишига оид қоидалар тавсифида берилиши ҳам фикримиз исботидир. М.В.Ломоносовнинг “Рус грамматикаси” номли рисоласида “Белгилар ҳақида” деб номланувчи IV бўлим ичида киритма конструкцияларга ҳам йўл-йўлакай таъриф бериб кетилади.²⁷

²⁷ Ломоносов М.В. Российская грамматика / Ломоносов М.В. Полн. собр. соч. в 11-ти томах. Т.7. –М. -Л., 1952. -С. 562.

Н.И.Гречнинг “Амалий грамматика” сида киритма конструкцияларга нисбатан тўғри таъриф берилган.²⁸ Лекин муаллиф киритмаларга киришлар доирасида туриб баҳо беради ва конструкцияга “киритма” терминини қўлламайди. Тилда қандайдир бир конструкция борлигини, унинг гап билан мазмунан боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, киритма гапларнинг мустақил синтактик конструкция эканлигини тан олмайди. Киритмалар билан киришлар бир ҳодиса деб тушунилади.

А.Х.Востоков “Рус грамматикаси”да Н.И.Гречнинг илмий қарашларини қувватлаган ҳолда кириш ва киритмаларни бир ҳодиса сифатида қараш кераклигини маъқуллайди. Аммо ундан фарқли ўлароқ, қўшимча белги билан ажратилувчи ва тушунарсиз сўзлар маъносини аниқлаш учун хизмат қилувчи махсус конструкциялар тури ҳақида ҳам маълумот беради.²⁹

Евграф Филомафитскийнинг илмий қарашларини эса, қайсидир маънода, киритмаларнинг мустақил категория сифатида мавжуд эканини исботлашга ҳаракат дейиш мумкин. Жумладан, олим асосий гап ва киритма ўртасида махсус алоқанинг борлигини таъкидлайди ва шу билан бирга ёзувчи нутқида қавслар мавжудлигини эътироф этиш асносида қавслар услубий ожизлик натижаси дея эътироф этади.³⁰ Олим бу фикри орқали қавсларни ёзувчи аввалдан режалаштириб, ўз бадий ниятининг реализацияси сифатида киритаётганини назардан четда қолдиради.

А.М.Пешковскийнинг “Мактаб ва илмий грамматика” рисоласида “киритма” тушунчаси ҳақида эътиборга молик назарий қарашлар баён этилади. Олим киритмалар талаффуз қилинишида ўзига хос оҳангга эга бўлишини аниқлайди. Бу фикрни келтириш орқали олим кириш ва

²⁸ Қар.: Щеболева И.И. Общая характеристика вставочных конструкций в современном русском литературном языке / Учен. зап. Ростов-на Дону гос. пед. института. Вып.4. 1955.- С.97.

²⁹ Востоков А.Х. Русская грамматика. 12-е изд. -СПб., 1874. -С. 216.

³⁰ Щеболева И.И. Кўрсатилган асар.-Б. 54.

киритмаларни алоҳида синтактик конструкция эканлигини аниқлашга муваффақ бўлади.³¹

Рус грамматикаларининг айримларида эса киришлар икки типга ажратилади.³² Кириш сўзлар субъектив муносабатларни ифодаловчи восита сифатида талқин этилса, кириш гапларга оид таърифларда эса киритмаларга хос белгилар, яъни бошқа гап ичига ҳеч қандай грамматик алоқаларсиз йўл-йўлакай шунчаки киритилиши айтилади. Бу эса киритмаларни алоҳида синтактик категория сифатида эмас, балки киришларнинг бир тури сифатида кўрилганлигини исботлайди.

Илмий терминлар ва диалектал сўзлар маъносини тушунтириб келган сўз ва сўз бирикмасидан иборат бўлган махсус конструкциялар, цитаталар дан кейин бериладиган манбалар, драматик асардаги ремаркаларнинг қавс орқали ажратилиши тиниш белгиларига оид айрим қўлланмаларда ёритилади. Лекин, уларнинг киритма конструкциялар эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди.

Демак, XIX асрнинг биринчи ярми XX асрнинг 40-йилларигача бўлган рус тилшунослигида киритма конструкциялар ҳақидаги муаммо ўз ечимини топмаган. Киритмалар табиатини тўлиқ очиб берувчи жиддий фикр майдонга келмаган. Кириш ҳодисаси киритмалар билан қориштирилган ҳолда талқин этилган. Лекин, алоҳида таъкидлаш жоизки, олимларнинг киритмалар ҳақидаги турлича қарашлари тилшуносликнинг кейинги даври учун таянч вазифасини ўтади.

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб рус тилшунослигида киритма конструкция атрофидаги мунозаралар ўз ечимини топа бошлади. Кириш ҳодисасидан киритмани фарқлашга интилиш, уларни мустақил синтактик конструкциялар сифатида қарашга қизиқиш кучайди. Жумладан, олиб борилган тадқиқотлар ва турли грамматикаларда билдирилган илмий

³¹ Пешковский А.М. Школьная и научная грамматика. -М., 1914.- С.54.

³² Абраменко А. Практический синтаксис русского языка. -М., 1915. -С.92; Земская А.М., Крючков С.Е., Светлаев М.В. Русский язык. Часть 2. изд. -М.: Учпедгиз, 1963.

қарашлар киритмаларни киришлардан фарқланувчи кўплаб жиҳатлари мавжуд эканлигини исботлади. Айниқса, киритма конструкцияларни махсус категория сифатида чегаралаш лозимлиги ҳақидаги қатъий фикрни биринчи марта профессор А.Б.Шапиро С.И.Абакумовнинг “Пунктуация методикаси” ишига тақризида илгари суради.³³ Профессор киритмаларнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида қуйидагиларни эътироф этади: “Гапнинг асосий тўқимасига киритишга мўлжалланмаган қўшимча изоҳ сифатида махсус вазифага эга сўзлар, сўзлар гуруҳи, гап ёки гаплар гуруҳи келади”.³⁴ У грамматик жиҳатдан шаклланиб бўлган гап тўқимаси ичига нутқ процесси давомида туғилиб қолган зарурат, асосий фикрга яна нимадир қўшиш, изоҳ бериш мақсадида тўсатдан киритилганлиги ва гап бошида кела олмаслиги киритмаларни киришлардан фарқлаш учун асосий омил эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шунини айтиш жоизки, А.Б.Шапиронинг билдирган бу қатъий хулосаси рус тилшунослигида янги талқинларнинг юзага келишига туртки бўлди ва кўплаб тилшунослар унинг назарий қарашларини қўллаб-қувватладилар. Киритма ва кириш birlikлар ҳодисасини тадқиқ этишга интилиш кучайди, бу эса жуда кўплаб монографик ишлар, қатор илмий мақолалар ва диссертацион ишларнинг майдонга келишига сабаб бўлди. 1972 йилгача рус тилшунослигида эълон қилинган И.И.Щеболева, Д.В.Малявин, Т.Р.Котляр, И.А.Кирюхина, А.И.Аникин, В.Ицкович, М.А.Авласевич, В.Я.Плоткин, В.Барчунов, Л.Г.Хатиашвили, А.Г.Руднев, Е.П.Седун, И.А.Бабакова каби кўплаб тадқиқотчиларнинг ишлари, туркологиядаги айрим тадқиқотларнинг таҳлили ва тавсифий шарҳи айна муаммони ўзбек тилшунослигида монографик аспектда илк тадқиқ этганлардан бири И.Тошалиевнинг номзодлик диссертациясида батафсил берилганлиги³⁵ учун биз мазкур манбаларнинг шарҳидан тийиламиз. Уларнинг деярли барчасида

³³ Шапиро А.Б. Рецензия на работу С.И.Абакумова «Методика пунктуации» / Русский язык в школе. 1948. № 3.

³⁴ Шапиро А.Б. Кўрсатилган асар.-Б. 63.

³⁵ Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар: Филол. фан. ном. ...дисс. -Тошкент, 1972.-Б. 9-18.

киришларнинг киритмалардан фарқли алоҳида ҳодиса эканлиги, айримларида эса уларнинг ҳар иккиси муайян бир ҳодиса эканлиги таъкидланган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам кириш ва киритмалар ҳақидаги илк илмий қарашларнинг пайдо бўлиши кечаги воқеа эмас, балки анчайин эски, яъни бундай қарашларнинг ибтидоси XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда А. Зоҳирий, Бехбудий, Фитрат, Қ.Рамазон, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Ғози Олим Юнусов, Ш.Зуннун, Ҳ.Ғозиев каби бир қатор олимлар ўзбек илмий тилшунослигининг ривожини йўлида баракали изланишлар олиб борганлар. Аммо уларнинг кириш ва киритмаларга дахлдор фикрларининг таҳлили И.Тошалиевнинг номзодлик диссертациясидан ташқарида қолган, бу, албатта, табиий, чунки мазкур диссертация тайёрланган пайтда зикр қилинган маърифатпарварларнинг нафақат ишларини, балки номларини тилга олиш ҳам ҳукмрон мустабид сиёсат томонидан тақиқланган эди.

XX асрнинг бошларида Туркистонда ўзбек тилшунослигини ривожлантириш, мактаблар учун дарсликлар яратиш, изчил таълимни йўлга қўйиш долзарб масалалардан бирига айланган ва бу ҳолат ўзбек маърифатпарварлари томонидан англаб етилган эди. Худди шу шароитда биринчилардан бўлиб тилшунос олим Ашурали Зоҳирий она тили дарслиги ва турли ўқув китобларини яратди. Айниқса, олим мактабларда она тилида тўғри ёзишни ўргатиш учун зарур дарсликлар йўқлигини инобатга олган ҳолда ўзбек тилида биринчи бор “Имло” дарслигини яратиб (1916 йил), ўзбек пунктуациясига тамал тошини қўйди. Бошланғич мактабларнинг тўртинчи синфлари учун мўлжалланган бу дарслик ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини белгилашда, тилнинг тараққиёт йўналишларини аниқлашда тилшунослар учун таянч қўлланма вазифани ўтади. Ашурали Зоҳирийнинг бу хизматига Абдурауф Фитрат “Сарф” китоби (1924 йил)нинг сўзбошисидан юксак баҳо берган эди: “Милодий 19 нчи мўлчарнинг (асрнинг) сўнгларида бизда янгилашмоқ (тажаддуд) фикри уйғанди. Янги мактаблар очмоқ, янги

китоблар ёзмок, газеталар, хатлар чиқармок истадик: очдик, ёздик, бироқ хануз тил, имло масалаларига очик белгили бир йўл бера олмаган эдик. Бутун турк дунёси учун “бир ялпи тил” қабул этмак хаёллари билан овора бўлдиқ. Тилимизни шунга тўғри йурғузмок учун унумсиз тиришдик. Бу хаёлларнинг ишка ошмаганин билгандан кейин ўз тилимизни, ўз имломизни тушуна бошладиқ. Бу йўлда биринчи одимни қўқонлик Ашурали Зоҳирий отди. Имло битик сўзини ёзиб чиқарди. Ундан сўнгра Тошкентда “Чиғатой гурунги” очилди. “Гурунг” тил, имло масалалари билан теранроқ машғул бўлди”.³⁶

Кўриниб турганидай, Фитрат А.Зоҳирийни ўзбек имлоси ва тили устида иш олиб борган илк тадқиқотчи сифатида эътироф этган. А.Зоҳирийнинг “Имло”си ўзбек орфографияси ва пунктуацияси бўйича дастлабки илмий-методик қўлланмадир. Унда ўқувчиларнинг имло ва пунктуация қоидаларини ўрганиш асносида синтаксисга оид дастлабки маълумотларни олишлари ҳам кўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида олимнинг синтаксисни мустақил бўлим сифатида ажратишга ва ўқувчиларнинг синтаксис ҳақида тушунчага эга бўлишлари учун уринганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам рисолада синтаксис ҳақида йўл-йўлакай маълумот берган. Айни шу маълумотлар орасида киритмаларга оид дастлабки фикрларни учратамиз.

“Имло”нинг 3-қисми тиниш белгиларининг қўлланиши қоидаларига бағишланган бўлиб, “Хатлар орасида риояси лозим ишорат ва вақф аломатлари” деб сарлавҳа қўйилган.³⁷ Муаллиф бу бўлимда тиниш белгиларининг ёзувда қўлланиши ва қандай ҳолатларда қўйилиши ҳақида мулоҳаза юритади. Қавс белгисининг хусусиятларини баён этиш асносида киритмалар табиатига хос бўлган белгилар хусусида ҳам тўхталади: “Ишорати” “()” (қавсайин ёки тафсир ишорати) бир сўзнинг маъносини сўз орасинда баён қилғонда ёки сўз орасинда бирор мазмунни эска тушуруб

³⁶ Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006.-Б. 140.

³⁷ Бу ҳақда қар.: Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2005.-Б. 46.

кетмоқчи бўлғонда, икки четига кўйилур. Чунончи, *Арз (ер) юмалоқдур. Жоҳил (нодон) кишиларнинг суҳбати ақлни камайтирур*”.

Қавс белгисининг иккинчи аломатини муаллиф шундай изоҳлайди: “... ёки сўз орасинда бирор мазмунни эска тушуруб кетмоқчи бўлғонда икки четига кўйилур”.³⁸ Билдирилган бу фикрлар айнан киритма категорияларнинг табиатига хос. Лекин муаллиф киритмаларнинг матнда қўлланишига мисол келтирмайди. Аммо олимнинг бошқа мақолаларида бу давр ёзма нутқида киритма конструкциялар фақат қавс ёрдамида ажратилганини кузатдик. Демак, А.Зоҳирий биринчи бўлиб киритмаларнинг хусусиятини ёритишга муваффақ бўлган. Бироқ “Имло”да пунктуация масаласи хусусида баҳс юритилгани боис киритмаларга кенг ўрин берилмаган. Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик меросини ўрганган тадқиқотчи Т.Тоғаевнинг маълумот беришича, олим синтаксисга оид дарслик ҳам яратган, лекин турли сабабларга кўра рисола нашр этилмай қолган.³⁹ Бу даврда Ашурали Зоҳирийнинг “Имло”сидан бошқа дарслик майдонга келмади.

Фитратнинг тилшунослик меросини атрофлича ўрганган олима М.М.Қурбонова тадқиқот ишида таъкидлаганидек: “Фитрат бутун умри давомида тил софлиги учун қайғурди, миллий тил ва миллий ёзувимиз бўлиши учун тинмай курашди”.⁴⁰ Дарҳақиқат, Фитрат ўзбек миллий грамматикасининг асосчиларидан биридир. Олим ўзбек тилшунослигида биринчи бор “Сарф” (Морфология) ва “Наҳв” (Синтаксис)дан иборат “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба” китобини яратди.⁴¹

Фитрат “Наҳв” китобида кириш сўзларга алоҳида тўхталади. Аммо киритма конструкциялар ҳақида ҳеч нарса демайди. Бизнингча, олим киритмаларни ҳам кириш сўзлар дея талқин қилади. Бу табиий ҳолат, чунки киритмалар 60-йилларга қадар киришлар дея эътироф этилган.

³⁸ Тоғаев Т. Кўрсатилган диссертация.-Б. 60.

³⁹ Тоғаев Т. Кўрсатилган диссертация.-Б. 25.

⁴⁰ Қурбонова М.М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Фил. фан. ном. ... дисс. -Тошкент, 1993.-Б. 113.

⁴¹ Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006.-Б. 140 -213.

Фитрат киришларга куйидагича таъриф беради: “Гап орасида шул гапнинг бўлаклари билан “наҳви(й)” бир муносабати бўлмаган бир сўз ё бир гап киргизиладир. Мана шул ёт бўлиб кирган сўз ё гапка “кириш сўз” дейиладир. “Кириш сўз” арабларнинг “муътариза”, русларнинг “вводное слово” деган сўзларига тўғри келади:

Бизнинг мактабда, Каримнинг айтганига кўра, бу кун дарс бўлмайдир, дарс бўлмагач, табиий, бизнинг боришимиз ҳам керак эмас деганимизда *Каримнинг айтганига кўра* ҳам *табиий* сўзлари кириш сўз бўлади. Буларнинг “кириш сўз” эканликларини шундан биламизким: буларни гапдан чиқариб қўйганда гапдан англашилғувчи ўйга сира зарар бўлмайдир.

Кириш сўзлар, юқоридаги мисолларда кўрганимиз каби гапнинг боришига зарар бермай турган бўлсалар ики томонларида ики “,” шакли қўйиладир. Гапнинг боришига зарар бературган бўлсалар ики томонларидан ики ёй ёки чизик қўйиладир:

Қўзғол, ортиқ етар, эй қайғули оҳлар чекан (Элбек)...

Бошлангич тарбиясининг бузуқлиги, маълумотининг чекланганлиги (тўғриси, жуда озлиги) ота-онадан ўқсуз бўлиб билимсиз бир оғасининг қўлида қолгани... (Мирмулла).

Самаркентни олмоққа қўшун тортқанда йўл ўртасида – Нил дарёсими, Жайхунми деган бир дарёга тўғри келар экан (Жулқунбой).

Мана бу гапларда ёйлар, чизиклар орасида ёзилган сўзлар кириш сўзларидир”.⁴²

Келтирилган мисоллардан ҳам кўриш мумкинки, муаллиф киритмаларни ҳам кириш сўзлар дея баҳолаган. Бу фикримизни мустаҳкамлаш учун олимнинг “туруш белгилари” (тиниш белгилари) деб аталувчи бўлимига мурожаат қиламиз. Муаллиф қавслар хусусида фикр юритар экан, киритмаларга хос хусусиятларни таъкидлайди:

⁴² Фитрат А. Кўрсатилган китоб.-Б. 208 – 209.

“() ёйлар. “Кириш сўз”ларнинг ҳаммаси ёйлар орасида ёзиладир. Кириш сўзларнинг ики томонида ики ёй ўрнида ики “,” белгиси қўймоқ ҳам бўладир: *Бу зот Амрика, Олмонийё (Гирмания), Англия, Япония, Фирансия, Билгия ва шунинг каби ҳар давлатларни ёдлаб билар эди. (А.Қ.) Бизда ўзларини уламо атаганлар (Бизда ҳақиқий уламо йўқдир) бутун тараққий ишларига қариши турдилар.*

Кириш сўзларнинг ики томонида, ёйлар жойига чизиклар қўйилса-да бўладир:

Бу кичкина, ўксуз, оппоқ бибақлар –

Уча, уча етмай қолган тилақлар -

Эскан елнинг қўлларига ўзини

Ташлаб қўяр борлигини унитар (Фитрат).”⁴³

Фитратнинг қавсларни қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақидаги мушоҳадалари А.Зоҳирийнинг илмий қарашлари билан деярли бир хил. Айни пайтда икки тилшунос ҳам киритмаларни ўзлари билмаган ҳолда киришлардан фарқлагандай бўлганликларини ҳам сезмаслик мумкин эмас. Чунки уларнинг талқинларида киритма конструкциялар аксарият ҳолларда қавслар ёрдамида ўзлари кирган қабул қилувчи гапдан ажратилиши, бу хусусият уларнинг қабул қилувчи гапга “бегона”лигидан дарак бериши маълум даражада илғангандай туюлади.

Ўша давр маърифатпарварларидан бўлмиш Ш.Зуннун ҳам кириш сўзлар масаласига тўхталган, аммо у Фитратдан фарқли равишда бу ҳодисани бутунлай бошқа атама билан номлашни маъқул кўрган. Хусусан, у шундай дейди: “Гапнинг бошқа бўлақлари билан боғланишлар бўлмай, бир ўй (фикр)ни билдириш учун келтириб, тушунки товуш билан айтиладирган сўзлар “қистирма сўз” аталадирлар”.⁴⁴ Ўша даврдаги айрим қўлланмаларда ана шундай “қистирма сўз ва қистирма гаплар” гапнинг ўзига хос, алоҳида

⁴³ Фитрат А. Кўрсатилган китоб.-Б. 212 – 213.

⁴⁴ Зуннун Ш. Тил қоидалари. Самарқанд -Тошкент, 1929.-Б. 29.

бўлаклари (“ўғай тўлдирғичлар”) сифатида ҳам талқин қилинганки, кейинчалик бундай ёндашувнинг асоссизлиги ҳақида А.Ғуломов ўз фикрларини билдирган.⁴⁵

Ш.Зуннуннинг айти қарашлари Фитратнинг кириш сўзларга берган таърифидан фарқ қилади. Ш.Зуннун кириш сўзларни “бир ўй(фикр)ни билдириш учун” қўлланишини ҳам қўшимча қилади. Олимларнинг фикрларида ҳар хиллик бўлиши табиий, чунки ҳамма даврларда ҳам илмий қарашлар, фикрлар хилма-хиллиги мавжуд бўлган. Бусиз фаннинг ривожланиши тўхтаб қолади. Бу жараёни эътиборга олган ҳолда Фитрат “Наҳв” китобининг сўзбошисида шундай ёзади: “Биз тил қоидалари ҳам унинг атамалари (истилоҳлар) тўғрусида ишлашнинг ҳам биринчи пайтидамиз. Шунинг учун тилмизнинг қоидаларини бу майдонга қўйиб, атамаларини собит бир ҳолга келтириб олганимиз йўқ. Бу тўғруда тил муаллимларимиз ора бирлашкан бир йўл ҳануз йўқдир... Тилимизнинг бутун қоидаларини аниқлаб, атамаларини майдонга қўймоқ учун яна бир оз тиришмагимиз, бир-биримизга кўмак қилишимиз лозим”.⁴⁶

Демак, XX асрнинг бошларида киритма конструкцияларга оид дастлабки маълумотлар киришлар баҳсида тилга олинган ҳамда улар мустақил синтактик категория сифатида эътироф этилмаган. Лекин шундай бўлса ҳам, мазкур ҳолат тилшуносликнинг кейинги даври учун манба бўлиб хизмат қилган.

Кейинроқ мактаблар учун яратилган дарсликларда бу масалаларга ҳам алоҳида ўрин берилди. Масалан, Н.Саид ва А.Йўлдошевларнинг “Наҳв” (7-синфлар учун) дарслиги синтаксисга бағишланган бўлиб, ундан кириш сўз ва кириш гаплар алоҳида мавзу сифатида ўрин олган.⁴⁷ Лекин шунга қарамай, киритма категориялар ҳақида маълумот берилмаган. “Кириш сўз ва кириш гапда тиниш белгилари” мавзуси ичида йўл-йўлакай гапда мустақил бўлиб

⁴⁵ Ғуломов А. Ўзбек тили синтаксисининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти.-Б. 1968.- N 2.-Б. 11.

⁴⁶ Фитрат А. Қўрсатилган китоб.-Б. 175 – 176.

⁴⁷ Said N., Yoldoshev A. Grammatika. 2-qism. –Тошкент: Oʻzdavnaʼsr, 1936.-Б.38.

келган кириш гап тире билан ажратилиши ёки ёй ичига олинishi ҳақида маълумот бериб кетилади. Келтирилган мисолда эса киритмаларнинг қўлланганлиги муаллифларнинг киритмаларни кириш гаплар дея эътироф этганидан далолат беради, яъни: *Бир кун кечқурун (бу 1773-нчи йил октябрнинг бошларида эди) бир ўзим куз шамолининг увуллашини эшитиб ўтурган эдим.* (Пушкин)⁴⁸

Демак, муаллифлар ҳам юқоридаги олимлар фикрларига қўшилган ҳолда киришлар доирасида киритмаларни ўрганадилар ва тиниш белгиларининг ишлатилишини кўрсатувчи фактик мисоллардагина киритмаларни ҳам эътиборга оладилар. Бу ҳолат “киритма” атамаси ҳали у даврда ўзбек тилига татбиқ этилмаганини яна бир бор исботлайди.

Шунингдек, кириш сўз ва кириш гаплар ҳақида маълумот берилиши, аммо киритмалар ҳақида маълумот берилмаслигини шу даврдаги бошқа дарсликларда ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Ҳ.Ғозиевнинг тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслигининг “Синтаксис” қисмида қуйидагича фикр билдирилади: “Кириш сўз ёки сўзлар бирикмасидангина эмас, балки гаплардан ҳам бўладилар. Кириш гаплар айтилган фикрга изоҳ беради, у ҳақда бирор эслатиш кабиларни ифодалайди”.⁴⁹ Муаллиф киритмаларни тўғри талқин этса-да, лекин уларни кириш гап дея белгилайди. Шу сабабдан ҳам кириш сўз ва гаплар гапдан олдин келса, уларнинг охирига, гап ўртасида келса, икки томонига, гапнинг охирида келса, олдига вергул қўйилишини эслатади. Маълумки, киритмалар ҳеч қачон ўзи кирган гапнинг бошида кела олмайди, шу белгиси билан ҳам киришлардан фарқланади. Ҳ.Ғозиев Н.Саид ва А.Йўлдошевлардан фарқли равишда янги фикрни баён этади: “Кириш гап ўзи киритилган гапнинг мазмунини англашилишига халал берадиган кўринса, айниқса, ёйиқ гап бўлса, тире ёки скобка билан ажратилади”.⁵⁰

⁴⁸ Said N., Yoldoshev A. Кўрсатилган дарслик.-Б. 39.

⁴⁹ Ғозиев Ҳ. Ўзбек тили грамматикаси. II бўлим. Синтаксис (Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслик). -Тошкент, 1941.-Б. 103 – 104.

⁵⁰ Ғозиев Ҳ. Кўрсатилган дарслик.-Б. 105.

Бизнингча, муаллиф кириш гапларни ўзлари кирган гапга четдан кириб, ўзлари кирган гапни бузиб, бутунлай бошқа йўналишдаги фикрни бера олишини назарда тутган бўлса керак. Бу ҳолат киритмаларнинг табиатига мос тушади. Муаллиф фикридан шуни англаш мумкинки, секин-асталик билан тилшунослик тараққиёти давомида киритмаларни киришлардан ажратиб, бошқа ҳодиса эканлигини аниқлашга интилишлар юзага кела бошлаган. Бу ҳолат А.Ғуломов, З.Маъруфов, Т.Шермуҳаммедовлар томонидан тузилган ўзбек тили грамматикасининг “Синтаксис” қисмида ҳам учрайди. Дарсликда “кириш сўзлар ҳам, ундалма сингари, гапнинг бошида, ўртасида, охирида келиши мумкин” деган фикр билдирилади. Аммо, кириш гапларнинг қандай ўринларда кела олиши ҳақида фикр билдирилмайди. Фақатгина кириш гаплар қавс орасига олиниши ёки тире билан ажратилиши мумкинлиги мисоллар ёрдамида тушунтирилади.⁵¹ Бизнингча, муаллифлар кириш гапни Ҳ.Ғозиевдан фарқли равишда кириш сўзлардан фарқлаганлар. Шу сабабли ҳам кириш сўзларни ундалмаларга ўхшаш жиҳатлари борлигини эътироф этган ҳолда, кириш гапларни бу икки ҳодисадан фарқлаганлар. Демак, олимлар кириш сўзлар табиатини ёритиб берганлар, аммо кириш бирикма, кириш гапни назардан четда қолдирганлар. Кириш гап атамаси остида эса киритмаларни тушунганлар.

Худди шундай қарашларни А.Боровков, З.Маъруфов, Й.Абдуллаев, Т.Шермуҳаммедовларнинг “Ўзбек тили” дарслиги (Синтаксис. II қисм. 6 - 7-синфлар учун)да ҳам учратамиз. Муаллифлар кириш гап ёйиқ бўлса, қавс ичига олинишини таъкидлайдилар ва киритмалар қўлланган гапни мисол қилиб келтирадилар. Юқоридаги муаллифлардан фарқли равишда кириш иборалар ҳам мавжуд эканини мисоллар ёрдамида кўрсатадилар.⁵² Дарсликнинг қайта нашрларида ҳам деярли фикрлар бир хил. “Кириш сўз ва

⁵¹ Ғуломов А., Маъруфов З., Шермуҳаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Синтаксис. –Тошкент: Ўздавнашр, 1946.-Б. 62 – 63.

⁵² Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев Й., Шермуҳаммедов Т. Ўзбек тили дарслиги. II қисм. Синтаксис (6 – 7-синфлар учун). –Тошкент: Ўқув-педагогик нашриёти, 1957.-Б. 70 – 71.

кириш иборалар” мавзуси остида кириш гаплар ҳақида ҳам йўл-йўлакай маълумот бериб ўтилган, холос⁵³. Биз кузатишларимиз жараёнида А.Зоҳирий, Фитрат, Ш.Зуннун каби тилшунослар қарашларида фақат кириш сўзларни учратдик, киритмаларни эса кириш сўзнинг ёйиқ шакли, шу сабабдан қавсга олинади деб тушунганларини кўрдик. Кейинги дарсликлар муаллифлари эса улардан фарқли равишда кириш сўз алоҳида ҳодиса эканини, кириш гап ва кириш иборалар мавжуд эканини кўрсатадилар. Демак, бу ҳолат кириш сўзлар таркибида бошқа синтактик ҳодиса ҳам борлиги тан олинаётганидан далолат беради.

А.Маъруфов, Ғ.Абдурахмоновларнинг ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун “Ўзбек тилидан қўлланма”сида “Кириш сўзлар ва кириш гаплар” мавзуси остида кириш сўз ва кириш гапларнинг гап мазмунига алоқадор бўлиши ҳамда сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабатини кўрсатиши билан бир қаторда гапдаги бирор бўлакни изоҳлаб, конкретлаштириб келиши ҳам таъкидланади.⁵⁴ Бу ўринда кириш ва киритмалар бир қадар қориштирилгандай кўринади, чунки гапдаги бирор бўлакни изоҳлаб, конкретлаштириб келиш киритмаларга хос хусусият бўлиб, киришларда бундай хусусият кўзга ташланмайди, улар модал муносабатни ифодалайди.

Ўзбек тилшунослигининг кейинги даврларига келиб, кириш бирликлар сифатида қараб келинган ҳодиса таркибида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган яна бошқа ҳодиса, яъни киритмалар ҳам борлиги атрофидаги баҳс-мунозаралар ўзининг тегишли ечимини топди. Нафақат ўзбек тилшунослигида, балки, умуман, туркийшуносликда биринчи бўлиб профессор А.Ғ.Ғуломов киришлар таркибидан киритмаларни ажратиб, киритма сўз ва киритма гапнинг алоҳида синтактик категория эканлигини

⁵³ Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев Й., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили дарслиги. II қисм. Синтаксис (6 – 7-синфлар учун). Қайта нашр. –Тошкент: Ўқув-педагогик нашриёти, 1959.-Б. 70 – 71.

⁵⁴ Маъруфов А., Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тилидан қўлланма. Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962.-Б. 128 - 129.

асослаб берди.⁵⁵ Шу билан бир қаторда бу ҳодисанинг табиатини тўлиқ намоён эта олувчи “киритма гап”, “киритма сўз” атамаларини фанга татбиқ этди. А.Ғуломов “Ҳозирги замон ўзбек тили” дарслигида “Киритма гаплар ва киритма сўзлар” мавзусини баён қилар экан, уларнинг киришлардан фарқли жиҳатларини қуйидагича таърифлайди: “Киритма гапларнинг асосий хусусиятлари: бунда асосий гапдаги фикрга қўшимча тариқасида, йўл-йўлакай янги факт баён қилинади. Киритма гапларни кириш гап билан чоғиштирганда, айримликнинг кучлилиги, мустақиллик, асосий гап билан боғланишнинг кучсизлиги сезилиб туради. Масалан: *Болани (уйда катталардан ҳеч ким йўқ эди) мен ўзим уйғотдим.*

Англашиладики, киритма гап асосий гапдаги фикр билан боғланган бутун бир фикрни ифодалайди. (Кириш гап бошқа фикрни ифодаламайди, айтилган фикрга муносабатни билдиради.) Кириш гап билан чоғиштирганда, унинг айрим гаплик ҳолати интонациясидан ҳам билиниб туради. Киритма гапнинг асосий хусусиятларидан яна бири уларнинг маълум, тайёр структурага эга бўлган гапга нутқ моментида туғилиб қолган эҳтиёж, зарурликка кўра худди кутилмагандек, бирдан киритилишидир.”⁵⁶

Мазкур дарсликнинг қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашрида эса А.Ғуломов кириш сўз ва кириш гапларни “кириш конструкциялар”, киритма сўз ва киритма гапларни эса “киритма конструкциялар” номи билан умумлаштирган.⁵⁷

Ўзбек тилшунослигида киритмаларни номлашда, асосан, икки ҳолатни кўриш мумкин. Аксар тилшунослар киритмаларнинг ўзлари қўлланган гапга четдан, бутунлай кутилмаган вазиятда, янги мазмун режасига эга бўлган воқеликни ифода этишини назарда тутган ҳолда

⁵⁵ Бу ўзбек тилшунослигида ҳам, туркийшуносликда ҳам эътироф этилган. Қар.: Тошалиев И. Кўрсатилган дисс.-Б. 17; Рысаева Г.А. Вставочные конструкции в современном башкирском литературном языке: Дисс. ...канд. филол. наук. –Стерлитамак, 2002.- С. 28.

⁵⁶ Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961, 159-бет.

⁵⁷ Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. 3-нашри. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987.-Б. 154 - 155.

“киритма” термини билан номлашни маъқул кўрадилар. Бошқа баъзи тадқиқотчилар эса мазкур бирликларнинг гапга ёки унинг таркибидаги айрим бўлакка изоҳ сифатида қўшимча маълумот беришини эътиборга олган ҳолда “изоҳ гап ва изоҳ сўз бирикмаси” терминини қўллайдилар. Масалан, академик Ғ. Абдурахмонов айти терминни ишлатади. У шундай ёзади: “Маълум гап таркибида шундай гаплар ёки сўз бирикмалари бўладик, улар асосий гапдан англашилган мазмунга ёки унинг таркибидаги айрим бўлакларнинг маъносига оид қўшимча изоҳлар, қўшимча маълумотлар, айрим тузатишлар беради. Ана шу ўзига хос маънолари билан улар кириш гаплардан фарқланади... Изоҳ гаплар ёки изоҳ сўз бирикмалари асосий гапнинг умумий мазмуни ёки унинг айрим бўлаклари маъносидан узоқроқ туради, ўзига хос алоҳида интонация билан талаффуз этилади, бу интонация асосий гап интонациясидан фарқланади. Шу билан бирга изоҳлаш вазифасида айрим сўз ёки сўз бирикмаси ҳам келиши мумкин”.⁵⁸ Киризмалар семантикасидаги айнан изоҳлаш муносабатидан келиб чиқилса, мазкур “изоҳ гап”, “изоҳ бирикма”, “изоҳ бўлак” терминларини қўллаш ҳам мақбул эканлиги аён бўлади, лекин унда ҳодисанинг структурал моҳияти эътибордан четда қолади.

Айрим тадқиқотчилар эса киритма конструкцияларга бутунлай бошқача ёндашадилар. Улар “Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари” мавзусидаги илмий рисолаларида киритмаларни ажратилган бўлакка тенглаштирадилар.⁵⁹ Ҳ.Болтабоева *У ишқорли (содали), кам минералланган сувлар типига киради; Бу обсерватория ер юзидаги энг баланд (денгиз бетидан 4220 метр баланд) обсерваторияларнинг бири ҳисобланади* каби гаплардаги киритмаларни ажратилган аниқловчилар сифатида талқин

⁵⁸ Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1966.-Б. 312; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис). -Тошкент: Ўқитувчи, 1996.-Б. 118 – 119.

⁵⁹ Ашурова Д., Убаева Ф., Болтабоева Ҳ. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. –Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1962.

қилади.⁶⁰ Бизнингча, муаллифлар ажратилган бўлақлар ва киритмаларнинг умумий томонларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фарқловчи белгиларига етарли эътибор қаратмаганлар, шу сабабли ҳам киритмалар ва ажратилган бўлақлар бир ҳодисадай талқин қилинганки, бунга қўшилиш қийин.

Киритма конструкциялар ўзбек тилшунослигида биринчи бор И.Тошалиев томонидан жиддий тадқиқ этилган. Унинг ишида қуйидаги масалаларни ёритишга асосий эътибор қаратилган: 1) киритма конструкцияларнинг алоҳида синтактик категория эканлигини аниқлаш – умумий характеристикасини бериш; 2) киритма конструкцияларнинг асосий гап, унинг бўлақлари ва қисмларига нисбатан синтактик-семантик муносабатини белгилаш; 3) киритма конструкцияларнинг тузилиши ва қўлланишига кўра асосий структурал типлари ва функционал-семантик турларини аниқлаш; 4) киритма конструкцияларнинг ўринлашиш тартиби ва пунктуацияси масаласини ёритиш; 5) киритма конструкциялар категориясини ёндош синтактик ҳодисалардан – киришлар, ажратилган бўлақлар ва иловалардан чегаралаш, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш.⁶¹

Демак, ишнинг асосий мақсади киритма конструкцияларнинг алоҳида синтактик категория эканлигини кўрсатиш билан бирга уларнинг грамматик хусусиятларини, тилдаги, нутқий мулоқотдаги ҳақиқий ўрнини аниқлашдир. Шу сабабли ҳам киритмаларнинг стилистик, лингвопоэтик ўзига хосликларига кенг ўрин берилмаган, уларга йўл-йўлакай шарҳ бериб кетилган, холос. Олим киритмаларни фақат гап доирасида олиб текширган, уларнинг матний яхлитликнинг ўзига хос бир узви сифатидаги семантик-структур ва лингвопоэтик моҳияти билан боғлиқ муҳим жиҳатлари эса тадқиқотчининг эътиборидан четда қолган.

⁶⁰ Балтабаева Х. Обособленные пояснительные члены предложения в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1959. -С.17.

⁶¹ Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.-Б. 4 -5.

Шуни ҳам айтиш лозимки, XX асрнинг бошларидан то 70-йилларга қадар ўтган вақт оралиғида киритма конструкцияларни киришлар таркибида ўрганиш, кириш гапларни эса киритмалар тарзида талқин этиш анчайин кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Лекин 1976 йилда нашр этилган “Ўзбек тили грамматикаси” (II том. Синтаксис) асарида эса яна бир фарқли ёндашув кузатилади, яъни киритмалар мавзуси остида киришлар талқин этилган. Жумладан, киритмаларга берилган таъриф қуйидагича: “Киритмалар гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун ифодага бўлган сўзловчининг субъектив муносабатини, эмоционал туйғуларини ифодалайди.

Киритмалар гапнинг умумий мазмунига ёки унинг айрим бўлаклари билан изоҳлаш муносабатига киради. Киритмалар гапнинг айрим бўлаклари ёки умумий мазмунига бўлган изоҳ ёки турли эмоционал муносабатларни ифодалайди.

Киритмалар вазифасида:

1) маълум сўз туркумларидан ажралиб чиқиб, фақат киритма вазифасида ишлатиладиган сўзлар киради: *биринчидан, масалан, яъни, мадомики, шекилли, афсус, эссиз...*

2) маълум сўз туркумидан ажралиб чиқмаган, киритма вазифасида ҳам, гап бўлаги вазифасида ҳам қўлланувчи сўзлар келади. Булар - *тўғри, рост, шубҳасиз, сўзсиз, афтидан, ҳақиқат, одатда, қисқаси, шундай каби*”.⁶²

Келтирилган таъриф айнан кириш категориясига хос хусусиятларни намоён этади. Киритмалар ва уларнинг табиати, семантик-грамматик ўзига хосликлари китобнинг “Изоҳ гап ва изоҳ сўз бирикмалари” номли бўлимида тавсифланган.⁶³ Бизнингча, асарда икки мустақил категория бир ҳодиса дея қаралган. Шу сабабли “кириш” категориясига нисбатан “киритма” атамаси қўлланган. Чунки “киритмалар кўпроқ гап бошида келади”, бу киритмаларнинг маълум семантик функциясига боғлиқ дея талқин

⁶² Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1976.-Б. 270 - 271.

⁶³ Ўзбек тили грамматикаси.-Б. 284 – 289.

этилишининг ўзиёқ фикримизни исботлайди. Киритмаларнинг ҳеч қачон гап бошида кела олмаслиги, бу хусусиятнинг фақат киришларга хос эканлиги лингвистик адабиётларда кўп бор таъкидланган.⁶⁴

Бугунги кунларда ҳам айрим илмий-оммабоп нашрларда киритма гапларнинг кириш гаплар сифатида талқин қилинганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да қуйидагича фикр баён қилинган: “Кириш гап – асосий гапда қўшимча фикр билдирувчи гап. Нутқ пайтида туғилган эҳтиёж, зарурият натижасида киритилади. К.(ириш) г.(ап) оғзаки нутқда асосий гапдан пауза билан, ёзма нутқда қавс ёки тире билан ажратилади: *Ўша йигит (мен уни илгаридан танир эдим) мусобақада биринчиликни олди. Унинг гулзори – мана биз ҳозир айланиб чиқдик – етти иқлимда ҳам топилмаса керак.*”⁶⁵ Кўриниб турганидай, берилган таъриф ва уни далилловчи фактик мисоллар киришларга эмас, балки киритмаларга дахлдордир.

Бу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Кириш ва киритмаларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари, уларни парантез бирликлар сифатида умумлаштириш ва ана шундай бирликларнинг алоҳида-алоҳида турлари сифатида таснифлашга асос бўладиган хусусиятлари ҳақида турли тилшуносликларда жуда ҳам кўп ёзилган ва тегишли тарзда илмий асослашга ҳаракат қилинган.⁶⁶ Бу ишларнинг деярли барчасидаги таърифларда киришларнинг сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдириши, киритмаларнинг эса асосий гапдаги

⁶⁴ Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987.-Б. 157.

⁶⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Тошкент: “ЎзМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б. 608.

⁶⁶ Масалан, қар.: Тошалиев И. Кўрсатилган дисс.-Б. 198 – 220; Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Часть II. Синтаксис. –М.: Просвещение, 1968.- С. 188-194; Покровская Л.А. Синтаксис гагаузского языка в сравнительном освещении. –М.: Наука, 1978. -С. 64-65; Жапаров А. Кыргыз тилинин синтаксиси. –Фрунзе: Мектеп, 1979.-С. 260 – 274; Русский язык. Энциклопедия. –М., 1979.- С. 39-40, 49; Скобликова Е.С. Современный русский язык. Синтаксис простого предложения. –М.: Просвещение, 1979.- С. 224-227; Грамматика современного башкирского литературного языка. –М.: Наука, 1981. -С. 429,439-442; Сайфуллаев А.Р. Взаимоотношения вводных членов предложения с другими синтаксическими категориями / Тюркское языкознание. –Ташкент: Фан, 1985. -С. 178-181; Давлетов М. Структурные типы простого осложненного предложения в современном каракалпакском языке: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Нукус, 1989.- С. 29-34.

фикрга қўшимча изох, тўлдирувчи ахборотни ифодалаши у ёки бу тарзда алоҳида таъкидланади. Шунини ҳам айтиш керакки, айрим тилшунослар киришлар ва киритмаларни бир-бирига қаршилантирар экан, улар ўртасидаги фарқ моҳиятан “тектоник (яъни синтактик-структур) эмас, балки семантик эканлиги”га алоҳида урғу берадилар.⁶⁷ Бу фикр бир қадар кескин бўлишига қарамасдан, ҳодиса моҳиятини янада аниқроқ очишга хизмат қилади. Албатта, кириш ва киритмаларга хос синтактик-позицион хусусиятлардан кўз юмиб бўлмайди, бундай хусусиятлар мавжуд. Аммо семантик фарқлилик парантезаларнинг мазкур икки турини белгилашда анчайин аниқ ва очиқ кўринади.

Киришлар баён қилинаётган фикрга сўзловчининг субъектив муносабатини ифодалашидан келиб чиққан ҳолда В.В.Виноградов айна масалага рус тилидаги модаллик категорияси ва модал сўзлар муаммосини тадқиқ этиш асносида алоҳида тўхталади. У, хусусан, шундай ёзади: “...Кириш синтагмалар юзага келтирадиган модал бўёқ ва нозикликлар жумланинг мазмуний таркибидаги модал маъноларнинг гўёки иккинчи қатламини шакллантиради, чунки бу бўёқ ва нозикликлар асли модал маънога эга бўлган гапнинг грамматик замини устига жойлашади.”⁶⁸ Бошқача айтганда, киришлар гапнинг асосий грамматик структурасида ифодаланган модал мазмунга қўшимча модал маънони олиб киришга хизмат қилади, яъни гапдаги модал мазмун янада қабарик ҳолда ифодаланади.

Кириш ҳодисасининг модаллик, умуман, субъектив баҳолаш билан боғлиқ эканлигини, гапда ифодаланган фактга нисбатан сўзловчининг нуктаи назарини ифодалаш киришларнинг асосий функцияси эканлигини бошқа тилшунослар ҳам таъкидлайдилар.⁶⁹

⁶⁷ Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики. –М.: Наука, 1977.- С. 277.

⁶⁸ Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке / Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. –М.: 1975. С. 70.

⁶⁹ Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. К типологии внутритекстовых отношений. – М.: Наука, 1986. -С. 29.

Тилшуносликда гап семантикасида икки хил мазмунни фарқлаш зарурияти кўп бор айтилган. Масалан, В.А.Белошапкова куйидагича ёзади: “Семантик синтаксиснинг тараққиёти муносабати билан жуда кўп тилшунослар томонидан турли вақтларда айтилган гап маъносида бир-биридан принципиал фарқланувчи икки тур мазмун – борлиқни акс эттирувчи объектив мазмун ва фикрловчи субъектнинг ана шу борлиққа бўлган муносабатини акс эттирувчи субъектив мазмун қўшилган деган фикр алоҳида актуаллик касб этади. Бундай фикрни энг аниқ шаклда швейцар олими Ш.Балли ифодалаган, шунинг учун ҳам мазкур фикр, энг аввало, унинг номи билан боғлиқдир. Ш.Балли гап мазмунини таркиб топтирувчи айна икки унсур ифодаси учун “диктум” (объектив мазмун) ва “модус” (фикрловчи субъектнинг айна объектив мазмунга нисбатан нуқтаи назарининг ифодаси) атамаларини таклиф этган.”⁷⁰

Ана шундай қарашдан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчилар киритмаларнинг киришлардан фарқловчи асосий хусусияти сифатида, оз сонли истисноларни ҳисобга олмаганда, киритмаларнинг, асосан, диктум ифодалашини, киришларнинг эса модус характерида бўлишини алоҳида таъкидлаб кўрсатадилар.⁷¹ Аммо киритмаларнинг ҳам баъзан бадий матнда модус, яъни субъектив муносабатни ифодалайдиган ҳолатларни эътибордан тамоман соқит қилмаслик лозим. Чиндан ҳам, ўзбек тилида ҳам семантик жиҳатдан киришлар модус ифодаси учун, киритмалар эса, асосан, диктум ифодаси учун хосланган. Ана шу мулоҳазалардан кейин шуни айтиш жоизки, терминлар сифатида ўзбек тилшунослигида таомилга кириб бўлган “кириш” ва “киритма” сўзларининг дастлаб танланишида икки тамойил, яъни семантик ва синтактик тамойиллар қориштирилгандай туюлади. Тўғрироғи, *кириш* сўзининг семантикаси термин сифатида парантезанинг модус ифодаловчи турини, яъни сўзловчининг ўз гапига муносабати, “гап

⁷⁰ Современный русский язык. Под ред. В.А.Белошапковой. –М.: Высшая школа, 1981.- С. 475.

⁷¹ Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. –Новосибирск: Наука, 1987.- С. 93.

мазмунига кириши”ни аниқ акс эттиради. *Киритма* сўзи эса термин сифатида диктумга, яъни объектив мазмунга ишора қилмайди, балки гап структурасига олиб кириладиган ҳар қандай бирликни билдиради, шундай бўлгач, синтактик-структурал жиҳатдан у киришларни ҳам ўз ичига оладигандай бўлиб қолади. Айтиш мумкинки, “кириш” терминида ҳодисанинг семантик моҳияти, “киритма” терминида эса ҳодисанинг синтактик моҳияти биринчи планга чиқиб қолган. Шунга қарамасдан, айниқса, “киритма” терминининг диктум ифодаловчи парантеза турининг номи сифатида қўлланишини унчалик муваффақиятли деб бўлмаса-да, шундай қўлланиш лингвистик амалиётда аллақачон ўрнашиб бўлганлигини ҳисобга олиб, ҳозирча бу терминдан фойдаланавериш мумкин.

Кириш ва киритмаларнинг нутқда юзага келиш сабаблари борасида ҳам турли қарашлар кўзга ташланади. Жумладан, Л.Г.Хатиашвили кириш гаплар ёзма нутққа жонли сўзлашувдан кириб келган, киритма гаплар эса ёзма адабий тил тараққиётининг маълум бир босқичида яратилган ҳодиса бўлиб, одатда гап ичида эмас, балки мустақил гаплар ўртасида қўлланади ва нутқ эгасининг ўзига тегишли бўлмаслиги билан ҳам характерланишини кўрсатиб ўтади.⁷² Киришларни оғзаки нутққа, киритмаларни эса ёзма нутққа хос деб қараш, уларнинг юзага келиш сабабларини тилнинг икки фарқли шаклидан излаш мутлақо мақсадга мувофиқ эмас.

А.Н.Гвоздев сўзловчи тайёргарликсиз оғзаки нутқда бирор фикрни баён қилар экан, бошқа муайян маълумотни ҳам айтиш эҳтиёжини сезиб қолиши натижасида гапини бўлиб, бу маълумот ифодасини гап ичига олиб кириши туфайли киритмалар юзага келишини айтади.⁷³ И.Тошалиев ҳам айтиш фикрга қўшилган ҳолда киритмаларнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқдаги ўзига хос фикр баён қилиш усули эканлигини таъкидлайди.⁷⁴ Баъзи тадқиқотчилар киритмалар одатда жумлани айтиш моментида пайдо бўлган,

⁷²Хатиашвили Л. Парантеза и текст (16.12.2004). <http://slavcenter.ge/art/?p=20041216-224941>.

⁷³ Гвоздев А.Н. Кўрсатилган асар.-Б. 193.

⁷⁴ Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.-Б. 80.

олдиндан ўйланмаган маълумотларни ўз ичига олишини, бу тайёргарликсиз оғзаки нутқ хусусиятлари билан боғлиқ эканлигини, аммо киритмалар фикр ифодалашнинг алоҳида усули сифатида жумланинг синтактик бир планлилигини бузадиган бирлик тарзида олдиндан “режалаштирилган” ҳам бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратадилар.⁷⁵ И.Б.Голуб кириш гапларнинг ишлатилиши доираси оғзаки нутқ эканлигини, шу сабабли киришлар оғзаки нутқда оҳанг жиҳатдан бойиб, алоҳида ифодалиликка эга бўлишини эътироф этади. Бадий нутқда киритмалар қўшимча, йўл-йўлакай изоҳлар сифатида келтирилишини таъкидлайди.⁷⁶

Яна айрим тадқиқотчилар пайдо бўлиши жиҳатидан, асосан, киритмаларнинг оғзаки нутққа хос эканлигига урғу берадилар. Хусусан, ўзбек тилидаги мураккаблашган содда гапларни тадқиқ этган Ҳ.Холиқов шундай ёзади: “Киритмалар келиб чиқиши жиҳатидан оғзаки нутққа тааллуқли. Оддий сўзлашувда фикрни тайёргарликсиз, олдиндан ўйламасдан ифодалаш характерли бўлгани сабабли нутқда айрим сўз ёки гапга тегишли қўшимча маълумот, изоҳ беришга зарурият туғилади. Мана шу ўринда киритмаларга мурожаат қилинади.”⁷⁷ Бу фикр маъқул, аммо муаллиф негадир киришларнинг юзага келиши ҳақида индамайди.

Кўринадики, парантезаларнинг бир тури (киришлар) жонли оғзаки нутқда, иккинчи тури (киритмалар) эса ёзма нутқда пайдо бўлган деган қараш моҳиятан тўғри эмас. Бундай нуқтаи назар тилнинг бевосита онтологик табиатига ҳам зиддир. Таъкидлаш ўринлики, уларнинг ҳар икки тури ҳам дастлаб жонли оғзаки нутқ маҳсули сифатида юзага келган, фақат киритмалар кейинчалик график белгиларнинг ривожига билан боғлиқ ҳолатда янада кенг қўлам касб этган.

⁷⁵ Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. –М.:Высшая школа, 1973. -С. 255.

⁷⁶ Голуб И.Б. Грамматическая стилистика современного русского языка.-М.: Высшая школа, 1989.- С. 198.

⁷⁷ Холиқов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти: Филол. фан. ном. ...дисс. –Тошкент, 1993.-Б. 99.

Умуман, парантезалар турли тилшуносликларда мунтазам ва жуда кенг бир аспектда ўрганиб келинган ва ҳамон ўрганилмоқда. Аммо ўзбек тилшунослигида парантезалар муаммоси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бармоқ билан санарли даражада оз миқдорда. Бундан ташқари, парантеза масаласи билан боғлиқ бир қатор жиҳатлар етарли даражада ўрганилмаган.

1.1.2.Парантез бирликларнинг гап ва матнга муносабати

Кириш ва киритмалар тадқиқига бағишланган ишларнинг деярли барчасида парантезаларнинг сўз, бирикма, гап, мураккаб бутунлик, тиниш белгилари шаклидаги турлари мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилади. Парантезаларнинг мазкур турлари эса аксарият ишларда, асосан, ўзлари мансуб бўлган муайян бир гап доирасида ўрганилади ва парантезалар билан билан мазкур гап ўртасида синтактик алоқанинг йўқлиги ёки қисман мавжудлиги турли шаклларда таъкидланади. Парантеза ва у кирган гап орасидаги семантик-грамматик, мантиқий-шаклий ёки умуман, қандайдир алоқа гап доирасидан ташқарига чиқмаган ҳолда изланади. Ҳолбуки, парантезанинг ҳақиқий синтактик, коммуникатив, мантиқий, лингвопоэтик моҳиятини гапдан ташқарига чиқмасдан туриб тайин этиш маҳол. Биргина мисол, айтайлик, *Демак, меҳмонлар эртага келади* гапи таркибидаги *демак* парантезасининг маъноси фақат шу гап доирасида тушунарли эмас, шубҳасиз, бу гапдан олдин, масалан, *Довон йўли бугун ёпиқ экан* ёки *Меҳмонлар бугун банд экан* каби ёки яна бошқа қандайдир гаплар бўлиши лозим. Шундагина мазкур парантеза ўз семантикасини намоён қилади, айти пайтда фақат муайян мазмуннинггина эмас, балки гаплар ўртасидаги боғланишларнинг ҳам ифодачиси, демакки, матн шаклланишининг ҳам ўзига хос унсури эканлиги кўринади. Шу оддий бир мисолдан ҳам кўриниб

турганидай, парантеза тадқиқи гап доирасида эмас, балки ундан катта бутунлик, яъни матн доирасида олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Матндаги семантик-структур алоқаларнинг юзага келишида, умуман, матннинг структур, мазмуний ва коммуникатив яхлитлигининг таъминланишида парантезаларнинг ўрнини монографик аспектда ўрганган А.А.Мецлер ўз хулосаларидан бирида шундай ёзади: “...Парентез конструкцияларни гапдан катта лисоний бирлик бўлмиш матн масштабида тадқиқ қилиш, шубҳасиз, катта устунликка эга, чунки бундай ёндашув мазкур муаммонинг турли жиҳатларини интеграл (жамлаган ҳолда) талқин қилишга ва шу тариқа парантез конструкцияларнинг реал лингвистик мақомини аниқлашга имкон беради”.⁷⁸

Турли тилшуносликларда парантезаларни хилма-хил жиҳатлардан тадқиқ этишга бағишланган жуда катта миқдордаги илмий ишларни таҳлил этар экан, А.А.Мецлер бу муаммога оид кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда кўзга ташланаётган асосий йўналишларни қуйидагича таснифлайди:

“парентез конструкцияларнинг жумланинг асосий қисми билан алоқасининг характери таҳлили ва бу алоқанинг лексик-семантик ва грамматик воситаларини белгилаш;

парентез конструкцияларнинг икки функционал типини, яъни субъектив-модал (кириш) ва объектив-изоҳловчи (киритма) типларини аниқлаш;

парентезани услуб белгиловчилик вазифаси нуқтаи назаридан ўрганиш;

парентезанинг позицион тамойил асосидаги таҳлили;

жумлани икки коммуникатив йўналишга бўлаклаш сабаблари ва табиатини аниқлаш мақсадида парантеза ҳодисасини онтологик жиҳатдан ўрганиш;

⁷⁸ Мецлер А.А. Структурные связи в тексте (Парентезные конструкции). –Кишинёв: Штиинца, 1987.- С. 128.

парентетик киритмаларнинг айрим типларини нисбатан кенг лисоний контекстда таҳлил этиш;

парантезани нотекис нутқ семиотикаси аспектида тадқиқ этиш”.⁷⁹

Олим парантез конструкциялар юзасидан бир қатор нозик кузатишлар умумлаштирилган жуда катта миқдордаги ишларнинг мавжудлигига қарамай, муаммо ҳамон ўз ечимини топмаётгани, зеро парантез конструкцияларнинг тил системасидаги ҳақиқий ўрни ва аҳамияти очилмай қолаётганини таъкидлайди. Тадқиқотчи бу ҳолат, энг аввало, парантез конструкциялар бўйича тадқиқотлар фақат гап миқёсида олиб борилгани билан изоҳланишини айтади, парантез конструкциялар ва уларнинг қуршови ўртасида юзага келадиган муносабатлар гап эмас, балки фақат матн доирасида аниқланиши ва мантиқан зиддиятларсиз изоҳланиши мумкин деган қатъий фикрга келади.⁸⁰ Дарҳақиқат, парантезаларни матн таркибида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг семантик-синтактик ва коммуникатив-эстетик хусусиятлари матний қуршовда реаллашади, матн қуршовидан ажратиб олинганда бутунлай бошқа вазифани бажаради.

Парантезаларни матн лингвистикаси ҳодисаси дея баҳолаш кейинги йилларда кўплаб олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топди. Хусусан, Р.С.Самолетованинг “Матн лингвистикаси аспектида парантеза ҳодисаси” мавзуидаги илмий мақоласи фикримиз исботидир.⁸¹ Олима немис тилидаги парантезалар мисолида ўз қарашларини шакллантиради. Парантезанинг киритувчи гап билан ўзаро муносабати ҳамма вақт ҳам юзада ётавермайди, реаллашиши учун матний қуршов даркорлигини таъкидлар экан, Р.С.Самолетова олмон стилисти Б.Совинскининг “Парантеза гапга эмас, балки контекстга мустақил фикр олиб киради” деган мулоҳазаларини

⁷⁹ Мецлер А.А. Кўрсатилган асар.-Б. 27 – 28; Мецлер А.А. Проблема парантезных конструкций и возможные пути её адекватного решения / Прагматико-функциональное исследование языков. -Кишинев: Штиинца, 1987. -С. 126-127.

⁸⁰ Мецлер А.А. Кўрсатилган асар, 127-бет.

⁸¹ Самолетова Р.С. Явление парантезы в аспекте лингвистики текста / Вопросы семантики и методики преподавания иностранных языков. –Минск: Наука и техника, 1982.- С. 137 -145.

келтиради ва қуйидагиларни қўшимча қилади: “Ўз вазифаларининг диапазони билан парантезалар деярли бутун матн бўйлаб ҳаракатланади, нафақат матннинг тематик ривожини таъминлайди, балки уни полисемантик чуқурлаштиради, шунингдек, унга коннотатив-стилистик бўёқ нозикликларини киритади”.⁸² Олима мақола доирасида парантезаларнинг асосий ифода имкониятларини матн қуршовида ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини назарий жиҳатдан асослаб беради.

Киритма конструкцияларнинг лингвистик табиати, матн категорияларининг ифодаланишида уларнинг ўрни каби масалалар юзасидан В.А.Шаймиевнинг илмий қарашлари эътиборга моликдир.⁸³ Олим киритма конструкцияларни фақат қабул қилувчи гап чегараларида кўриш уларнинг моҳияти учун етарли эмаслигини қатъий таъкидлайди, шу билан бирга киритмаларнинг муҳим хусусиятлари кенгроқ лисоний контекст фонида тушунарли бўлишини илмий жиҳатдан асослаб беради.

В.А.Шаймиевнинг “Киритма предикатив бирликларнинг матннинг семантик ташкилланишидаги ўрни” номли мақоласида киритмалардан бадиий матнда ёзувчилар қандай мақсадларда фойдаланиши, уларнинг лингвистик моҳияти ҳақида мушоҳада юритади. Жумладан, киритмаларнинг адабий асарларда бажарадиган вазифаларини қуйидагича тавсифлайди: “Кузатишлар киритмалар адабий асарларда маълум конструктив усулларни яратиш, матннинг мазмун блокларида ўзига хос “контраст вазиятлар”ни... яратиш учун ишлатилади”.⁸⁴ Тадқиқотчи киритма конструкциялар алоҳида гап чегараларидагина эмас, балки янада кенгроқ контекстда, баъзан ҳатто

⁸² Самолетова Р.С. Қўрсатилган асар.-Б. 138-145.

⁸³ Қаранг: Шаймиев В.А. К вопросу о соотношении между вставными предикативными единицами и придаточными предложениями / Сложное предложение в системе других синтаксических категорий (Межвуз. сб.). -Л., 1984. -С. 38-46; Шаймиев В.А. Роль вставных конструкций в реализации текстовых категорий / Текстовые реализации и текстообразующие функции синтаксических единиц (Межвуз. сб.). -Л., 1988. -С. 117-125.

⁸⁴ Шаймиев В.А. Роль вставных предикативных единиц в семантической организации текста / Функционирование синтаксических категорий в тексте (Межвуз. сб.). -Л., 1981.-Б. С. 82.

туғалланган матнда ўрганилиши мақсадга мувофиқлигини алоҳида эътироф этади.

Инглиз тили материалида парантеза ва матн муносабати масаласига алоҳида эътиборни қаратар экан, О.В.Александрова шундай ёзади: “Таркибида парантетик киритма мавжуд бўлган алоҳида олинган гап асосий ҳолларда жумладаги фикр предмети ҳақида ҳам, парантетик киритманинг мазмуни ҳақида ҳам тўлиқ тасаввурнинг шаклланишини таъминлай олмайди. Фақат матн доирасидагина фикр предмети аниқ бўлади, парантетик киритманинг ўзи эса гапдаги алоқаларни узган ҳолда, ўз мазмуни билан тингловчи/ўқувчи эътиборини аввал айтилган фикрга қўчиради ва шу тариқа аввалги фикрни айна дақиқада қабул қилинаётган мазмун билан боғлашга (умумлаштириш, хулоса қилиш, ўхшашликни белгилаш ва ҳ.) имконият яратади”.⁸⁵ Айтиш жоизки, парантетик киритмали гап ҳам, парантетик киритмасиз гап ҳам энг олий коммуникатив бирлик бўлмиш матн ичидагина ўзининг семантик-структур, коммуникатив-эстетик ва бошқа хусусиятларини тўла намоён қила олади, шунинг учун ҳам ҳар қандай гап матн доирасида ўрганилгандагина тўғри илмий талқинга эришиш мумкин бўлади. Зотан, грамматика назариётчилари ахборот бирлиги бўлмиш гап нутқда алоҳида олинган тарзда мавжуд бўлмаслигини, у бошқа гаплар билан қўшилиб, матн ҳосил қилишини ва матнда инсон фикрлашининг натижалари қайд этилишини айтиб ўтадилар.⁸⁶

Муайян гапларнинг боғланишлилиги асосида юзага келадиган яхлитлик матннинг муҳим белгиси эканлиги дунё тилшунослигида кўп бор эътироф қилинган.⁸⁷ Ҳар қандай сўзнинг маъноси аниқ бир контекстда реаллик касб этгани каби гап ҳам ўзининг чин мазмунини бошқа гаплар билан муносабатда холис реаллаштира олишини таъкидлар экан,

⁸⁵ Александрова О.В. Проблемы экспрессивного синтаксиса. –М.: Высшая школа, 1984. С. 30.

⁸⁶ Блох М.Я. Теоретические основы грамматики. –М.: Высшая школа, 1986. –С. 113.

⁸⁷ Бу ҳақда қар.: Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2009.-Б. 14.

М.Йўлдошев немис тилшуноси К.Боостнинг матндаги гаплар ўртасидаги муносабат ҳақидаги қуйидагича мулоҳазасини келтиради: “Бир гапдан бошқасига тортилган иплар шу қадар кўп ва шундай пишиқ тўрни ҳосил қиладики, гапларнинг чатишиши, уларнинг ягона тўр сифатида ўриб тўқилганлиги ҳақида гапириш мумкин, чунки ҳар бир алоҳида гап бошқалари билан чамбарчас боғланган.”⁸⁸

Гап тузилишидаги турли ўзгаришларнинг матн доирасида ўрганилиши зарурий эканлиги ҳақида Ш.Сафаров шундай ёзади: “Гап таркибидаги бўлақлар тартибини аниқлаш учун синтактик таҳлилнинг ўзи етарли. Гап тузилишидаги ҳар қандай ўзгаришлар (инверсия, эллипсис ва бошқа шаклий ўзгаришлар) ва маъно кўчишларининг (синтактик полисемия, омонимия кабилар) турлари, уларнинг юзага келиш сабабларини ёритиш мақсадидаги таҳлил, сўзсиз, матн синтаксиси ва прагматикаси даражасига кўтарилади.”⁸⁹

Ана шу каби баъзи муҳим мулоҳазалар асосида яна бир бор таъкидлаш мумкинки, нафақат гап, балки гапларга киритилган парантезаларни ҳам матн доирасида иш кўрмасдан туриб, холис баҳолаш, уларнинг семантик, структур ва лингвопоэтик қимматини белгилаш мушкул. Ҳозирча биргина мисолга мурожаат этайлик: *Нуқул доҳийларни даволаган (Чингизхону Наполеондан бўлак – афсуски, булар олдин ўтган-да, йўқса, уларни-да даволаган бўларди!) зот унинг оёқларини жуфтлаб қайиш билан чандиб тортадию каравот адоғидаги нимагадир қистириб қўяди* (Э.Аъзам, “Пакананинг ошиқ кўнгли” қиссаси). Ўткир киноя билан ёзилган асардан олинган мисолдаги *Чингизхону Наполеондан бўлак – афсуски, булар олдин ўтган-да, йўқса, уларни-да даволаган бўларди* парантезаси айнаи гап доирасида ўзининг тўлиқ маъносини реаллаштира олган эмас. Бу парантезанинг семантик-структур, мантикий ва бадий-эстетик моҳиятини

⁸⁸ Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008.-Б. 32 -33.

⁸⁹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. 8 -9.

англаш учун кенгрок матнга мурожаат қилиш лозим. Хусусан, бир неча абзац олдинги қуйидаги парча билан алоқалантирилганда мазкур парантезанинг мақсади ойдинлашади: *Тилмочнинг маълумот беришича, қурияча салом билан ҳиндийча саломни чалкаштирган бу зот Ким Ир Сеннинг холаваччаси эмиш, вақти-замонида Чан Кайшини, Мао Цзедунни, ҳатто Сталинни даволаган. Ҳитлерни ҳам даволамоқчи бўлган-у, самолётга патта тополмаган. Қўли роса енгил, ўзини Ибн Синонинг шогирди санайди...*

Бу ўринда айни матн мисолида яна икки хусусга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Аввало, матн доирасида гапларнинг ўзаро боғланишида, шунингдек, парантезаларнинг асосий - киритувчи гап билан (умуман, бошқа гаплар билан ҳам) боғланишида горизонтал ва вертикал муносабатларни фарқлаш тилшуносликда анча кенг тарқалган. Парантез бирликларнинг матн блокларини шакллантиришдаги иштироки, яъни уларнинг гаплар орасидаги ҳам горизонтал, ҳам вертикал алоқадорлик мавжудлигининг кўрсаткичлари бўлишини ҳисобга олган ҳолда парантезаларнинг матндаги аҳамиятининг нечоғлик катта эканлиги таъкидланади.⁹⁰ Юқорида келтирилган *Чингизхону Наполеондан бўлак – афсуски, булар олдин ўтган-да, йўқса, уларни-да даволаган бўларди* шаклидаги парантеза асосий-киритувчи гапда эганинг аниқловчиси вазифасида келган *нуқул доҳийларни даволаган бирикмаси билан горизонтал муносабатда, матнда бир неча абзац олдин келган Тилмочнинг маълумот беришича, қурияча салом билан ҳиндийча саломни чалкаштирган бу зот Ким Ир Сеннинг холаваччаси эмиш, вақти-замонида Чан Кайшини, Мао Цзедунни, ҳатто Сталинни даволаган. Ҳитлерни ҳам даволамоқчи бўлган-у, самолётга патта тополмаган. Қўли роса енгил, ўзини Ибн Синонинг шогирди санайди...* парчаси билан эса вертикал муносабатдадир. Парантез бирликлар тадқиқида мазкур икки муносабат тури ҳам инобатга олиниши лозим. Алоҳида айтиш жоизки, бундай муносабатлар, айниқса, бадий матнда фавқулудда диққатга сазовор. Шунинг учун ҳам

⁹⁰ Мецлер А.А. Кўрсатилган асар.-Б. 91.

М.Йўлдошев бу муносабат билан қуйидагиларни таъкидлайди: “...Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, сўз ёки бошқа бирликнинг бадиий матндаги поэтик, эстетик қимматини баҳолаш учун матндан узиб олинган кичик бир парча етарли эмаслиги янада ойдин бўлади. Эстетик белгининг моҳияти синтагматик ёки кенгроқ горизонтал муносабатларда тўла намоён бўла олмас экан, вертикал муносабатлар ифодаси учун етарли бўлган яхлит бадиий матн ёки матннинг йирикроқ парчаси билан иш кўриш зарурийдир.”⁹¹ Вертикал муносабатларни тасаввур қилиш учун яхлит бадиий матн ёки матннинг йирикроқ парчаси лозим эканлиги ҳақидаги бу фикрга тўла қўшилиш мумкин. Аммо айрим тадқиқотчилар бундай муносабатнинг воқеланишини парантез бирликнинг фақат олдинги контекст билан алоқаси доирасида чеклаб қўядиларки⁹², бундай қараш анчайин мунозаралидир. Парантез бирликларнинг матндаги вертикал алоқалари олдинги контекст билан ҳам (бу ҳолат кенгроқ тарқалган), кейинги контекст билан ҳам бўлавериши мумкин. Юқорида келтирилган *Чингизхону Наполеондан бўлак – афсуски, булар олдин ўтган-да, йўқса, уларни-да даволаган бўларди* парантезаси олдинги контекстдаги тегишли парча билан ва айна пайтда беш-олти абзац кейин келган қуйидаги парча билан вертикал алоқага эга: *Шу ишларни чироқни ёқиб ёки қўлидаги шамни бир чеккага қўйибгина қилса бўлмасмикин, деган ўй тинчлик бермайди жафокашга. Жафокор эса бепарво, билганидан қолмайди. Ахир, у – Ким Ир Сеннинг холаваччаси, кимсан – Чан Кайши, Мао Цзедун, Сталинларни даволаган зот! Қолаверса, Ибн Синонинг мухлиси, Розийнинг бўлажак шогирди!..*

Иккинчи бир хусус шундан иборатки, парантеза ва у кирган гап ўртасида кўп ҳолларда (айниқса, парантеза гап ва ундан катта бирлик шаклида бўлганда) фарқли коммуникатив перспективанинг, яъни фарқли фикрий йўналишнинг мавжуд бўлишидир. Парантеза ўзи кирган жумла

⁹¹ Йўлдошев М. Кўрсатилган китоб.-Б. 101 – 102.

⁹² Масалан, қар.: Самолетова Р.С. Кўрсатилган мақола.-Б. 139.

таркибида икки хил йўналишдаги мазмуний-коммуникатив планларнинг ифодаланишига имкон беради.⁹³ Бошқача қилиб айтганда, парантеза бир нуқтаи назардаги фикрни, асосий гап эса бошқа нуқтаи назардаги фикрни ифодалайди, ана шундай икки фарқли коммуникатив йўналишдаги фикр ифодаси бир гап ёки матн доирасида бирлашади, жамланади. Бу ўринда парантезаларнинг матн шакллантирувчилик хусусияти яна бир карра намоён бўлади. Юқорида таҳлил қилганимиз *Нуқул доҳийларни даволаган (Чингизхону Наполеондан бўлак – афсуски, булар олдин ўтган-да, йўқса, уларни-да даволаган бўларди!)* зот унинг оёқларини жуфтлаб қайиш билан *чандиб тортадию каравот адоғидаги нимагадир қистириб қўяди* (Э.Аъзам, “Пакананинг ошиқ кўнгли” қиссаси) шаклидаги парантезали гапга диққат қилинса, бу ҳолатни аниқ кўриш мумкин. Асосий гапда, яъни *Нуқул доҳийларни даволаган зот унинг оёқларини жуфтлаб қайиш билан чандиб тортадию каравот адоғидаги нимагадир қистириб қўяди* жумласидаги коммуникатив йўналиш бошқа – у бошқа одамга тегишли, бу жумла ичидаги *Чингизхону Наполеондан бўлак – афсуски, булар олдин ўтган-да, йўқса, уларни-да даволаган бўларди!* парантезасида ифодаланган фикр йўналиши эса асосий гапдагидан фарқли, яъни бу фикр энди бошқа субъектга тегишли. Парантезали гаплардаги бундай имконият, яъни мураккаб мазмундан ташқари турли нуқтаи назарларни жамлаш имконияти бадийликни ифодалаш, лингвопоэтика учун бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигини айтиш лозим.

1.1.3.Парантез бирликларнинг экспрессив синтаксисдаги ўрни

Ҳар қандай фикр нутқда ифодаланар экан, сўзловчи фақат муайян ахборотни тингловчига етказишнигина эмас, балки бу фикрнинг тингловчига

⁹³ Масалан, қар.: Шаймиев В.А. Роль вставных предикативных единиц в семантической организации текста.- С.82.

қай даражада таъсир этишини ҳам деярли ҳамиша эътиборда тутати. Шунинг учун ҳам нутқнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини, яъни экспрессивлигини таъминловчи воситаларга малакали сўзловчи / ёзувчи доимо диққат билан қарайди. Маълумки, тил экспрессивликни ифодалашнинг хилма-хил имкониятларига эга. Бундай имкониятларнинг кенглик даражаси тилнинг бойлигини ҳам кўрсатадиган ўзига хос ўлчовлардандир. Тилшуносликда ҳатто “экспрессивлик тил тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир” деган фикр ҳам мавжуд.⁹⁴ Тил ҳақидаги фанда тилнинг коммуникатив ва яна бошқа вазифалари қаторида унинг экспрессив вазифаси ҳам алоҳида ажратилади. Албатта, бу вазифа, айниқса, бадиий матнда янада катта аҳамият касб этади. Бадиий матннинг лингвопоэтик муаммоларини тадқиқ этган М.Йўлдошев таъкидлаганидек, “бадиий асар тили тадқиқига бағишланган ишларда тилнинг айна “экспрессив вазифаси” термини билан бир қаторда “тилнинг поэтик вазифаси”, “тилнинг бадиий вазифаси”, “тилнинг стилистик вазифаси”, “тилнинг риторик вазифаси”, “тилнинг эстетик вазифаси” каби атамалар ҳам қўлланади”.⁹⁵ М.Йўлдошев ўз мулоҳазалари давомида тўғри қайд этганидек, мазкур атамаларнинг деярли барчасида тилнинг эстетик вазифасининг намоён бўлиши ўз аксини топган.

Тилшуносликда экспрессивлик (бу тушунча эмоционалликни ҳам ўз ичига олди) ифодаланишининг фонетик, лексик-фразеологик, морфологик ва синтактик усуллари мавжуд эканлиги қайд этилади.⁹⁶

Табиийки, экспрессивликнинг ифодаланишида тилнинг барча сатҳлари бирликлари иштирок эта олса-да, синтактик сатҳ бирликлари бу борада алоҳида ўринга эга. Бунинг устига, матн қурилишини ўрганишда синтактик структура хусусиятлари фавқулодда қимматга молик. Шунинг

⁹⁴ Бу ҳақда қар.: Акимов Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1990.- С. 80.

⁹⁵ Йўлдошев М. Кўрсатилган китоб.-Б. 90.

⁹⁶ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Тошкент: Фан, 1983.-Б. 8; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси н-ти, 2007.-Б. 164.

учун ҳам кейинги йилларда “экспрессив синтаксис”⁹⁷, “поэтик синтаксис”⁹⁸ тушунчалари тилшуносликда турғунлашди ва синтаксиснинг алоҳида йўналишлари сифатида ривожланмоқда.

Масалан, рус тилшунослигида айрим тадқиқотчилар экспрессив синтаксиснинг асосий бирликларини белгилашга, бу бирликларнинг рус тилида бир системага бирлашишини асослашга ҳаракат қиладилар, қуйидаги 13 та синтактик ҳодиса экспрессив синтаксис бирликлари системасини ташкил этишини таъкидлайдилар: 1)эллипсис, 2)антиэллипсис, 3)кесиш, 4)позицион-лексик такрор, 5)парцелляция, 6)сегментация, 7)антиципация, 8)боғловчисизлик ҳодисасининг турли кўринишлари, 9)сўз бирикмаси компонентларининг ўрнини алмаштириш, 10)инверсия, 11)синтактик параллелизм, 12)риторик сўроқ, 13)ундов конструкциялар.⁹⁹

Кўриниб турганидай, мақола муаллифи А.П.Сковородников парантез бирликларни экспрессив синтаксис конструкциялари сирасига киритмайди.

Татар тилшуноси Х.Р.Курбатов ҳам нутқ таъсирчанлигини кучайтирувчи синтактик фигуралар сифатида такрор, градация, параллелизм каби ҳодисаларга тўхталган, аммо парантезаларни четлаб ўтган.¹⁰⁰

Бундай ҳолат ўзбек тилшунослигида ҳам кузатилади. Масалан, А.Абдуллаев экспрессивликнинг синтактик усул билан ифодаланиши ҳақида гапирар экан, синтактик градация, синтактик синонимия, боғловчиларнинг махсус қўлланиши ёки қўлланмаслиги, антитеза, монолог, сукут қилиш, инверсия, риторик сўроқ, такрорий гаплар каби ҳодисаларни санайди, аммо парантезаларни тилга олмайди.¹⁰¹ Ёки М.Йўлдошев ҳам ўзининг докторлик ишида бадий матнда синтактик воситаларнинг эстетик ифода имкониятлари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилар экан, синтактик параллелизм,

⁹⁷ Александрова О.В. Проблемы экспрессивного синтаксиса. –М.: Высшая школа, 1984.

⁹⁸ Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. -М.: Наука, 1986.

⁹⁹ Сковородников А.П. О системе экспрессивных синтаксических конструкций современного русского литературного языка // Филологические науки, 1982.- №1.- С.37-38.

¹⁰⁰ Курбатов Х.Р. Татарская лингвистическая стилистика и поэтика. –М.: Наука, 1978.- С. 130 – 140.

¹⁰¹ Абдуллаев А. Кўрсатилган асар.-Б. 58.

инверсия, градация, оксюморон каби бир қатор ходисаларни тавсифлайди, аммо парантеза ҳақида гапирмайди.¹⁰²

Шуни ҳам айтиш керакки, М.Йўлдошев Қ.Ядгаров билан биргаликда яратган ўқув қўлланмасида парантезаларнинг нутқнинг ифодалилигини таъминлашдаги ўрнига, уларнинг лингвопоэтик қимматига тўхталиб ўтган. Қўлланмада шундай фикрлар баён қилинган: “Бадий матннинг лисоний таҳлили” номли рисоаларида парантезаларни таъсирчанликни таъминловчи восита дея қуйидагича талқин этдилар: “Парантеза бадий асарда муаллиф ва қаҳрамонлар нутқида келиши мумкин. Айтилмоқчи бўлган фикрга алоқадор изоҳлар, қўшимча маълумотлар қавс ичида бериб борилади. Интонацион, график ва синтактик жиҳатдан мустақил бўлган киритма конструкциялар асарда нутқнинг тўла англаниши учун зарурий информацияларни бериш, тингловчи ёки китобхон учун ноаниқ бўлган ўринларга аниқлик киритиш, изоҳлаш, эслатиш, ҳис-туйғуларни ифодалаш каби мақсадларда қўлланилади. Асар қаҳрамони билан китобхон ўртасида ўзига хос “сирдошлик” иллюзиясини яратади. Қаҳрамон “айтмаса бўлмайдиган” гапини қавс ичида бериш орқали гўё китобхоннинг қулоғига пичирлаётгандай муҳит яратади. Бу эса китобхоннинг қаҳрамонга нисбатан ишончини орттиради ва яқинлаштиради. Парантеза функциясига кўра турлича бўлади. Айримлари китобхонни “парда ортидаги сир”дан огоҳ қилишга хосланган бўлса, айримлари янги информацияга тайёрлаш вазифасини бажаради. Айрим парантезаларда воқеликка нисбатан муаллиф ёки қаҳрамоннинг ижобий муносабати ифодаланган бўлса, айримларида киноя ва кесатик юкланган бўлади... Парантеза матнни шакллантириш хусусиятига эга”.¹⁰³

Ҳақиқатан ҳам, парантезалар нутқнинг таъсирчанлиги, экспрессивлигини таъминлашда жуда катта имкониятга эга. Кейинги 20-30

¹⁰² Юлдашев М.М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2009.-Б. 39 - 40.

¹⁰³ Йўлдошев М., Ядгаров Қ. “Бадий матннинг лисоний таҳлили” фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш. –Тошкент, 2007.-Б. 69.

йилда тилшуносликда бу ҳолат етарли даражада англанди ва шунинг учун ҳам бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Масалан, О.В.Александрованинг “Экспрессив синтаксис муаммолари” номли китобининг иккинчи боби “Парантетик киритмалар ва уларнинг экспрессив функцияси” деб номланган. Мазкур китобнинг хулоса қисмида матннинг таъсирчанлигини таъминловчи парцелляция, илова, эллипсис, полисиндетон каби ҳодисалар қаторининг бошида парантеза туришини алоҳида таъкидлайди.¹⁰⁴

Киритма конструкцияларнинг “экспрессив синтаксиснинг асосий бирликларидан” эканлиги сўнгги йилларда рус тилшуноси А.П.Загоруйко томонидан ҳам таъкидланган ва атрофлича асослаб берилган.¹⁰⁵

Маълумки, нутқнинг мутлақо бир текислиги, монотонлиги, бир хил конструкцияларнинг такрорланиши, муайян бир жумланинг керагидан ортиқ синтагматик узун бўлиши нутқнинг ифодалилигини, таъсирчанлигини сусайтиради. Мазкур ҳолат матннинг, хусусан, бадиий матннинг эстетик таъсир қувватини озайтиради, тингловчи ёки ўқувчининг етарли эстетик завқ олишига ҳалақит беради. Бу жиҳатдан олиб қараганда, парантезалар (албатта, экспрессив синтаксиснинг бошқа бирликларининг ҳам ўрни мавжуд) айна шу салбий ҳолатлардан қутулишнинг муҳим имкониятларидан биридир.

Ўзбек тилида парантезаларнинг — кириш ва киритмаларнинг экспрессивликини ифодалашда иштирок этиши Ҳ.Ҳолиқов томонидан ҳам ўрганилган, у А.Қаҳҳор асарлари мисолида мураккаблашган содда гаплар услубиятини тадқиқ этиш жараёнида кириш ва киритмаларнинг услубий қўлланишига ҳам тўхталган ва бу борада атиги икки банддан иборат умумий хулосасини берган.¹⁰⁶

Кириш ва киритмаларнинг нутқда қўлланишидаги ўзига хосликлар, экспрессив-стилистик хусусиятлар ҳақида, анчайин умумий тарзда бўлса-да,

¹⁰⁴ Александрова О.В. Кўрсатилган асар.-Б. 185.

¹⁰⁵ Загоруйко А.П. Осложненные вставные конструкции в современном русском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. —Ростов-на-Дону, 2005.- С.3 и след.

¹⁰⁶ Ҳолиқов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти (А.Қаҳҳор асарлари материаллари асосида): Филол. фан. ном. ...дисс. —Тошкент, 1993.-Б. 104 -105.

бошқа жуда кўп ишларда ҳам у ёки бу тарзда, у ёки бу даражада айтиб ўтилган.¹⁰⁷

Шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, кейинги йилларда парантезалар, хусусан, киритмаларнинг муайян бир ижодкор бадий матнидаги бадий-лисоний қимматини тадқиқ этишга бағишланган ишлар юзага келмоқда.¹⁰⁸ Бу ҳам, албатта, парантезаларга хос бўлган экспрессив имкониятларнинг нечоғлик катта эканлигининг, уларнинг экспрессив синтаксисдаги муҳим ўрнининг тўлиқ англаниши ва шунга кўра бу имкониятларни батафсил ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани билан изоҳланади.

¹⁰⁷ Масалан: Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. –М., 1955. –С.276-277; Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. –М.:Высшая школа, 1974. –С.299-301; Современный русский язык. Часть 2. Синтаксис. –М.: Высшая школа, 1976. –С.125-131; Кожина М.Н. Стилистика русского языка. –М.: Просвещение, 1977.- С.152; Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983.-Б.192 – 197; Голуб И.Б. Грамматическая стилистика современного русского языка. –М.: Высшая школа, 1989. –С.197-198; Рахманова В.М. Вставные единицы в современной публицистике (на материале немецкого и башкирского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. -Уфа, 2007.- С.14-17 ва бошқалар.

¹⁰⁸ Масалан: Сагирян И.Г. Функциональные особенности вставок в языке прозы М.А.Булгакова: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ростов-на Дону, 1999; Меркушова О.Б. Вставные конструкции в прозаических текстах А.И.Солженицына: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Воронеж, 2000.

Боб бўйича хулосалар

1. Гап бўлаклари билан бевосита синтактик алоқага киришмаган бирликлар, яъни парантезалар рус тилшунослигида дастлаб (XIX асрнинг 1-ярмидан) “киришлар” номи остида киритмалардан ажратилмаган ҳолда тиниш белгилари билан боғлиқ қоидалар доирасида ўрганилган. Кейинчалик айрим тилшунослар уларни алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида, бошқалар эса айтиб бир ҳодиса сифатида ўрганиб келганлар.

2. Ўзбек тилшунослигида парантезалар ҳақидаги дастлабки қарашлар XX аср бошларида А.Зоҳирий, Фитрат, Қ.Рамазон, Ҳ.Ғозиев ва бошқаларнинг асарларида пайдо бўлган, кириш ва киритмалар бир-биридан фарқланмаган ҳолда ўқув қўлланмаларида кўпроқ тиниш белгилари баҳсида тушунтирилган. Туркийшуносликда кириш ва киритмаларнинг алоҳида-алоҳида синтактик категориялар эканлигини биринчи бўлиб, А.Ғуломов асослаб берган.

3. Кириш ва киритмалар ўртасида синтактик-позицион ва интонацион фарқлар мавжуд бўлса-да, уларни фарқлашга асос бўладиган омил, асосан, семантик омилдир. Оз миқдордаги истисноларни ҳисобга олмаганда, киритмалар, асосан, диктум (объектив мазмун) ифодалайди, киришлар эса модус (субъектив мазмун) характерида бўлади. Аммо киритмаларнинг ҳам баъзан бадий матнда субъектив муносабатни ифодалашини, бу ҳолат поэтика учун муҳим эканлигини эътибордан тамоман соқит қилиб бўлмайди.

4. Турли тилшунослар томонидан парантезаларнинг пайдо бўлиши масаласи тўғри талқин қилинмайди. Парантезаларнинг кириш тури жонли оғзаки нутқда, киритма тури эса ёзма нутқда пайдо бўлган қабилидаги қарашларни моҳиятан тўғри деб бўлмайди. Чунки бундай талқин тилнинг бевосита онтологик табиатига зиддир. Зеро, тилнинг пайдо бўлишида оғзаки шаклнинг бирламчи эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Парантезаларнинг ҳар икки тури ҳам дастлаб жонли оғзаки нутқда юзага

келган, фақат киритмаларнинг қўлланиши тиниш белгиларининг ривожига билан янада кенгайган.

5. Парантезаларни гап ичида эмас, балки матн ичида ўрганиш холис хулосаларга олиб келиши мумкин. Парантезаларнинг айрим кўринишлари гап ичига эмас, балки яхлит контекстга, матн ичига киради. Бунинг устига, худди гаплар каби парантезаларнинг ҳам структур-синтактик, коммуникатив ва лингвопоэтик моҳияти матнда аниқ намоён бўлади.

6. Парантезалар экспрессив синтаксисдаги бадиий матннинг таъсирчанлиги, бадиий-эстетик имкониятларини кенгайтирадиган бирликлари қаторидаги энг муҳим воситалардандир.

П Б О Б. ПАРАНТЕЗАЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1.Парантеза: семантика ва синтаксис

Маълумки, парантезаларнинг асосий мазмуний моҳияти ифодаланаётган асосий фикрга қўшимча изоҳ бериш, фикрни тўлдириш, субъектив муносабатдан иборат маълумотларни ифодалашдан иборат. Олдинги бобда ҳам айтиб ўтилгани каби, бевосита ана шу маълумотларнинг характериға кўра парантезалар субъектив-модал муносабатни ифодаловчи киришлар ва объектив-изоҳ муносабатини ифодаловчи киритмалар тарзида икки катта гуруҳға ажратилади. Бу икки гуруҳ парантезаларнинг асосий гап билан формал-грамматик ва интонацион муносабатида ҳам ўзига хос фарқлар мавжудлиги тилшуносликда такрор-такрор айтилса-да¹⁰⁹, “уларнинг бундай ажратилиши мазмунға асосланиши” алоҳида таъкидланади.¹¹⁰ Масалан, парантезали қўйидаги икки мисолни олиб кўрайлик: *Тўғрисини айтсам, мен ҳам у одамни кўп хушламайман* (О.Ёкубов, “Диёнат” романи). *Ҳар хил тасмаю тугмалардан холи кўкси қалқиб-қалқиб кетади, овози титрайди. Шундай кезларда (бунақа кезлар икки-уч бор бўлган) Азизхон кетишиға шошилмайди* (Саид Аҳмад, “Уфқ” романи). Биринчи мисолда *тўғрисини айтсам*, иккинчи мисолда эса *бунақа кезлар икки-уч бор бўлган* парантезалари мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси сўзловчининг ўз фикриға муносабатини ифода этган, иккинчисида эса қўшимча объектив ахборот, яъни изоҳ ифодаланган. Шунга кўра, биринчи парантеза кириш бирлик, иккинчиси эса киритма бирлик тарзида талқин этилади. Тўғри, уларнинг гап структурасидаги ўрнида фарқ мавжуд, яъни бири препозицияда, иккинчиси

¹⁰⁹ Масалан, қар.: Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар: Филол. фан. ном. ...дисс. –Тошкент, 1972.-Б. 199 - 213.

¹¹⁰ Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987.-Б. 155.

интерпозицияда, шунингдек, биринчиси бевосита асосий гап билан алоқаланган, иккинчиси асосий гапдаги *шундай кезларда* шаклидаги ҳол билан бевосита алоқаланган. Айни пайтда гапнинг интонацион оқимида *тўғриси*ни айтсам парантезасига қараганда *бунақа кезлар* икки-уч бор бўлган парантезаси кўпроқ ажралиб туради, яъни бу парантеза алоҳида интонация билан айтилади. Шунга қарамасдан, бу икки парантезани бир-биридан фарқловчи асосий омил, аввал айтиб ўтилганидай, мазмун эканлиги кўриниб турибди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тилшуносликда яна бошқа қарашлар ҳам бор, уларга кўра киришлар ва киритмаларни фарқлаш кўп ҳам шарт эмас. Бундай қарашларнинг анчайин батафсил таҳлили И.Тошалиев томонидан берилган.¹¹¹ Бу масала юзасидан Г.Н.Акимова қуйидаги фикрларни баён қилади: “Кириш ва киритма конструкциялар ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ. Биринчидан, киритма конструкциялар ҳам субъектив-модал (баҳо) маъно ифодалаши мумкин... Иккинчидан, киритма ҳолатида кириш конструкциялар ҳам келиши мумкин.”¹¹² Шунга ўхшаш мулоҳаза В.В.Бабайцева ва Л.Ю.Максимовлар томонидан ҳам билдирилган. Уларнинг фикрича ҳам, кириш ва киритма конструкциялар ўртасида қатъий чегара мавжуд эмас, бир-бирига ўтиш ҳолатлари кузатилади.¹¹³ Ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилида ҳам кириш ва киритмаларнинг ана шундай бир-бирига ўтиш ҳолатлари учрайди. Масалан, *Кўнгил қўйганлари бошқа эди, бошқалар эди. Уни ... биз биламиз (Билмайлар кетайлик, илойим!)* (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси) тарзидаги парчада *Билмайлар кетайлик, илойим!* парантезаси мавжуд, у айна парчадаги интонацион изоляцияга кўра киритма мақомида, аммо субъектив-модал муносабат ифодалаётганлигига кўра киришдир. Бевосита кириш тарзида қўллаш зарурияти юзага келса, масалан,

¹¹¹ Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.-Б. 13 -16.

¹¹² Акимова Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. –М.: Высшая школа, 1990. –С. 55.

¹¹³ Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Ч.3. Синтаксис. Пунктуация. –М.: Просвещение, 1981.- С. 172.

Уни биз, афсуски // билмайлар кетайлик // билмаганимиз яхшийдди // билмасак қанийди..., биламиз тарзида конструкция тузилиши мумкин. Бу каби ҳолатлар, айниқса, бадиий матнда кўп кузатилади. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, киришларнинг асосий гапдан интонацион ажратилиши киритмаларга қараганда кучсиздир, киритмалар эса асосий гапдан интонацион жиҳатдан кучлироқ ажратилган бўлади, шунинг учун ҳам киритмалар ўқувчи (тингловчи) диққатини тезроқ ўзига жалб қилади. Бу ҳолат нутқ таъсирчанлигини, бадииятини таъминлашда алоҳида қимматга эга эканлигини ҳисобга олиб, биз киритмаларга кўпроқ эътибор берамиз (Бу ҳақда ишимизнинг учинчи бобида батафсил тўхталамиз).

Албатта, парантезаларнинг бу икки тури ўз ичида яна хилма-хил мазмунларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам тилшуносликда киришлар ҳам, киритмалар ҳам семантик ёки функционал жиҳатдан тасниф қилинади, бу жиҳатдан уларнинг ҳар хил миқдордаги турлари ажратиб кўрсатилади. Масалан, А.Ғуломов киришларнинг маъно жиҳатидан, асосан, қуйидаги турларини қайд этади: 1)сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини билдирадиган; улар ўз ичида яна гуруҳланади, яъни: ишонч, ростлик билдирадиган(*албатта, сўзсиз, ҳақиқатан* каби), гумон, шубҳа билдирадиган (*балки, эҳтимол, чамаси* каби); 2)гапда ифодаланган фикрга боғлиқ равишда туғилган эмоцияларни билдирадиган (*афсус, аттанг, бахтимизга* каби); 3)сўзловчининг фикрнинг ифодаланиш, шаклланиш йўлига муносабатини билдирадиган (*умуман олганда, гапнинг очиги, қисқаси* каби); 4)сўзловчининг гаплар орасидаги мазмун муносабатига қарабини ифодаладиган (*демак, шундай қилиб, бундан келиб чиқадики* каби); 5)фикр манбаини, кимга қарашли эканлигини билдирадиган (*менимча, унинг сўзига қараганда, айтишларича* каби); 6)фикрларнинг тартибини билдирадиган

(биринчидан, аввало, иккинчидан каби).¹¹⁴ Рус тилшунослигида ҳам киришларнинг, асосан, 6-8 та атрофидаги маъно тури ажратилади.¹¹⁵

Киритмаларнинг ҳам маъно турларини белгилашга айрим тадқиқотчилар ўрни билан эътиборни қаратганлар. Масалан, И.Тошалиев ўзбек тилидаги киритма конструкцияларнинг қуйидаги семантик турларини ажратиб кўрсатган: 1)изоҳлаш, тушунтириш характеридаги, 2)аниқлаш, чегаралаш характеридаги, 3)номлар ҳақида қўшимча маълумот берувчи, 4)конкретлаштириш, шарҳлаш характеридаги, 5)асосий гап мазмунини ривожлантирувчи, 6)субъектив-эмоционал муносабат ифодаловчи, 7)характеристика, справка берувчи, 8)фикр баён қилиш услубини изоҳловчи, 9)фикрларни ўзаро боғлашга хизмат қилувчи, 10)манба кўрсатувчи, 11)ремарканамо, 12) мураккаб мазмунли киритмалар.¹¹⁶ Бу таснифнинг унчалик ҳам холис ва асосли эмаслиги ундаги гуруҳларнинг номланишидаёқ кўриниб турибди. Табиийки, “*изоҳлаш ва тушунтириш*”, “*аниқлаш ва чегаралаш*”, “*қўшимча маълумот бериш*”, “*конкретлаштириш, шарҳлаш*”, “*характеристика, справка бериш*”, “*манба кўрсатиш*”, “*ремарка*” каби ифодалар ва тушунчалар моҳиятан бир-биридан жуда кескин фарқ қилмайди. “Мураккаб мазмунли киритмалар” тарзидаги семантик гуруҳ номи ҳам таснифнинг пухта эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бундай таснифлаш ва ундаги гуруҳлашни муваффақиятли деб айтиш қийин.

Аслида киритмаларни юқоридагидай конкрет семантик гуруҳларга бўлишга уриниш мақсадга мувофиқ эмас. Зотан, В.В.Бабайцева ва Л.Ю.Максимовлар тўғри таъкидлаганларидек, кириш бирликларни муайян миқдордаги функционал-семантик гуруҳларга жамлаш мумкин бўлса-да, киритма конструкциялар жуда ҳам хилма-хил қўшимча маълумотларни ифодалаш имкониятига эга, шунинг учун ҳам уларнинг семантик турларини

¹¹⁴ Ғуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар.-Б. 156 - 157.

¹¹⁵ Масалан, қар.: Бабайцева В.В. Русский язык. Синтаксис и пунктуация. –М.: Просвещение, 1979. -С. 181-183.

¹¹⁶ Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.-Б. 47 - 87.

аниқ белгилаш қийин.¹¹⁷ Маълумки, кириш бирликларнинг аксарияти бошқа тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам муайян сўз (масалан, *албатта, шаксиз, сизнингча, бахтимизга, айтишларича*), сўз бирикмаси (*гапнинг очиги, сўзнинг қисқаси, дангалини айтганда*) ёки гап (*Ростини айтсам; Гап шундаки; Буни қаранг; Ўйлаб кўрсам*) шаклида турғунлашган, клишеланган, муайян бир маъно-мазмун, субъектив-модал муносабат ифодаси учун хосланган. Бунинг устига, субъектив-модал маънони типлаштириш, конкрет семантик гуруҳларга ажратиш мумкин, шундай экан, уларнинг ифодачиси бўлган бирликларни ҳам гуруҳлаштириш у қадар қийинчилик туғдирмайди. Аммо киритмалар ҳақида бундай деб бўлмайди, улар воситасида ифодаланадиган қўшимча ахборот, маълумот, умуман, маъно-мазмунни типлаштириш, конкрет гуруҳларга бирлаштиришнинг айтарли иложи йўқ. Чунки киритмаларда инсон, табиат, жамият, умуман, ҳаётнинг барча соҳаларига оид мазмунлар ифодаланадик, уларни конкрет семантик гуруҳ тарзида таснифлаш мушкул. Қуйидаги парчалардаги киритмаларни конкрет семантик гуруҳларга бирлаштириш маҳол: *Ўқитувчимизни Тожибой ака дейишади. Бу киши ҳам нимаси биландир Эгамберди акага ўхшаб кетадилар. Аммо Тожибой ака анча хунук. (Бу гапимни ўзлари эшитмасин.) Бурунлари йўқ ҳисоби* (Ш.Холмирзаев, “Юр, тоғларга кетамиз” қиссаси). *Тўғри. Қанчадан-қанча одамлар қадр-қиммат топишни бахт деб тушунадилар. (Бунга етишмаганлар қанча!) Буниси ҳам тўғри* (Хуршид Дўстмуҳаммад, “Ҳижроним мингдир менинг...” қиссаси). *Ярим соатлардан кейин (ҳар ҳолда, Юсуфга шундай туюлди) Мансур иккита дўхтир билан бирга ўғли ётган хонага кириб борди* (Улуғбек Ҳамдам, “Мувозанат” романи). *Надоматким, бу тўкин дастурхон Мирғани Мирраис (Мирайиз оғанинг исми касбига татбиқан ана шунақа ўзгаришга учраган эди) ўғлига татимади* (Ҳ.Темиров, “Журналист хатоси” қиссаси).

¹¹⁷ Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Кўрсатилган асар.-Б. 171.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, киритмаларни уларнинг конкрет семантикасига кўра эмас, балки типик мазмуний функциясига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқлиги аён бўлади. Киритма муаммосини рус тили материалида тадқиқ этган А.Ф.Прияткина киритмалар жумла мазмунини кенгайтириши ва бойитишини, улар хилма-хил мазмуний функцияларни бажаришини айтар экан, бу функцияларни, асосан, қуйидагича таснифлаш мумкинлигини қайд этади: 1)тушунтириш-аниқлаштириш, 2)сабаб-мотив, 3)маълумот-ҳавола, 4) шарҳлаш, модал-баҳолаш. У киритмалар воситасида сўзловчи жумлага хилма-хил характердаги маълумотларни (масалан, миқдорий ахборот, замонга дахлдор маълумотлар, манбага ҳавола, турли тузатишлар, изоҳлар, воқеага ёки унинг тавсифига муносабат кабилар) олиб киришини таъкидлайди.¹¹⁸

Немис ва бошқирд тилларидаги публицистикада киритма бирликларни тадқиқ этган В.Рахманова сўзловчининг мақсади ва мўлжалига боғлиқ ҳолатда киритмаларнинг уч асосий функционал типини фарқлаш мумкинлигини айтади, яъни:

I тип – қўшимча характердаги маълумотни ифодаловчи киритма бирликлар;

II тип – изоҳ-тушунтириш характердаги маълумотни ифодаловчи киритма бирликлар;

III тип – экспрессив-баҳо характердаги маълумотни ифодаловчи киритма бирликлар.¹¹⁹

Ўзбек тилидаги киритмаларнинг ҳам, бизнингча, функционал-семантик жиҳатдан ана шундай, яъни қўшимча маълумот, изоҳ-тушунтириш, экспрессив-баҳо ифодаловчи киритмалар тарзида уч асосий типини фарқлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, қуйидаги мисолларда I-тип, яъни қўшимча

¹¹⁸ Прияткина А.Ф. Русский язык. Синтаксис осложненного предложения. –М.: Высшая школа, 1990. –С. 159 - 160.

¹¹⁹ Рахманова В.М. Вставные единицы в современной публицистике (на материале немецкого и башкирского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. -Уфа, 2007. -С.15.

маълумот ифодаловчи киритмалар иштирок этган: ...*Шарановский Суюн Сувонқуловни (одамлар уни “бургут” дейишар экан, унга қолса, “шер” дейишмайдими!) бир-икки кунда шундоқ синдираман, синдирмоқ тугул оёғим тагида эмаклаб юрадиган қиламан, деб ўйлаган эди!* (О.Ёқубов, “Адолат манзили” романи) *Мен ювингич хона оғзида қолдирилган халтани (оғиргина экан) олиб, Таваккалга бердим* (Ш.Холмирзаев, “Булут тўсган ой” ҳикояси). *Гулсара стол лампасига.., жавонга – китобларга, девордаги расмга (ромга солинган расмда нилуфарлар қоплаган кўл бўйидаги қўлбола ёғоч ўриндиқда танҳо ўтирган оқ либосли париваиш тасвирланган эди) жилмайиб боқиб, диван ва юмшоқ курсиларга ҳам қизиқиш билан кўз ташлади...* (Ш.Холмирзаев, “Булут тўсган ой” ҳикояси).

Қуйидаги мисолларда эса 2-тип, яъни изоҳ-тушунтириш ифодаловчи киритмалар иштирок этган: *Ижобатни олгандан сўнг юқорида мазкур Тошкент ашрофлари бир мажлис қуриб, ўтиришига Нормуҳаммад қушибеги (Тошкент ҳокими)ни ҳам чақирдилар* (Абдулла Қодирий, “Ўтган кунлар” романи). *Ҳали бу терговчиларда ҳар бир бандада бўладиган “муҳаббат” (муллажиринг муҳаббати) йўқ деб ким айта олади?* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи) *Оқпошионинг инъоми келганини эшитган хотинлар (устанинг онаси ва хотини) талашиб, нари-бери гапга бориб қолдилар* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи).

Учинчи тип киритмалар, яъни экспрессив-баҳо ифодаловчи парантезалар қуйидаги мисолларда иштирок этган: *Бойлар бўлса на фуқарони бир чақага олади (буниси-ку майли-я), на мингбошини (мана мунисига чидаб бўлмайди!). Очиқдан-очиқ сўкади, ҳақорат қилади...* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). *Фақат шуниси борки (кўряпсизми?!), бир ишнинг пайига тушдим дегунча худди бугунгидек аввал иситма олади, сўнг феъллимдаги бир кажлик йўлимни тўсиб чиқади* (Ш.Холмирзаев, “Бугун эрталаб” ҳикояси). *Сизнинг хаёлларингизни остин-устун қилган ўзимдаги фазилатларни*

(ростдан ҳам борми улар?) топиб, ардоқлаб яшайман (Хуршид Дўстмуҳаммад, “Ҳижроним мингдир менинг...” қиссаси).

Парантезаларнинг грамматик, синтактик хусусиятлари ҳақида фикр юритганда, юқорида тилга олганимиз И.Тошалиевнинг кузатишларига алоҳида тўхталиш лозим бўлади.

Ўзбек тилидаги киритма конструкциялар юзасидан тадқиқот олиб борган И.Тошалиев киритмаларнинг структура жиҳатидан турлари ва уларнинг лексик–грамматик хусусиятларини ўрганишда киритмаларнинг структурал хусусиятларига алоҳида эътиборни қаратади ва бошқа жуда кўплаб тилшунослар каби уларни 5 турга ажратади: 1)сўз-киритмалар, 2)бирикма-киритмалар, 3)гап-киритмалар, 4)мураккаб киритмалар, 5)белги-киритмалар. Тадқиқотчи уларни асосий гап билан бевосита синтактик алоқага киришмаса-да, асосий гап ёки унинг бирор қисми билан муайян бир тарзда алоқаланишини таъкидлаб ўтади.¹²⁰ Маълумки, парантезаларнинг асосий қўлланиш доираси бадиий матндир. Шу боис улар бадиий матнга ёзувчи томонидан маълум бир мақсадда олиб кирилади. Парантезаларнинг бадиий матнга олиб кирилишида асосий гапнинг шаклий ҳамда семантик структураси муҳим аҳамият касб этади. Чунки парантезалар асосий гапдаги бирор бўлакни, бирикмани, гапни, баъзан микроматн кўринишидаги мураккаб бирликни изоҳлаб келиши билан характерланади.¹²¹ Аммо таъкидлаш лозимки, парантезанинг қандай синтактик бирлик билан бевосита алоқаланишидан қатъий назар, парантезанинг асосий структурал ва мазмуний моҳияти матн фонидагина тўла намоён бўлади.

Бу ўринда икки мунозарали масалага тўхталиш жоиздир. Аввало, асосий гап ва парантеза ўртасидаги мазмуний-мантиқий ва лексик-грамматик алоқа хусусида кўп гапирилган. Масалан, И.Тошалиев асосий гап ва

¹²⁰ Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.Б.- 89 – 90.

¹²¹ Бу ҳақда яна қар.: Ғуломов А., Аскарлова М. Кўрсатилган асар.Б. 157; Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1976.-Б. 270 -271; Прокопович Н.Н. Вопросы синтаксиса русского языка. –М.: Высшая школа, 1974.- С. 96.

парантеза ўртасида ўзига хос грамматик алоқа мавжудлигини эътироф этадиган тилшуносларнинг қарашларини тавсифлар экан, бу алоқа “интродуктив алоқа” (А.М.Мухин), “симпраксистик (юнонча “ҳамкорлик, ёрдам” маъносида) алоқа” (М.А.Авласевич), “аппликатив алоқа” (И.П.Распопов), “изоҳлаш алоқаси” (Ғ.Абдурахмонов), “мувофиқлашув алоқаси” (А.Сайфуллаев) каби терминлар билан номланганлигини қайд этади.¹²² А.Нурмонов мазмуний-синтактик муносабатларнинг турларини белгилар экан, субординатив (бир томонлама), координатив (икки томонлама), копулятив (уюшиқ бўлаклар) муносабатлар қаторида тўртинчи тур сифатида интродуктив муносабатни ажратиб кўрсатади ва дастлабки уч муносабат тури синтактик алоқа воситаларига эга бўлгани ҳолда тўртинчи – интродуктив муносабат тури бундай хусусиятга эга эмаслигини айтади¹²³.

Гап таҳлилида синтактик позиция масаласига алоҳида аҳамият берар экан, А.М.Мухин кириш, умуман, парантез компонент позициясидаги синтаксемаларнинг асосий гап билан интродуктив алоқада бўлишини ва бу алоқа ҳам моҳиятан бир томонлама йўналишга эга эканлигини таъкидлайди.¹²⁴ Рус тили синтаксисининг тадқиқотчиси Т.П.Ломтев А.М.Пешковскийнинг “Киришлар, киритмалар (шунингдек, ундалмалар) гапдаги бошқа сўзлар билан синтактик алоқага эга эмас, шунинг учун улар гап структурасининг унсури ҳисобланмайди, улар организмга кириб қолган ўқ каби бегона унсурдир” тарзидаги машҳур фикрини ҳам, А.М.Мухиннинг мазкур бирликларнинг гап структурасида унсур бўла олишини асослаш юзасидан келтирган далилларини ҳам танқид қилади. Т.П.Ломтев шундай ёзади: “Гап структурасининг унсури бўлиш қандайдир семантика ифодачиси бўлиш демакдир. Гап структурасига аъзолик масаласи – бу ифодаланувчи таркибига аъзолик масаласидир.” Парантеза позициясидаги бирликларнинг

¹²² Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.-Б. 24 - 28.

¹²³ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). –Тошкент: Ўқитувчи, 1995.-Б. 30.

¹²⁴ Мухин А.М. Синтаксический анализ и проблема уровней языка. –Л.: Наука, 1980.- С. 283.

семантикаси асосий гапда ифодаланган мазмун билан алоқадор, муайян муносабатда эканлигини ҳисобга олиб, А.М.Мухиннинг “интродуктив алоқа” (“интродуктивная связь”) терминини “интродуктив муносабат” (“интродуктивное отношение”) тарзида қўллаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.¹²⁵

Бизнингча, ўзбек тилида мазкур иккала терминни ҳам ишлатавериш мумкин. Т.П.Ломтев биринчи терминнинг шаклга, ўзи тавсия этган терминнинг эса семантикага дахлдор ҳодисани ифодалашини кўзда тутган. Аммо ўрни билан унисини ҳам, бунисини ҳам қўллаш мумкин. Шунини ҳам айтиш керакки, парантеза ва асосий гап ўртасидаги алоқа (муносабат)ни ифодалаш учун турли тилшунослар томонидан тавсия этилган юқорида зикр қилинган беш терминдан, бизнингча, энг мақбули “интродуктив алоқа (муносабат)” терминидир. *Интродукция* сўзининг асл маъноси (лотинча *introductio*) “киритиш” эканлигини (турли соҳаларда бу сўз термин сифатида ишлатилади, масалан, ўсимликшуносликда “муайян ўсимлик турларини илгари улар ўсмаган ҳудудларга киритиш” маъносида, чорвачиликда “хайвонларни табиий яшаш жойидан бошқа ҳудудларга киритиш, тарқатиш” маъносида ва ҳ.)¹²⁶ ҳисобга олсак, мазкур термин парантеза ва асосий гап ўртасидаги муносабатни нечоғлик аниқ акс эттиришини тасаввур қилиш мумкин.

Таркибида гап шаклидаги парантеза мавжуд бўлган асосий гапнинг синтактик мақоми муаммоси бу борадаги яна бир мунозарали масаладир. Ҳар қандай (сўз, сўз бирикмаси, гап шаклларидаги) парантезали гапни мураккаблашган (ёки баъзан мураккаб) гап тарзида талқин қилиш жуда кенг тарқалган қарашдир.¹²⁷ Табиийки, таркибида сўз ёки сўз бирикмаси

¹²⁵ Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М.: МГУ, 1979. -С.51-53.

¹²⁶ Словарь иностранных слов. 16-е изд. –М.: Русский язык, 1988. -С. 204.

¹²⁷ Масалан, қар.: Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1976.-Б. 202; Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. –Новосибирск, 1987. -С. 94-95; Современный русский литературный язык. Под ред. Н.М.Шанского. –Л.: Просвещение, 1988.- С. 564 -567; Прияткина А.Ф. Кўрсатилган асар.-Б. 156 – 163.

шаклидаги парантеза иштирок этган гапнинг мураккаблашган гап сифатида баҳоланиши ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Аммо гап шаклидаги, яъни предикатив парантезани ўз ичига олган гапнинг ҳам мураккаблашган гап сифатида талқин қилинишини унчалик ҳам асосли деб бўлмайди. Адабиётларда гап шаклидаги кириш ва киритмаларни ҳам гап таркибини мураккаблаштирувчи (содда гаплик доирасидан чиқармаган ҳолда) носинтактик воситалар эканлиги айтилади (масалан, шундай мисол берилади: *Шоир (мен уни илгари кўрмаган эдим) риндона ижодкор сифатида таассурот қолдирди*).¹²⁸ Айрим тадқиқотларда “кириш гапли содда гаплар” тарзидаги ифодалар ҳам учрайдики¹²⁹, улар ҳам гап шаклидаги парантезани ўз ичига олган гапларнинг синтактик мақоми содда гап деб қаралаётганини кўрсатади.

Бугун ўзбек тилшунослигида Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов Р.Сайфуллаева, М. Қурбонова ва бошқа тилшуносларнинг мунтазам тадқиқотлари туфайли гапда кесимнинг ҳал қилувчи мақомга эғалиги, кесим гапнинг асосий уюштирувчи маркази эканлиги ҳақидаги қараш барқарорлашди.¹³⁰ Ҳатто мактаб она тили таълими амалиётида ҳам ана шундай қараш ўз аксини топган. Масалан, 8-синф она тили дарслигида шундай ёзилган: “Шаклланган, яъни кесимлик шакллари (тасдиқ-инкор, майл, замон, шахс-сон маънолари)га эга бўлган кесим алоҳида бир ҳукмни ифодалайди, муайян гап марказини ташкил эта олади. Шунинг учун икки ва ундан ортиқ шаклланган кесимли гаплар қўшма гаплардир.”¹³¹

Шубҳасизки, предикатив парантезали гапларда ҳам икки (ёки ундан ортиқ) кесим мавжуд. Масалан, *Эрталаб қайси бир мактабга учрашувга кетган Ветаран (момо уни қачон шундай деб чақира бошлаганини ўзи*

¹²⁸ Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. - Тошкент, 2004.-Б. 58.

¹²⁹ Предикатив бирликлар ва улар ўртасидаги муносабат. –Тошкент, 1989.-Б. 42.

¹³⁰ Бу ҳақда қар.: Маҳмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2009.- N1.-Б. 44 – 56.

¹³¹ Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R. Ona tili. 8-sinf uchun darslik. –Toshkent: Cho'lpon, 2006.-Б. 109.

билмайди!) ҳануз қайтмабди (О.Ёкубов, “Адолат манзили” романи). Асосий гапнинг кесими *қайтмабди* тарзидаги феъл шаклидир. Предикатив парантезада эса *билмайди* шаклидаги кесим мавжуд. Кўриниб турибдики, мазкур синтактик конструкцияда иккита тўлиқ шаклланган кесим бор. Шундай экан, бундай гапларни, юқоридаги фикрлар инобатга олинса, содда гап дейиш мушкул. Мазкур гапни қўшма гап сифатида баҳолаш учун бир кесим бир гапнинг шаклланиши учун мантиқий-грамматик асосдир тарзидаги юқоридаги зикр этилган фикр тўла имкон беради, яъни бундай гапларни парантезали қўшма гаплар деявериш мумкин. Фақат одатдаги қўшма гап компонентларининг боғланиши билан предикатив парантезали бундай қўшма гаплар компонентларининг (парантеза ва асосий гап) боғланиши ўртасида ўзига хос фарқли жиҳатлар, шубҳасиз, мавжуд. Одатдаги қўшма гапларда тенгланиш (боғланган қўшма гаплар) ва тобеланиш (эргашган қўшма гаплар) муносабатидаги алоқа мавжуд бўлса, парантезали қўшма гапларда киритиш, яъни интродуктив муносабатдаги алоқа мавжуддир. Маълумки, ўзга гапи ва муаллиф гапидан таркиб топган конструкциялар кўчирма гапли қўшма гаплар сифатида қаралади. Баъзи тадқиқотчилар ҳатто ана шундай кўчирма гапли қўшма гапларда ҳам предикатив парантезаларга яқинлик борлигига, ўзига хос интродуктив муносабат унсурларининг мавжудлигига ишора қиладилар. Масалан, А.Ф.Прияткина ўзга гапини беришда муаллиф гапи киритма тамойили асосида конструкцияга киритилишини йўл-йўлакай айтиб ўтади.¹³² Бу фикрда маълум маънода жон бор. Масалан, *Валюша, - деди у, - сен уйга боравер* (Тоҳир Малик, “Шайтанат” романи) гапи кўчирма гапли қўшма гап, унда муаллиф гапи кўчирма гапнинг ичига киритилган. Аммо кўчирма гап муаллиф гапининг ичига ҳам киритилиши мумкин: *У: Валюша, сен уйга боравер, - деди*. Айтиш керакки, кўчирма гапли қўшма гаплар компонентлари ўртасида интродуктив муносабат мавжуддай кўринса-да, уларда тобе-ҳокимликнинг тегишли лексик-грамматик кўрсаткичлари

¹³² Прияткина А.Ф. Кўрсатилган асар.-Б. 161.

мавжуд. Шунинг учун, бизнингча, предикатив парантезали қўшма гапларни кўчирма гапли қўшма гаплар билан тенглаштириб бўлмайди. Ана шу мулоҳазалар асосида предикатив парантезали қўшма гапларни қўшма гапларнинг мутлақо ўзига хос, алоҳида типи сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Парантезалар асосий гап билан интродуктив муносабатга киришар экан, янада кенгроқ матндаги тегишли бирликлардан ташқари асосий гапдаги бўлақлар билан, яхлит гап билан, микроматн билан бевосита алоқаланган бўлади. И.Тошалиев бундай алоқа ҳақида гапирар экан, масалан, сўз-киритмаларнинг синтактик позициясига асосий эътиборни қаратади ва аниқловчи-киритмалар, тўлдирувчи-киритмалар ва ҳол-киритмалар тарзида таҳлил қилади.¹³³ Биз эса киритманинг эмас, балки у алоқаланган гап бўлақлари ёки гапнинг мақомига асосий диққатни қаратишни маъқул кўрамиз ва шу тарзда парантезанинг матндаги синтактик мақомини тўғри белгилаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бунда муайян ўзига хос семантик-грамматик хусусиятлар янада аниқроқ кузатилади. Шунинг учун мазкур ҳолатларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2.1.1.Бевосита гап бўлақлари билан алоқаланган парантезалар

Парантезалар деярли барча гап бўлақлари билан бевосита алоқаланиши мумкин. Фақат улар кесим билан алоқаланган ҳолатларда кесим гапнинг маркази, асоси бўлганлиги учун парантезалар муайян бир бўлақ билан эмас, балки яхлит гап билан алоқаланган деб ҳисобланади. Аммо бевосита кесимнинг ўзи билан ҳам алоқаланадиган парантезалар мавжуд, шунинг учун ўрни билан, қисқа бўлса-да, уларга ҳам тўхталиб ўтамиз.

I. Эга билан бевосита алоқаланган парантезалар структурал жихатдан турли кўринишларда бўлиши мумкин:

¹³³ Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.-Б. 106 – 107.

1. Сўз шаклидаги парантеза эга билан бевосита алоқаланади: *Обрў ҳам шунчалар бўлар-да. Ишончим комилки, агар Нортोजиев (яъни Горбачев) жиннихонага ётқизилса, бундан ортиқ обрў ололмайди* (Т.Малик, “Шайтанат” романи). *Бир ерда танга пул зарб этиш ҳақида гап борарди. Бошқа маъданлар қатори танга таркибида мушк (арабча “муск”) ҳам эслатилади* (С.Сиёев, “Донишманд” бадиаси). *Бир вақт оппоқ соқолли, қари, бўшашигон бир чол (куёв тўра) устига зарбоф тўн кийиб, катта ўрама белбоқ боғлагони ҳолда ... секингина судралиб аравага яқинлашди* (Чўлпон, “Қор қўйнида лола” ҳикояси). Мисолларда асосий гапда эга позициясидаги сўз, сўз шаклидаги парантезалар билан изоҳланган.

Бадиий нутқда ёзувчи гумон олмоши билан ифодаланган эгани тингловчи учун ноаниқлигига чек қўйиш мақсадида ҳам тавсиф объектини кўрсатувчи парантезалардан фойдаланади. Парантезалар эса эга характерида ифодаланади ва шу билан бирга гумон олмошининг маъносини конкретлаштиради: *Начора! Биров ўша машъум чоҳни осонгина айланиб ўтар* (Бўстон, Марат), *биров югуриб-елиб бошқа йўллар ахтарар* (Жавлибой), *биров унга мутлақо йўламасликни афзал кўрар* (Мадҳиддин) – *мен эса сакрайман, кимларнингдир ҳадиксирагани, чекингани, мудаббирлик қилганига қасдма-қасд сакрайман – эҳтимол, ўшаларнинг ўрнига, ўшаларнинг ўзи учун!* (Эркин Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси)

Парантезаларнинг кириш тури ҳам эга билан бевосита алоқаланиши мумкин: *Айниқса, ўзи сержаҳл бўлишига қарамай, Асрора уни эркалатиб қўйганди* (Саид Аҳмад, “Уфқ” романи). Гапдаги *айниқса* кириш парантезаси эга позициясидаги *Асрорани* алоҳида ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш учун қўлланган, албатта, мазкур гапдан олдинги гапларда, матнда бошқаларнинг ҳам эркалатиши билан боғлиқ ифодалар мавжуд, шунинг учун ана шундай парантеза воситасидаги таъкидга эҳтиёж туғилган. Айни позицияда *албатта, хусусан, масалан, авваламбор* каби бир қатор кириш парантезалар ҳам келиши мумкин.

2. Сўз бирикмаси шаклидаги парантеза эга билан бевосита алоқаланади: *Бир вақтлар Зарафшон боғида боғбон бўлган Муборизхон (аввалги Афзалбек) Акбар ва Мирмуҳаммаднинг гапларини Байрамхонга етказиб юриб унинг яқин одамига айланган эди* (П.Қодиров, “Авлодлар довони” романи). Парчадаги эга, яъни *Афзалбек* сўз шакли *аввалги Муборизхон* сўз бирикмаси шаклидаги парантеза орқали аниқлаштирилган.

Нутқий ситуация жараёнида сўз бирикмаси шаклидаги парантезаларнинг мураккаб кўринишларини киритиш ҳам бадий нутққа аниқлик киритади, асарнинг бошланиш қисмида рўй бериб ўтган муҳим воқеага ишора қилиш, эсга солиш каби функцияларнинг воқеланишига туртки бўлади: *Бир маҳал отин хола (Сепкилли холанинг қўли эгрилигидан ишкоят қилган, биз билан бирга фолбинникига борган худди ўша семиз отин хола) оқ шолрўмол ёпинган атлас кўйлаги устидан олдиға ёқа тутилган нимча кийган келинчакни етаклаб остонаға олиб чиқди* (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси). *Боя айтганим – мени ларзаға солган нарса – кўмир конида 17 йилдан бери ёруғлик кўрмай, тоза ҳаводан нафас олмай яшаётган от эди* (Саид Аҳмад, “От билан суҳбат” ҳикояси).

Эга билан алоқаланган парантезанинг юқоридаги каби мураккаб сўз бирикмасидан иборат бўлиши анчайин кенг кузатилади: *Ҳайдар танлаган мавзу – шўр ерларни ювганда зовурларға йиғиладиган оқава сувни қайта ишлатиш муаммоси – ниҳоятда қалтис муаммо* (О.Ёқубов, “Диёнат” романи).

Эга билан алоқаланган парантеза сўз бирикмаси эмас, балки сўз тизмаси, яъни тенгланиш муносабатидаги сўз қўшилмаси шаклида бўлиши ҳам мумкин: *Оқпошшонинг инъоми келганини эшитган хотинлар (устанинг онаси ва хотини) талашиб, нари-бери гапга бориб қолдилар* (Чўлпон, “Оқпошшонинг инъоми” ҳикояси).

3. Содда гап шаклидаги парантеза эга билан бевосита алоқаланади. Бадий нутқда ифодаланган эгага аниқлик киритиш жараёнида содда гап

кўринишидаги парантезалар муҳим аҳамият касб этади: *“Маржа она” (аслида, исми Маруся экан) ойимнинг гапига анча тушунадиган бўлиб қолган экан, вагондан ўглини кўтариб омон-эсон олиб чиқибди* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи). Кўриниб турганидай, содда йиғиқ гап формасидаги парантеза воситасида эганинг маъносига аниқлик киритилган. Шунингдек, содда йиғиқ гап шаклидаги парантезада аниқлик маъносининг ифодаланишида аслида модаллик бўёғига эга бўлган кириш сўз ҳам алоҳида ўринни эгаллаган. Яна мисол: *Қарасам, ўзимнинг болаликдаги “ўрис ўртоғим” Вали келяпти (Асли оти Валентин эканини кейин билганман)* (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси).

Эга билан алоқаланиш асносида гап шаклидаги парантеза нафақат аниқлик киритиш, балки қўшимча ахборот бериш каби бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин. Бундай вазиятда асосий гапга киритилган парантеза содда ёйиқ гап шаклида ҳам бўлади: *Карвон шаҳар четидаги богларга яқинлашганда олдинда келаётган отлиқ (у Ёдгорбек эканини Машираб узоқданоқ таниди) йўлни чангитиб бошқалардан ўзиб кетди* (О.Ёкубов, “Эр бошига иш тушса” романи). *Оташқалб эндигина оқланган кезлар Мовийкўз (аллақачон Алвастихонимга айланиб улгурган эди) маккораларга хос шафқатсизлик билан ўсмоқчилаб сўраган* (Эркин Абзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси). *Шу пайт залнинг тўридаги сахнада мусиқачилар (кирганимизда дам олишаётган эди, шекилли) гумбир-гумбир қилиб, созларини чала кетишди* (Ш.Холмирзаев, “Булут тўсган ой” ҳикояси).

Баъзан содда гап шаклидаги парантеза эга билан алоқаланганда, кучли даражадаги киноя ифодаланиши мумкин. Бунда эгада ифодаланган нарсa билан парантезада ифодаланган мазмун уйғун бўлмайди, ёзувчи атай сиғишмайдиган тушунчаларни бир-бирига яқинлаштиради, натижада парантеза ва эга семантикаси янада урғу олади: *Не машаққатлар билан дунёга келтирган ҳашаротларимиз ... (Худо имонларини басаломат қилгай!) равзаи ризвонга рихлат қилди!* (О.Ёкубов, “Диёнат” романи).

Гап шаклидаги парантеза асосий гапнинг синтактик мақомини ўзгартиради, яъни улар ўртасида интродуктив муносабат воқеланади. Натижада парантезали қўшма гап юзага келади. Табиийки парантезанинг содда ёйиқ ёки содда йиғиқ гап шаклида бўлиши мазкур қўшма гапнинг мақомига таъсир этмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, эга билан алоқаланган содда гап шаклидаги парантезанинг мазкур эга билан контакт муносабатда бўлиши шарт эмас, бундай парантеза асосий гапдаги нафақат эга билан, балки асосий гапнинг ўзи билан дистант позицияда бўлиши мумкин. Содда гап шаклидаги парантеза ўзидан бир қанча олдинги гапдаги эга билан ҳам алоқаланаверади. Қуйидаги микроматнда буни кўриш мумкин: *Муйилишдаги супадада бир мўйсафид деворга суяниб, мудрагандек бир қуйда ўтирибди. Ёз кунда бошида ярғоқ телпак. Кўзи кўрмайди – ожиз. Ўзича мингирлаб хиргойи қилади. Ўзича маст. ... (Дарвоқе, бу кўҳна зотни биз “Эркак” фильмида ҳам учратганмиз)* (Эркин Аъзам, “Сув ёқалаб” киноқиссаси). Кўриниб турганидай, содда гап шаклидаги парантеза (унинг ичида ҳам *дарвоқе* тарзидаги кириш парантезаси бор) микроматннинг бошидаги гапдаги *мўйсафид* сўзи билан ифодаланган эга билан бевосита алоқаланган.

4. Қўшма гап шаклидаги парантеза эга билан бевосита алоқаланади: *Тошев Ҳиндистон Республикаси тузилган йили олдинга сурган бу фикрига оппонентлари (уларнинг кимлигини отаси очик айтмас, лекин Ҳакимовлар эканини Гавҳар сезиб турарди) сиёсий хато деб баҳо бердилар* (П.Қодиров, “Уч илдиз” романи). Гапдаги *уларнинг кимлигини отаси очик айтмас, лекин Ҳакимовлар эканини Гавҳар сезиб турарди* боғланган қўшма гапи шаклидаги парантеза асосий гапдаги *оппонентлари* сўзи билан ифодаланган эга билан алоқаланган ва уни мазмунан тўлдирган. Парантезасиз мазкур асосий гап, тайинки, содда гап, аммо айна қўшма гап шаклидаги парантезанинг у гап таркибига киритилиши билан мураккаб қўшма гапга айланган, яъни яхлит

гап учта содда гапнинг тенгланиш ва интродуктив муносабатлари асосида яхлитланган.

Қуйидаги мисолда ҳам қўшма гап шаклидаги парантеза иштироки билан мураккаб қўшма гап юзага келган: *Лекин шундай қилса ҳам, ўзига бино қўйган бу олифта бўш келмади (у прокуратурадан эмас, ҳаммани назорат қилувчи нозик ташилотдан келган, акс ҳолда, Шарановский уни аллақачон ҳайдаб юборган бўларди), Шарановский нутқини тугатар-тугатмасданоқ зиёфатни намойишкорона тарк этди* (О.Ёқубов, “Адолат манзили” романи).

5. Микроматн шаклидаги парантеза эга билан алоқаланади. Қуйидаги парчада микроматн шаклидаги парантеза асосий гапдаги *Ёрмат* сўзи билан ифодаланган эга билан алоқаланган: *Даставвал бу ерларда Ёрмат пайдо бўлди. (Аслида, унинг исми бошқа; маҳаллага ихтиёрий равишда кайвони бўлиб олган Саиджалол “Акахоннинг гумаштаси, ишбоши” деганидан кейин, “Қутлуг қон” даги бойнинг гумаштаси хаёлига келиб, домла уни ўзича Ёрмат деб атай бошлади) Бўйи Обид Асомдан сал тикроғ-у... (Эркин Аъзам, “Ёзувчи” ҳикояси).* Ушбу мисолда эса асосий гапдаги эга позициясидаги *хоним* сўзи микроматн шаклидаги парантеза орқали изоҳланган: *Ҳовли-ҳашам битиши арафасида бир куни ялтираган “Мерседес” ҳайдаб ажабтовур бир ёшгина хоним келди. (Ҳар балодан бохабар Саиджалолнинг кейин иштиштишича, акахоннинг кенжатой-эркатой хотинларидан экан. Бу ҳовли-ҳарам асли шу хонига атаб барпо қилинаётган эмиш)* (Эркин Аъзам, “Ёзувчи” ҳикояси).

II. Тўлдирувчи билан бевосита алоқаланган парантезалар ҳам структурал жиҳатдан турли кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Сўз шаклидаги парантеза тўлдирувчи билан бевосита алоқаланади: *Унинг хулосаси хато эди. Элчин бундай совға кутмаган, ҳатто орзу ҳам қилмаган эди. Агар истаса, нари борса, ярим йилда ўзи шундай машина сотиб олиши мумкин. Агар Зайнабда кўнгли йўқлигини бировга айтганида ҳам бу “совға”ни (ёки “қарз”ни) ўт қўйиб ёқиб юборса ёқиб юборардики,*

зинҳор-базинҳор қабул қилмасди (Тоҳир Малик, “Шайтанат” романи). Кўриниб турганидай, парантеза воситасиз тўлдирувчинининг (бу “совга”ни) маъносини изоҳлаб келган.

Воситасиз тўлдирувчи баъзи ҳолатларда белгисиз ҳолатда қўлланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда мазмуний жиҳатдан алоқага киришаётган парантеза ҳам белгисиз воситасиз тўлдирувчи қолипида бўлади: *Худо кушойишингизни берсин, омин облоҳу акбар. Ўғлининг қўлига тўрт дона чачвон (чиммат) тутқазди* (Ғ.Ғулом, “Фарзанди солиҳ” ҳикояси). Киритилган парантеза изоҳлаш маъносини билдириб келиши билан бирга уни ўзи алоқаланаётган тўлдирувчи билан эквивалент сифатида алмаштириб қўллаш ҳам мумкин. Бу нутқ фрагментининг мазмуний мундарижасига зарар етказмайди.

Кузатишларимиз натижаси ўлароқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, парантезалар ўзига хос тўлдирувчи функциясини бажариб асосий контекстдаги тўлдирувчи билан алоқаланганда аксарият ҳолатларда ўзи изоҳлаётган тўлдирувчи билан бир хил грамматик кўрсаткичга эга бўлади ва бир хил сўроқни қабул қилади: *Бирон бир аёл хиёнат кўчасига кирса, эридан (Худодан эмас!) қўрқади. Оиласи бузилишидан чўчийди... Зайнаб у тоифадан эмас. Эридан ҳам, оиласи бузилишидан ҳам қўрқмайди* (Тоҳир Малик, “Шайтанат” романи). *Рақам офтобда ҳам, қор-ёмғирда ҳам ўчмайдиган қора лак билан (“Кузбаслак” билан) ёзилади* (Саид Аҳмад, “Сароб” ҳикояси).

2. Сўз бирикмаси шаклидаги парантеза тўлдирувчи билан бевосита алоқаланади: *У олайган кўзлари билан хотинига (хотинига эмас, унинг сиймосидаги ўзига!) еб юборгудек тикилди* (Хуршид Дўстмуҳаммад, “Этакдаги уй” ҳикояси). *Эрталаб музлатгични (унинг бирдан-бир бойлиги) очиб кўриб, нонуштага арзигулик ҳеч вақо йўқлигини кўриб, таъби хира бўлди* (Зулфия Қуролбой қизи, “Муҳаббат ва нафрат” ҳикояси).

Баъзан бадиий контекстда муаллиф истеъмол доираси чегараланган лексикага оид сўзларни қўллаш орқали ҳам бадиий-эстетик ниятини

ифодалайди. Жумладан, шевага хос сўзларни келтириш асносида нутққа маҳаллий колорит бахш этади ва китобхон кўз ўнгида қаҳрамоннинг қиёфаси тўлалигича намоён бўлишига эришади. Ёзувчи ушбу сўзларни кенг оммага тушунарли бўлиши учун уларнинг сўз бирикмаси шаклидаги эквивалентини ҳам киритма ҳолида келтиради: *Ўчоқда ўт туташиб кетгандан кейин кампир ўтовга кириб иккита қовоқ манак (бўза қуйиладиган идиш) да бўза келтириб қўйди* (Ғ.Ғулом, “Шум бола” қиссаси). *Фақат бемор муштини ёза олмаслик даражасига борган, қонсираб ҳушидан кетган эди. Жароҳат ўрнига қов (қуйдирилган пахта) қўйди* (Ғ.Ғулом, “Луқмон” ҳикояси).

3. Содда гап шаклидаги парантеза тўлдирувчи билан бевосита алоқаланади. Содда гап шаклидаги парантезалар тўлдирувчи билан мазмуний алоқага киришиб, таъкид, қўшимча маълумот бериш каби муаллифнинг субъектив муносабатларининг ҳосиласи сифатида ўринлашиши билан характерланади: *Расул ҳар сафар қишлоққа борганида Шоввоз албатта қўй сўйиб кутмасдан юбормас, бу меҳмондорчиликка аксар ҳолларда Музаффар Фармонни ҳам (у пайтларда Музаффар ҳозиргидай “Даштсарой” да эмас, районда ишларди) хотини Соҳибахон билан қўшиб чақирарди* (О.Ёкубов, “Оққушлар, оппоқ қушлар” романи). *Бакир ҳозир ана шу мудҳиш воқеани эслаб, қайнопасининг жодугарга (агар у, ростдан ҳам, жодугар бўлса!) учраганига бир ҳисобда имон келтирди* (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси).

4. Қўшма гап шаклидаги парантеза тўлдирувчи билан бевосита алоқаланади: *Келин-куёв йўлда бозорга кириб, гастрономдан “Птичье молоко” тортидан (“Барноша буни кўрса, ўлиб қолади!”) ва бир қучоқ чамандек телтаксимон хризантема харид қилдилар* (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси).

Айнан шу вазиятдаги парантезалар тўсиқсиз эргаш гап қолипиди ҳам матнга киритилиши мумкин. Бунда парантеза ўзи алоқаланаётган тўлдирувчида ифодаланаётган ҳаракатнинг юзага чиқишидаги шартнинг

асосий гапдаги ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиши учун тўсиқ бўлмаслигини билдиради: *Маржоной... ўзини қаяққа қўйишни билмас эди. Шу аҳволда пешинганча аранг чидади, кейин юраги ўйнайверди, ўйнайверди-ю, идорага бориб шаҳарга сим қоқишга (гарчи кимга сим қоқишни тасаввур этмаса ҳам) аҳд қилди.* (О.Ёқубов, “Адолат манзили” романи). Тўсиқсиз эргаш гап қолипдаги парантезада тўсиқсиз шартни таъкидлаб, бўрттириб кўрсатиш учун *гарчи* сўзи ҳам ишлатилган.

Айрим ҳолларда қўшма гап шаклидаги парантеза асосий гап таркибидаги феълнинг функционал шакллари (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи каби) бошқарган конструкция ичидаги нофункционал тўлдирувчилар билан ҳам алоқаланиб, уларни изоҳлаши мумкин: *У кезлардаги севикли Тепакали (энди у росмана калга айланган, лекин ҳар жиҳатдан ҳар қанақа жингалак сочлидан афзал эди) билан ўтган ширин дамларни – биргаликда “улуғ пойтахтга” сафарлар, биргаликда Қора денгиз соҳилларига истироҳатларга боришларни эслаб, Мафкурахоним гоҳида бугунги бор мансабу мартабасини ўшандаги лазиз дақиқаларга алмаштириб юборишга тайёр сезади ўзини* (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси). Мисолдаги *Тепакали билан* сўз шакли сифатдош бошқарган конструкция ичида нофункционал тўлдирувчи бўлиб, қўшма гап шаклидаги *энди у росмана калга айланган, лекин ҳар жиҳатдан ҳар қанақа жингалак сочлидан афзал эди* тарзидаги парантеза орқали изоҳланган.

5. Микроматн шаклидаги парантеза тўлдирувчи билан бевосита алоқаланади. Муайян ҳолатларда ёзувчи муҳим деб ҳисоблаган ахборотларнинг маълум қисмини парантеза шаклида фақат ўзи алоқаланаётган тўлдирувчи билан мазмунан боғлаган ҳолда контекстга пунктуацион белгилар ёрдамида ажратиб киритади. Бундай ҳолатларда парантеза микроматн шаклида бўлади. *1917 йилнинг бошларида Юсуфжонбой қаерга ишлатишни ўйлаб кўрмаган ҳолда, бирор фойда бўлиб*

қолар умиди билан Москва тарафдаги бир купецнинг тавсияси бўйича ўн уч вагон опоркани арзимаган баҳога сотиб олди.

(Опорка деганимиз – этикнинг қўнжси тарафи эмас, бош қисмидир. Ўлган солдатларнинг оёқларидаги этикларини ечиб олиб, қўнжсини кесганлар-да, бош тарафини кераксизга чиқарганлар, опорка ана шу улоқтирилган қисми.) (Ғафур Ғулом, “Ҳажи қабул бўлди” ҳикояси).

Келтирилган асосий матндаги от билан ифодаланган тўлдирувчини (опоркани) муаллиф батафсил баёнини келтириш асносида парантеза характеридаги микроматнга мурожаат қилган. Айни шу микроматн кўринишидаги парантеза ёзувчининг изоҳлаш, қўшимча ахборот бериш каби бадиий мақсадларини намоён қилган.

III. Аниқловчи билан бевосита алоқаланган парантезалар ҳам структурал жиҳатдан турли кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Сўз шаклидаги парантеза аниқловчи билан бевосита алоқаланади: *Оиламиздаги катталарнинг (менинг ҳам) шу кунларда кўнглидаги ният ўша тантанани тезроқ ва ҳамма кўрса, ҳавас қилгудек тўкинроқ қилиб ўтказиш эди* (А.Исломов, “Соғинч” ҳикояси). Сўз-парантезанинг грамматик шакли мазкур мисолдаги каби аниқловчи позициясидаги сўзнинг грамматик шакли билан бир хил бўлиши ҳам (қаратқич келишиги), қуйидаги мисолдаги каби бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин: ...*Нимадир экишгаётган қизил кўйлакли қиз-жувонлар-у улар қошида гўдайишиб гурунглашиб турган (аксари) қора чопонли эркекларга кўзим тушди* (Ш.Холмирзаев, “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” ҳикояси).

2. Сўз бирикмаси шаклидаги парантеза аниқловчи билан бевосита алоқаланади: *Этак томондаги уйнинг (Омоннинг уйи) деразалари очиб қўйилган, сарғиш дарпарда осилиб турар, аммо ичкарида ҳеч ким йўқлиги аниқ эди* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи). *Рашид абзининг мўрчасидан Фотима-Зухра келин қайтаётганимизда, Кимсан акам Очил акамни урмоқчи бўлганида, Шомурод тоғамнинг (энди менинг эрим бўлиб*

қолган Шомурод аканинг) никоҳ тўйи куни иккаламиз Тошкентга томошага борганимизда . . . юлдузим ёнимда эди (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи). Кўриниб турганидай, асосий гапдаги аниқловчи ва парантезанинг грамматик шакли бир хил (қаратқич келишиги). Бу ҳолат, албатта, доимий эмас, мазкур грамматик шакллар ҳар хил бўлавериши ҳам мумкин. Қуйидаги мисоллар шу ҳолатнинг далилидир: *Ёмғир аллақачон тиниб, энди шу сокинликка мос шабада эсар, уйғонаётган дов-дарахтларнинг намхуш (елимни эслатувчи) ҳиди келар, бечора ой эса булутларни олдидан ўтказар... эди* (Ш.Холмирзаев, “Булут тўсган ой” ҳикояси). ...*Шу оддийгина костюм-шимни беш-олти йиллаб киядиган, хотинининг заҳар-заққум (айниқса, пул масаласида) гапларини жим туриб эшитадиган мўмин-қобил кишини Францияда ҳам танишса?! (Зулфия Қуролбой қизи, “Ёвузлик фариштаси” ҳикояси).*

Баъзан парантеза асосий гапда ифодаланмаган аниқловчининг маъносини ифодалаш учун ҳам қўлланади, бунда парантезанинг аниқловчи маъноси алоҳида таъкид олади: *Бийдек дала, пахтазор. Юз қадамча нарида, марза бошида прицеп турибди (Ҳозир йўлни кесиб ўтган прицепга ўхшаган)* (Ў.Ҳошимов, “Ўзбек иши” ҳикояси). Мазкур парантеза асосий гапда эга (*прицеп*)нинг ифодаланмаган аниқловчисининг маъносини компенсация қилган.

3. Содда гап шаклидаги парантеза аниқловчи билан бевосита алоқаланади: *Саломатхоннинг дадаси, соқол-мўйловидан тегирмон гарди аримайдиган (у киши қишлоқда тегирмончилик қиларди) қора қош, қора кўз, хушсурат мўйсафид қизининг пешонасидан ўпиб хайрлашди* (Саид Аҳмад, “Излайман” қиссаси). Мисолда эганинг (*мўйсафид*) ўзига хос хусусиятларини аниқлаб келаётган кенгайган бирикмали сифатловчи-аниқловчи (*соқол-мўйловидан тегирмон гарди аримайдиган*) билан содда ёйиқ гап шаклидаги парантеза алоқаланган.

Ёзувчи нияти билан матнга киритилган парантезалар содда йиғиқ гап қолипида ҳам бўлиши мумкин. Жумладан: *Олдинги қатордан умри пардоз-андоз деб ўтган, сочи ҳамон қоп-қора (бўялган), ёшлигида ўлгудек шайтон, жипилдоқ бўлгани аён кўриниб турган читтак бир кампир жойидан туриб, узоқ-яқинга алланечук завқ ва ҳафсала билан роса таъзим қилиб чиқди* (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси).

Келтирилган асосий гапдаги сифатловчи-аниқловчи (*сочи ҳамон қоп-қора*) содда йиғиқ гап шаклидаги парантеза билан алоқаланган. Бу аниқловчи *кампир* сўзи орқали ифодаланган эга билан боғланган, мантиқан кампирнинг сочи қора бўлиши мумкин эмас, шунинг учун изоҳ лозим. Изоҳ эса *бўялган* парантезаси воситасида берилганки, унинг аниқловчига бевосита дахлдорлиги очиқ кўриниб турибди.

Асосий гапдаги аниқловчи маъносига гап шаклидаги парантезанинг конкрет аниқлик киритиши кўп кузатилади. Масалан: *Э.Сафарнинг муваффақиятсизликка учраган (фактлари тасдиқланмади!) танқидий мақоласидан кейин ҳамма “Каттаконнинг кучуги” деб атай бошлаган бу махлуқ аслида жимитдеккина лайча ёки жўн-жайдари кўппак эмас, нақ йўлбарсдек келадиган бир балo!* (Эркин Аъзам, “Аралашқўрғон” ҳикояси). *Муваффақиятсизликка учраган* тарзидаги аниқловчи парантеза воситасида янада аниқлаштирилган.

Мазкур ҳолатдаги парантеза баъзан аниқловчининг маъносига муайян муносабат ифодаси учун қўлланиши ҳам мумкин. Қуйидаги мисолда *Олия буни ўз кўзи билан кўрди* гапи парантеза ҳолатида асосий гапдаги *бир нақир* шаклидаги аниқловчи билан алоқаланган ҳамда унинг маъносига очиқ ва аниқ муносабатни ифодалаган: *Отақўзи дарвозадан кириб келди-ю, тўғри қудуққа ўтиб, салкам бир нақир (Олия буни ўз кўзи билан кўрди!), салкам бир нақир сув ичди* (О.Ёқубов, “Диёнат” романи). Яна мисоллар: *Нима қилдим? Нимани бажардим? Йигит-ялангинг арзини эшитдим (мингбоши, негадир, энди “юрт” дегиси келмайди)* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи).

Самолётга ўтиришдан олдин фарғоналик адиб, дўстим (Охирати обод бўлгур) Йўлдош Сулаймонга телеграмма бериб қўйгандим (Ж.Абдуллахонов, “Плаш воқеаси” хангомаси). Ва мен тилга олмоқчи бўлган (садқаи тилга олиш кетсин!) “диктатор амалдор” ҳам бошқа областларимиздан топилади (Ш.Холмирзаев, “Яшил “нива” ҳикояси).

4. Қўшма гап шаклидаги парантеза аниқловчи билан бевосита алоқаланади: *Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган (ё бирга келганми – буни билиш қийин эди!) Холидахон: - Шошманг, домлажон, қулоқ солинг гапимга! – деб йўлини тўсмоқчи бўлган эди (О.Ёкубов, “Диёнат” романи). Кўриниб турганидай, боғловчисиз қўшма гап шаклидаги парантеза сифатдош бошқарувидаги мураккаб бирикма билан ифодаланган аниқловчи билан алоқаланган ва унинг маъносини аниқлаштиришга кўмаклашган. Баъзан қўшма гап шаклидаги парантеза асосий гапдаги ўзи алоқаланган аниқловчининг маъносига муайян муносабатни ифодалаши ҳам мумкин, буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин: *Тоғамиз атайин биз билан маслаҳат қилгани келибди. Амиртепаннинг (бу номга энди ҳамма кўниккан, ҳатто қайсар тоғамиз ҳам!) қоқ тўғрисидаги баланд қирга чиқариб кўшксимон иморат солмоқчи экан, шунга менинг рухсатим керак эмиш (Эркин Аъзам, “Бизнинг тоға” ҳикояси).**

5. Микроматн шаклидаги парантеза ҳам аниқловчи билан алоқаланади: *Кўп ўтмай, Исоқ чол тўй ҳаракатига тушиб қолди. Кишлоқнинг энг олд бойваччаси Самандар тамакифурушнинг машинасини кира қилиб (Самандар тамакифуруш асли бу ерлик эмас. Олтмиш саккизинчи йилмиди, алақаёқдан кўчиб келиб қолганди. Ўшанда қўни-қўшинилардан бир косадан ун сўраб юрадиган хотинию жулдур кийинган бир этак боласи бор эди. Самандар пишиққина экан, тез орада тамаки орқасидан бойиб кетди. Мана энди унча-мунча одамни писанд қилавермайди. Аммо Исоқ чол машина сўраб борганида, ҳеч ўзини тарозига солиб ўтирмасдан, дарров рози бўлди) шаҳарга зир қатнади (Зулфия Қуролбой*

қизи, “Тўхтаб қолган вақт сувратлари” ҳикояси). Кўриниб турганидай, олтига гапдан иборат микроматн шаклидаги парантеза асосий гапдаги *Самандар тамакифурушининг* аниқловчиси билан алоқаланган ва унинг мазмунига кўшимча анчайин батафсил маълумот киритган.

IV. Ҳол билан бевосита алоқаланган парантезалар ҳам структурал жиҳатдан турли кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Сўз шаклидаги парантеза асосий гапдаги ҳол билан алоқаланади: *Ёруғ тушмайдиган, ташқаридан тиқ этган товуш келмайдиган якка зимистон хонада (одиночкада) ётгандим* (Саид Аҳмад, “От билан суҳбат” ҳикояси). Гапдаги ўрин ҳоли орқали ифодаланган жойнинг халқ орасида тарқалган номи “одиночка” парантеза сифатида асосий гапга олиб кирилган, натижада таъкидли изоҳ юзага келган. Баъзан яна бошқа мақсад ҳам кўзда тутилиши мумкин: *Кундузи ухлайди-да, кечаси уйгоқ: гоҳо ўзидан-ўзи (балки қўрққанидан) ҳассаси билан эшик-деразани уриб, кимларнидир сўкади ва гўё аллакимлар билан гаплашади* (Ш.Холмирзаев, “Қадимда бўлган экан” ҳикояси). Асосий гапдаги *ўзидан-ўзи* сўз шакли билан ифодаланган сабаб ҳоли аниқ сабабни билдирмайди, парантеза (*балки қўрққанидан*) ҳам бу сабабни аниқлаштирмайди, аммо мазкур сабабни тахминлаб, кўпайтиради, шу тариқа ёзувчи гапнинг семантик ҳажмини ва таъсирчанлигини орттиришга эришган.

2. Сўз бирикмаси шаклидаги парантеза асосий гапдаги ҳол билан алоқаланади, бунда парантеза ҳол маъносини таъкидлаш, изоҳлаш, эслатиш каби вазифаларни бажаради: *Менга битилган хатни икки кун (икки кун-а!) сақлаб юрибсиз, ўша икки кун мобайнида хаёлан икки юз минг кўчага кеириб чиққанганимни тасаввур қиласизми?! (Хуршид Дўстмуҳаммад, “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси). Музаффарнинг яхши бир одати бор: у кечаси (айниқса, сўнгги пайтларда) ҳар хил хаёллардан ваҳима босиб, кўнгли нечоғлик гап бўлмасин, эрталаб ўрнидан сакраб туради* (О.Ёкубов, “Оққушлар, оппоқ қушлар” романи). *Бироқ ўпиш нияти ҳам эсдан чиқмасди.*

Ўпиш катта бир синовдек (Замирани қанчалик севишимни кўрсатувчи синовдек) кўринарди (П.Қодиров, “Уч илдиз” романи).

3. Гап шаклидаги парантеза асосий гапдаги ҳол билан алоқаланади: *Бир куни (биринчи курсда ўқир эдик) Музаффар одатдагидек бақатерак тагида хайрлашиб кетди (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи).* Парантеза асосий гапдаги *бир куни* бирикмаси билан ифодаланган пайт ҳоли билан бевосита алоқаланган ва шу ҳол мазмунига дахлдор қўшимча маълумотни ифодалаган.

Баъзан гап шаклидаги парантеза бадиий матндаги асосий гапда ҳол орқали ифодаланган сабаб, шарт, пайт, ўрин, тарз ва шу каби мақомлардаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш сабаби ёки унга алоқадор воқеа-ҳодисани ифодалаши мумкин. Масалан: *Студентлар балидан кейин Зокир Фаридани уйларига кузатиб келган ва бошқа ҳеч ким бўлмагани учун (Фариданинг ота-онаси янги йилни шаҳар четидаги оиналариникида кутиб, ўша ерда ётиб қолишганди) иккови бирга тунаганди (П.Қодиров, “Уч илдиз” романи).* Асосий гапдаги сабаб ҳоли позициясидаги *бошқа ҳеч ким бўлмагани учун* бирикмасида ифодаланган сабаб воқеанинг юзага келиш сабаби парантеза орқали ифодаланган, натижада таъкидли ифодага эришилган. Қуйидаги мисолларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин: *Маишраб қандайдир ёруғ ўйлардан кўнгли сув ичгандай бўлиб (у ёзган хатлар бекорга кетмади, ахир!) энди кўзи илинган экан, Қўчқорнинг турткисидан уйғониб кетди (О.Ёқубов, “Излайман” қиссаси).* *Ойим одатдагидай эчкининг елинқопини боғлаб (бўлмаса, боласи эмиб қўяди) арқонни қўлимга тутқазди (Ў.Ҳошимов, “Хуркитилган туш” ҳикояси).* *Ўсар Ҳожарга уйлангач (уйланганигаям йигирма йилдан ошди), ана шу эски уйчага тақаб бир даҳлиз ва бир меҳмонхона-ётоқдан иборат бошпана қуриб олган эди (Ш.Холмирзаев, “Қадимда бўлган экан” ҳикояси).* *Маишраб билан Акмал Комилнинг илтимосига кўра карвоннинг охирида (“бирорта жўжаҳўроз ўйқусираб қолиб кетмасин”) борарди (О.Ёқубов, “Излайман” қиссаси).*

4. Қўшма гап шаклидаги парантеза асосий гапдаги ҳол билан алоқаланади. Ҳол билан мазмуний алоқадорлик ҳосил қилишда қўшма гап шаклидаги парантезалар ҳам асосий ўринни эгаллайди. Масалан: 1) *Қисмгача элик чақиримдан кўп. Бир қўлим билан жағимни чангаллаб, бир қўлимда автоматим солинган сафар сумкасини ушлаган кўйи йўл-йўлакай инқиллаб бордим. (Қоида шунақа: ҳар қандай вазиятда ҳам қўлдан қуролни қўймаслик керак)* (О.Ёқубов, “Излайман” қиссаси). 2) *Унинг бугун имтиҳонга шу кўйлакда келаётганини Маҳкам кўрган эди. Ўзи оддий кийингани учун (унинг биттаю битта шойи кўйлаги бор эди, уни ҳам кеча ювдиришга берган, ҳозир коломенка шим-китель кийиб чиққанди) Гавҳарнинг ҳам жўн кийинишини жуда ёқтирарди* (П.Қодиров, “Уч илдиз” романи). Биринчи мисолда равиш ҳоли (*Бир қўлим билан жағимни чангаллаб, бир қўлимда автоматим солинган сафар сумкасини ушлаган кўйи*)га аниқлик киритиш мақсадида боғловчисиз қўшма гап шаклидаги парантеза киритилган. Маъноси изоҳланаётган равиш ҳоли билан алоқаланаётган боғловчисиз қўшма гап қолипидаги парантеза шундай киритилганки, улар ўз мазмуни билан бири иккинчисининг таркибий қисмига айланган ва яхлит ҳолда изоҳ муносабатини ифодалаган. Иккинчи мисолда эса асосий гапдаги сабаб ҳоли (*Ўзи оддий кийингани учун*)ни мураккаб қўшма гап типидagi парантеза билан алоқага киришганини кўриш мумкин.

IV. Кесим билан бевосита алоқаланган парантезаларнинг кўпроқ содда гап, қўшма гап ва микроматн шаклида бўлиши кузатилади.

Содда гап қолипидаги парантезаларнинг кесим билан мазмуний уйғунлик ҳосил қилиши бадий матнда кўп миқдорни ташкил этади: *Кейин Чилонзор келди. Йўлнинг шундоққина бўйида оқиш япроғини чанг босган, тиканлари “тиш қайраб” турган чакалакзор – чилонжийдалар (шунинг учун бу ерни Чилонзор дейишади).* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи). Келтирилган мисолда парантеза содда ёйиқ гап шаклида бўлиб, от кесим

билан мазмуний яқинлашган, аниқлик киритиш, изоҳ бериш каби қўшимча маъно юзага чиққан.

Парантез конструкциялар содда йиғиқ гап шаклида киритилиб, феъл кесимида кўзга ташланмаган субъектив модалликни тингловчига рўй-рост намоён қилади: *Бу жиҳати мендан ўтганмикан деса, Элчиев унақа эмас, табиатан дали-ғули, суюнса – етти маҳаллага жар солгудек, куйинса ҳам бир кун ичига ютади, икки кун ютади, ахийри, очиқ-ошкор портлайди. (Мана, портлаб ётибди-ку!) Ишқилиб, шу қизнинг бир дарди бор (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси).*

Муаллиф контекстда асар бадииятини таъминлаш мақсадида гап бўлакларини тушириб қолдиради. Парантеза (содда ёки қўшма гап шаклида) эса ана шу матнда ифодаланмаган бўлакка аниқлик киритиш, матннинг мазмуний бутунлигига путур етказмаслик ниятида киритилади: *Лекин, ҳамон сунъий кулимсираб: - Ҳа, тозаланаётибди, - деди. – Энди қолганини бирга тозалайлик. Ҳар қандай раҳбарга ҳам сиздай юз-хотирга бормайдиган бир . . . (Зуфар Ҳакимович “маслаҳатчи” демоқчи эди, лекин озлик қиладигандай бўлди), бир мададкор керак (П.Қодиров, “Уч илдиз” романи).* Келтирилган матнда от-кесим ифодаланмаган, парантеза эса содда ёйиқ гап функциясида ўринлашиб от-кесимнинг мазмунини ўзида мужассам этган ва натижада бутун контекстнинг мазмуний мундарижасига аниқлик киритилган.

Қўшма гап шаклидаги парантезалар ҳам кесим билан мазмуний боғланиши, кесимдан англашилган мазмунни изоҳлашга ёки сўзловчининг кесим мазмуни ҳақидаги баҳосини кўрсатишга хизмат қилиши мумкин: *Қоши қалин, қоп-қора (ойим пардоз қилмас, аммо “қош сув ичади” деб ўсма қўярди). Тушундим. Демак, тоғамникига борамиз (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси).*

Микроматн шаклидаги парантеза ҳам асосий гапнинг кесими билан алоқаланиши мумкин. Бадиий нутқда баъзан муаллиф тингловчи учун муҳим бўлган қўшимча ахборотни асосий гап таркибида беришни ҳохламайди, уни

микроматн кўринишида, алоҳида абзац сифатида контекстга киритади: *“Нега, домла? Домла бўлгач, хомтоку пайванддан бошқа яна бирор ҳунар ҳам керак-ку? Ия, шундай ҳунар бор-ку ўзи!”*.

(Келинг, биз ҳам уни “домла” деб атай қолайлик. Яхшидир – ёмондир, бир адибни, “домла” атасак, ростакан домлалар мартабасидан тушиб қолмас! У ёғини айтсангиз, ёзувчи қавми ҳам аслида муаллим: адабиётни сев дейди, яхши бўл, ёмонликдан тийил, дейди! Мабодо уни бошқа бирор ном билан атагудек бўлсангиз, бу тангу тор, майдаган даврада дарров “Кимни ёзибди экан? Нима дебди?” қабилидаги ҳар хил шубҳа-гумонларга ботиб юрасиз – кимга зарил?! Домла, домла, вассалом! Домладан кўпи борми? Салла ўрагани ҳам, салласиз ваъз айтгани ҳам - домла-да!) (Эркин Аъзам, “Ёзувчи” ҳикояси). Келтирилган бадий контекстда от-кесим (домла)нинг моҳияти, айнан нима сабабли шу лақабнинг танланишига микроматн қолипдаги парантеза ойдинлик киритган. Парантеза фақатгина от-кесим маъносини изоҳлабгина қолмасдан, балки бутун матн мазмуни билан алоқаланган.

Микроматн кўринишидаги парантезалар асосий гапда ифодаланган феъл-кесим билан алоқаланиб, мазмуний контрастлик муносабатларини ҳам ҳосил қилиши мумкин: *Хотин ҳамон оғзидан кўпик сачратиб қўшқўллаб тиззасига шапателилар, аммо йигламас эди. (Йигласа яхши бўларди... Ҳар қалай, кўнгли эрийди... Тил-забони очилади.) Хотин борган сайин авжга минар, ҳали-вери жағи тинадиганга ўхшамасди* (Ў.Ҳошимов, “Ўзбек иши” ҳикояси). Қуйидаги парчада ҳам ана шундай ҳолатни, тўғрироғи, икки нуктаи назар ўртасидаги контрастликни кўриш мумкин: *...Беш тийин нима, қаерларда тушиб қолмайди? Қурумсоқ экан!*

(Йўқ, уни истаган нарсада айблаш мумкиндир, лекин зиқна, майдакаш деб бўлмайди. Асло. У ҳар қандай пулга қўлнинг кири деб қараган. Зиқна ёки баъзи бировлардек тутумли, уddaбурон бўлганида, елкасини қисиб юрмасди бундай. У ўша хушрўй сотувчининг муомаласига, сурбетлигига тоқат

қилолмади, холос. Қўл силтаб ўтиб кетаверса ҳам бўларди-ю, хуноб аҳволдалиги учунми, бирдан ўзини тутолмай қолди) (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси).

Хуллас, бевосита гап бўлаклари билан алоқаланган парантезаларнинг бадиий матнда қўлланиши жуда хилма-хил ва мураккаб, юқорида кўриб ўтилган ҳолатлар уларнинг асосийларидир, холос. Ёзувчининг бадиий ниятига уйғун ҳолатда бунда бениҳоя кўп хусусий ҳолатларнинг мавжудлигини биз асло инкор этмаймиз.

2.1.2.Бевосита гап билан алоқаланган парантезалар

Парантезалар контекстда ёзувчининг лингвопоэтик мақсади билан турли синтактик қолипларда нутқ ичида ўринлашади ва мазмуний жиҳатдан яхлитлик ҳосил қилади, турли мазмунларни таъкидлайди, қўшимча маълумотларни ифодалайди. Парантез конструкциялар гап билан бир мазмун чизиғида туташади ва натижада ёзувчининг кўзда тутган лингвопоэтик мақсади матн муҳитида намоён бўлади. Парантезалар содда гап билан ҳам, қўшма гап билан алоқаланиши мумкин.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозимки, яхлит гап билан алоқаланадиган парантезалар структурал жиҳатдан сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклларида бўлавериши мумкин. Аммо яхлит гап билан алоқаланадиган айниқса, сўз ва сўз бирикмаси (баъзан гап) шаклидаги парантезаларнинг кўпроқ киришлар характерида бўлишини таъкидлаш керак. Масалан, *дарҳақиқат, чиндан ҳам, афсуски, демак, хуллас, тўғри, начора, аксинча, умуман, шундай қилиб, бизнинг тахминимизча, гап шундаки, ростини айтсам* каби бир қанча киришлар позициясида келадиган сўз ва бирикмалар борки, улар аксарият ҳолатларда бевосита яхлит гап билан алоқаланади. Битта мисолни кўрайлик: *Дарҳақиқат, уларнинг кўзлари Азизхоннинг чаққон ҳаракатларида, ажиб бир энчиллик билан сепоядан сепояга ўтишига*

қадалган эди (Саид Аҳмад, “Қирқ беш кун” романи). Мисолдаги *дарҳақиқат* кириш-парантезаси яхлит гап билан бевосита алоқаланган. Айни пайтда бу кириш-парантеза матндаги олдинги гаплар билан ҳам мазмунан боғлиқ, акс ҳолда, яъни олдинги гаплар инобатга олинмаса, *дарҳақиқат* сўзи ўзининг маъно-моҳиятини намоён қила олмайди. Олдинги гаплар эса қуйидагилар: *Азизхон қайси сепояни бостириш қийин бўлса, ўша жойга сузиб борар, бутун полвонлик кучини ишлатиб, ходани сув тағига санчарди. Ора-сира тепада турган ҳукумат раҳбарларига, кўряписизларми, қойил қиялманми, дегандек қараб қўярди*. Мазкур парантеза муайян модал муносабат ифодалашни баробарида ўзи бевосита алоқаланган гап билан олдинги гапларни мазмунан (ҳатто шаклан ҳам) боғлашга ҳам, яъни матнни шакллантиришга ҳам хизмат қилган. Бошқача айтганда, мазкур ҳолатлардаги кириш парантезаларнинг таъсир доираси фақат ўзи бевосита алоқаланган гап билангина чегараланиб қолмайди, балки матндаги бошқа гаплар билан ҳам анчайин зич семантик муносабатда бўлади.

Қуйидаги мисоллар ҳам айтилганларни далиллайди: *Хуллас, бутун маҳаллага донги кетган Наим сартарошнинг жамики ашёлари шу сумкада жойлашган* (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси). *Ниҳоят, перроннинг у бошидаги қари мажнунтол остидаги ташилдиқ бир будка ёнидан елкасига қора сандиқча осган, қўлида курсича, новча киши чиқиб Каримага томон келаверди* (Абдулла Қаҳҳор, “Синчалак” қиссаси). *Шундай қилиб, Қаландаров “Бўстон”га раис бўлганидан бери правление мажлиси тарихида биринчи мартаба унинг таклифи ўтмади* (Абдулла Қаҳҳор, “Синчалак” қиссаси). *Шуниси эсимдаки, у сўлаги сачраб кетган лабини артиб қандайдир ғайритабиий, беҳаё илжайди-да, индамасдан чиқиб кетди* (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси). Бундай ҳолатлар кенг тарқалган, аммо баъзан ёзувчининг бадий нияти билан боғлиқ ҳолда логик урғу ўрнини алмаштириш натижасида бир қадар бошқачароқ ҳолат ҳам кузатилиши мумкин.

Содда гап шаклидаги киритма-парантезаларнинг содда гаплар билан алоқаланиши натижасида ҳам матнга аниқлик кириши мумкин. Бундай ҳолларда парантеза ўзи алоқаланаётган содда гапнинг англатган маъноларига изоҳ бериш, тўлдириш, биргаликда тугал маъно ифодалаш учун хизмат қилади: *Бугун худди шунақалардан биттаси кирди. Қабул куни эмас эди. Ўн минутдан кейин медицина бўйича кенгаш чақириб қўйган эдим. (Касалхонадан бир врач пора олиб операция қилаётгани ҳақида шикоят тушган эди)* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи).

Баъзи ҳолатларда содда ёйиқ гап шаклидаги парантеза алоқага киришаётган содда ёйиқ гап орқали ифодаланган мазмунга зид бўлган, кутилмаган мазмунни ифодалайди: *Демократия деган гап чиқди-ю яна умид чирोगи ёнгандай бўлди. (Ана шу умид чирогининг охир-оқибат уйларга ўт қўяжagini ким ўйлабди?) Юрагида ўти борлар Москвага қатнай бошлашди. Кўпчилик Ватанга қайтажасига ишонарди* (Тоҳир Малик, “Шайтанат” романи).

Баъзан қўшма гап шаклидаги парантеза содда гап билан алоқаланади: *Эшитилмаган бир қизик, афсонавий ҳикояни бошлаб, қизик бир жойига келганда тўхтатиб қўйди. (Бу чўпчакни батафсил айтиб ўтириш кўп вақтни олади, шунинг учун уни гапириб ўтиришининг ҳождати йўқ)* (Ғ.Ғулом, “Шум бола” қиссаси).

Кўчирма гапли қўшма гап шаклидаги парантезалар ҳам содда гаплар билан алоқага киришиб, муаллифнинг муҳим коммуникатив муддаоларини ифодалаб беради: *Ўзим мадрасада ўқир эдим, ҳозир таътил вақти бўлгани учун бир оз пул топиш мақсадида мардикор ишлаш учун сафарни ихтиёр қилган эдим. (Яна ичимда, бу ерда ҳам гассоллик хизмати чиқиб қолмаса яхши эди, деб ўйлар эдим)* (Ғафур Ғулом, “Шум бола” қиссаси).

Содда гап билан алоқаланган парантезалар шарт эргаш гап қолипиди матнга киритилиб, асосий гап эса парантезанинг бош гапи вазифасини бажаргандай бўлиши ҳам мумкин. Чунки шарт эргаш гап шаклидаги

парантезалар мазмунан тугалланмаган бўлади: *“Губа”га тушишимга бир баҳя қолди. Худо ярлақаб, қисмга келган эдим. Онда-сонда постдан қисмга келиб-кетишга рухсат бўлади. (Ўшанда ҳам “карвон”га қўшилишга ижозат тегса). Постдагиларга почта, сигарет, лезвие, совун дегандек майда-чуйдаларни олиб келиш сенинг зимманга тушади (Ў.Ҳошимов, “Тушда кечган умрлар” романи).*

Содда гап шаклидаги парантезалар асосий гап сифатидаги қўшма гаплар билан ҳам алоқаланиши мумкин. Бунда ҳам қўшимча маълумот, изоҳ, баҳо каби маънолар ифодаланиши кузатилади: *Ойим бир нима деяётган бўлса керак (унинг овози эшитилмас эди), Сулаймон Акрамович бир неча дақиқа сукут қилди (О.Ёқубов, “Муқаддас” қиссаси). Ҳа, Суюн бургут билади, жазм этган иши ҳар бир мусулмон учун (алҳамдулиллоҳ, у мусулмон!) гуноҳи азим эканини дил-дилидан англайди (А.Ёқубов, “Адолат манзили” романи). Қолган минг сўмини ёруғ дунёдан кўз юрсам (начора, ўлим ҳақ!), маросимига яратгин (О.Ёқубов, “Диёнат” романи).*

Қўшма гап шаклидаги парантезалар қўшма гаплар билан алоқаланиши турли коммуникатив-прагматик вазифаларни бажариши мумкин: *Шохдор она буги авлодлари орасида шундай кишилар пайдо бўлдики, улар буги шохларидан ўлжа йиғишни ва пуллашни ҳунар қилиб олдилар. (“Э бўтам, пул ҳукмрон бўлган жойда эзгу сўзга ўрин йўқ, гўзаликка ўрин йўқ”) (Ч.Айтматов, “Оқ кема” қиссаси).*

Баъзан микроматн шаклидаги парантеза гап билан алоқаланиши мумкин, бунда кўпинча муайян умумий мавзу асосида бирлашган қўшимча маълумотлар ифодаланади ёки бошқа бировнинг фикрлари келтирилади: *...Ўзининг бобоси кўкнорнинг кайфида момоси билан гижиллашиб, аммасининг чорбоғига кўчиб кетибди (“Мени бошқа нарса ўйлантиради. Уккагар бобонинг бир сандиқчаси бор. Бошининг остига қўйиб ётарди доим. Гап кўп-да унда. Олиб кетди! Ўшандан умид катта эди”) (Эркин Абзам, “Анойининг жайдари олмаси” ҳикояси). ...Шўрликнинг тамоми жойи*

қорайиб кетган, бошлари ёрилган, кўз дабдала, тишлар синган... (Майли, уришсин эди, яна калтаклашсин эди, уларга шу керак экан, улар шунга қодир экан, майли, қўллари, оёқларини уриб синдиришсин, эт-суягини мажақлашсин эди бирйўла! Унга бошқа нарса алам қилади: юраги абгор бўлди, юраги! Золимлик, зўравонлик, ҳақорат эзди уни. Энди одамлардан, хотини, болаларидан уялади у, мудом хижолатда юради!) (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси).

2.1.3.Бевосита микроматн билан алоқаланган парантезалар

Парантезалар микроматннинг мазмуний талабига кўра турли структурал шаклларда бўлиши ва матн таркибида ўринлашиши мумкин.

Тузилиши жиҳатидан содда гап қолипидаги парантезалар контекстда келтириляётган микроматнга изоҳ ва қўшимча маълумот бериш мақсадида қўлланади: *“Китоб ўқигин, ҳа-а, ўқийвер, ёғи чиқади. Отангни бекитиб қўйган газнаси бор! Қайнаб чиқяпти. Сени ўйлантиради, бола-чақанг билан қўшиб боқади! Тур ўрнингдан, қулупнайни чопиқ қил! Эртага бозорга опчиқиб сотсанг, кунингга шу ярайди!” (Отасининг асаби чатоқ эди.) (Ў.Ҳошимов, “Хуркитилган туш” ҳикояси).*

Қўшма гап шаклидаги парантезалар ҳам микроматн билан мазмуний алоқаланиши, яхлитланиши мумкин: *Қанча мол сўйилди, қанча қимиз ичилди, қанчалаб қаиқарча ноз-неъматлар берилди, саноғига етиб бўлмасди. Бойнинг ўғиллари гердайиб юришарди: ахир отадан битмас-туганмас мерос қолганлигини, фарзандлар отасини қандай ҳурматлаб, унинг хотирасини қандай эъзозлашларини одамлар кўриб қўйсин-да. . . (Э бўтам, одамлар ақл ўрнига бойликни кўз-кўз қилишса, бу қандай ярамаслик.) (Ч.Айтматов, “Ок кема” қиссаси). Бойнинг мақтанчоқ ўғиллари боиқаларни лол қолдиришини, шухратлари оламга ёйилишини орзу қилишди. Яна бунинг устига мангу уйқуга кетган шавкатли оталари Шохдор она буги авлодидан эканлигини*

ҳамма билиши учун унинг қабрига буги шохини ўрнатишни ўйлаб топилди. (Э бўтам, қадимги одамлардан қолган гап бор: бойлик такаббурликни, такаббурлик эса – телбаликни туздиради) (Ч.Айтматов, “Оқ кема” қиссаси).

Микроматн қолипидаги парантезанинг асосий микроматн билан алоқаланиши ҳам муаллифнинг кўзда тутган бадиий мақсадларининг ифодаланишида муҳим омил ҳисобланади. И.Тошалиев микроматн қолипидаги парантезаларни “мураккаб киритмалар” деб номлайди.¹³⁴ Биз эса “микроматн” атамаси билан аташни маъқул кўраемиз. Микроматн шаклидаги парантезаларнинг бадиий нутқ парчасида “бегоналиги” шундай кўриниб туради. Улар одатда муаллиф ёки бошқанинг нутқи тарзида микроматн билан алоқаланиб, ҳикоя қилинаётган воқеага муносабатни, кўшимча изоҳни билдириши мумкин: *Чийдухоба асли яхши нарсая, чиллак ўйнагандами, копток тепгандами, бир думаласанг, ора-орасига лой кириб кетиши ёмон. Уч кунда бир ювавериб, онамнинг эси кетади. (Худди шу чийбахмал замонлар ўтиши билан бутун Европага мода бўлишини дадам хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Унинг бу чийдухоба “камбағалбон кийим” эди, холос) (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси).*

Айтиш мумкинки, микроматн билан бевосита алоқаланадиган парантезалар, асосан, гап ёки микроматн шаклида бўлади. Табиийки, сўз ёки сўз бирикмаси шаклидаги парантезанинг микроматн билан алоқаланиши микроматндаги структур-композицион ва мазмуний боғланишларнинг ўзига хослиги, ҳатто мураккаблигига кўра деярли мумкин бўлмайди.

¹³⁴ Тошалиев И. Кўрсатилган диссертация.-Б. 155.

Боб бўйича хулосалар

1. Парантезаларнинг кириш ва киритма турларининг семантикаси ва бу семантиканинг намоён бўлиш жиҳатлари фарқли ва ўзига хосдир. Киришларнинг аксарияти бошқа тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам муайян сўз, сўз бирикмаси ёки гап шаклида турғунлашган, муайян бир маъно-мазмун, субъектив-модал муносабат ифодаси учун хосланган. Шунинг учун уларни семантик гуруҳларга ажратиш мумкин. Аммо киритмаларда ифодаланадиган қўшимча маълумот, умуман, маъно-мазмунни конкрет гуруҳларга ажратиб бўлмайди. Чунки уларда инсон, табиат, жамият, умуман, ҳаётнинг барча соҳаларига оид мазмунлар ифодаланадик, уларни конкрет семантик гуруҳ тарзида таснифлашнинг имкони йўқ, фақат қўшимча маълумот, изоҳ-тушунтириш, экспрессив-баҳо ифодаловчи киритмалар тарзида уч асосий типини фарқлаш мақсадга мувофиқ.

2. Асосий гап (ёки матн) ва парантеза ўртасидаги мазмуний-мантикий ва лексик-грамматик алоқа хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бизнингча, бу алоқанинг “интродуктив алоқа” тарзидаги талқинини маъқуллаш мумкин, *интродукция* сўзининг асл маъноси (лотинча *introductio*) “киритиш”дир, шунинг учун ҳам мазкур термин парантеза ва асосий гап (матн) ўртасидаги муносабатни аниқ акс эттиради.

3. Таркибида сўз ёки сўз бирикмаси шаклидаги парантеза иштирок этган гапни мураккаблашган гап сифатида баҳолаш ҳақидаги фикрларга қўшилиш мумкин, аммо гап шаклидаги парантезани ўз ичига олган гапнинг синтактик мақомини қўшма гап дейиш мақсадга мувофиқ. Чунки бугун тилшуносликда кесим гапнинг мазмуний-грамматик маркази эканлиги, бир кесим бир гапни шакллантириши ҳақидаги фикрлар барқарорлашди. Одатдаги қўшма гапларда тенгланиш (боғланган қўшма гаплар) ва тобеланиш (эргашган қўшма гаплар) муносабатидаги алоқа мавжуд бўлса,

парантезали қўшма гапларда киритиш, яъни интродуктив муносабатдаги алоқа мавжуд.

4. Парантезалар бадий матнда гап бўлаги, гап ва муайян микроматн билан бевосита алоқаланади. Бу алоқанинг воқеланишида, албатта, яхлит матндаги муайян воситалар ҳам иштирок этади. Бунда хилма-хил маъно-мазмунлар ифодаланади. Сўз, сўз бирикмаси, гап (содда ва қўшма) ва микроматн шаклидаги парантезалар турли гап бўлаклари, яхлит гап билан алоқаланиши мумкин. Аммо сўз ва сўз бирикмаси шаклидаги парантезалар микроматн билан деярли алоқалана олмайди.

5. Яхлит гап билан алоқаланадиган, айниқса, сўз ва сўз бирикмаси (баъзан гап) шаклидаги парантезаларнинг кўпроқ киришлар характерида бўлиши кузатилади.

Ш Б О Б. ПАРАНТЕЗАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида бадиий асар тилини лингвопоэтик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бўлган қизиқиш жуда кучайди. Айти шу қизиқиш натижаси ўлароқ кўплаб илмий мақолалар, диссертациялар ва бошқа тадқиқот ишлари майдонга келди.¹³⁵

Ҳар қандай бадиий асар тили бадиий матн сифатида тилнинг муҳим вазифаларидан бири бўлмиш эстетик вазифани реаллаштирадиган яхлитлик эканлиги аксар тилшунослар томонидан айтилади. Ўзбек тилшунослигида бадиий матн лингвопоэтикасини монографик аспектда жиддий тадқиқ этган М.Йўлдошев ҳам бу фикрдан келиб чиққан ҳолда шундай ёзади: “Бадиий асар тилини тилнинг айнан эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳани “лингвистик поэтика” - “лингвопоэтика” деб номлаш филология илмида анча турғунлашган ҳамда “лингвистик поэтика”нинг филологик илмлар тизимида алоҳида мустақил фан сифатидаги ўрнини аниқлаштиришга бағишланган кўпгина тадқиқотлар яратилган”.¹³⁶ Бу фикр, албатта, дунё тилшунослигига ҳам, шу жумладан ўзбек тилшунослигига ҳам дахлдор.

Бадиий матнда тилнинг эстетик вазифасининг намоён бўлиши, яъни матн лингвопоэтикаси ўрганилар экан, айти вазифанинг амалга ошишида иштирок этадиган барча тил бирликлари диққат марказида бўлиши лозимлиги табиий. Аммо М.Йўлдошев ўзининг докторлик диссертациясида

¹³⁵ Махмудов Н. Абдулла Қаҳҳор хикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1987. - №4.-Б. 34 – 36; Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. –Ташкент, 1992; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2000; Рихсиева Г. Нисбат шакллариининг лингвопоэтик тадқиқига доир // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2000.- №4.-Б. 33 – 35; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири - 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2003; Жалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол.фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2007; Шадиева Д. Ш. Муҳаммад Юсуф шеърятини лингвопоэтикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2007; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент: Фан, 2007 ва бошқ.

¹³⁶ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008.-Б. 18.

ўринли кўрсатиб ўтганидек, “...бадий матнда барча бирликлар, воситалар айнан тенг бадий-эстетик қимматга эга бўлмайди. Бадий матнда муайян тил бирликлари, тил воситалари алоҳида, айрича поэтик қиммат касб этади, бошқалари эса тасвирда иштирок этса ҳам, поэтик жиҳатдан пассивроқ бўлади. Яхлит бадий матн ёки муайян бадий контекстга кўра, муайян тил бирлиги эстетик жиҳатдан биринчи планга чиқади ва қўшимча, янги бадий маънолар ифодачисига айланади.

Бу ҳодиса дастлаб ўтган асрнинг 20-йилларида Прага лингвистик тўгараги вакиллари томонидан қайд этилган ва “актуализация” термини билан номланган. Тил воситаларининг бадий матнда бундай поэтик актуаллашуви товушдан тортиб синтактик структураларгача бўлган бирликлар доирасида ўзига хос тарзда кузатилади, яъни тилнинг барча сатҳларига оид бўлган бирликлар бадий матнда поэтик актуаллашиши, турли бадий маънолар билан тўйиниши мумкин”.¹³⁷

Бу нуқтаи назардан парантезалар экспрессив синтаксиснинг муҳим бирлиги сифатида бадий матнда поэтик актуаллашиш имконияти жуда катта бўлган синтактик воситадир. Парантезаларнинг аксарияти бадий матнда сезиларли ва ўзига хос лингвопоэтик қимматга эга. Албатта, парантезалардаги бу лингвопоэтик қимматнинг юзага келишида парантезанинг ўзи бевосита алоқаланган асосий гап (ундаги бўлақлар), шунингдек, умуман матндаги бошқа мазмунан алоқадор бирликлар билан интегратив муносабатлари, яъни уларнинг уйғунлашуви муҳим роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳеч қандай парантеза алоҳида олинганда, лингвопоэтик қимматга эга эмас, у бу қимматни фақат матн ичида олади.

Аввало айтиш мумкинки, парантезалар, айниқса, уларнинг киритма тури гап ёки матннинг синтагматик бир хиллигига, интонацион бир туслигига, монотонлигига ўзгартириш киритади. Сир эмас, гап ёки матндаги

¹³⁷ Юлдашев М.М. Баий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2009.-Б. 28 – 29.

синтактик структуранинг бир хиллиги, бир қолипдалиги ўқувчини зериктиради, мазмуннинг идрок этилишини сусайтиради, матннинг эстетик таъсир кувватини пасайтиради. Парантезалар табиий равишда гапнинг ёки матннинг синтагматик структурасини “бузиши”, улардаги горизонтал синтактик алоқаларни “йиқитиши”¹³⁸ баробарида матнга, таъбир жоиз бўлса, кутилмаган бир таъкид, экспрессивлик олиб киради. Парантеза воситасида гап ёки матн қисмларга, бўлакларга бўлинади, интонацион ҳар хилликни юзага келтиради. Масалан, *Бир куни дарсдан қайтаётиб “маршрутка” бекатида мендан бир курс қуйи ўқийдиган Матлубани кўриб қолдим* гапига қараганда *Бир куни дарсдан қайтаётиб “маршрутка” бекатида Матлубани кўриб қолдим (У мендан бир курс қуйи ўқирди)* (Эркин Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси) тарзидаги киритмали гап экспрессивроқ ва бу гапда тегишли мазмуний қисмлар алоҳида таъкид олган, бадий-поэтик таъкид миқдори ортган.

Йўл-йўлакай айтиш жоизки, айрим тадқиқотчилар “киритмалар грамматик жиҳатдан шаклланган тайёр гап структурасига киритилиб, гапдаги грамматик алоқани ҳам, тугал интонацияни ҳам узиб қўйишини” таъкидлайдилар.¹³⁹ Аслида киритмалар ҳам тайёр гапга олдиндан режалаштирилмаган ҳолда киритилмайди, балки ўқувчида ана шундай “режалаштирилмаган” га ўхшаш тасаввур туғдиради, “айни шу ҳолат нутқда киритмалар семантик қимматининг актуаллашиши учун шароит яратади”.¹⁴⁰ Бу фикр, яъни киритмаларнинг фақат тасаввурдагина тайёр гапга киритилаётгандек бўлиши А.Ғуломов томонидан ҳам “киритма гапларнинг асосий хусусиятларидан яна бири уларнинг маълум гапга нутқ моментида туғилиб қолган эҳтиёжга кўра худди кутилмагандек (таъкид бизники. —

¹³⁸ Александрова О.В. Проблемы экспрессивного синтаксиса. —М.: Высшая школа, 1984.- С.30.

¹³⁹ Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар: Филол. фан. ном. ...дисс. — Тошкент, 1972.-Б. 47.

¹⁴⁰ Бабайцева В.В. Русский язык. Синтаксис и пунктуация. —М.: Просвещение, 1979.- С. 186.

Д.Ж.), бирдан киритилишидир” тарзида алоҳида таъкидланган.¹⁴¹ Аслида эса ёзувчи ўз фикрининг ифодаси учун асосий гап қолипни танлар экан, бадиий ниятига мувофиқ агар парантезага эҳтиёж мавжуд бўлса, мазкур қолипни танлаш баробарида парантеза шаклини ва ўрнини ҳам бирданига танлайди. Табиийки, бундай ҳолатларда асосий гапдаги грамматик алоқа ҳам, тугал интонация ҳам узилиб қолмайди. Юқорида келтирилган *Бир куни дарсдан қайтаётиб “маршрутка” бекатида Матлубани кўриб қолдим (У мендан бир курс қуйи ўқирди)* ёки *Бир куни дарсдан қайтаётиб “маршрутка” бекатида Матлубани (У мендан бир курс қуйи ўқирди) кўриб қолдим* киритмали кўшма гапга қайтадиган бўлсак, асосий гап - *Бир куни дарсдан қайтаётиб “маршрутка” бекатида Матлубани кўриб қолдим* гапидаги грамматик алоқада ҳеч бир узилиш йўқ, бу гапнинг интонацияси ҳам тугал, акс ҳолда мазкур синтактик конструкцияни алоҳида мустақил гап сифатида баҳолаб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам юқоридаги каби талқинларга қўшилиш қийин. Парантезали гап ёки парантезали матн ёзувчининг муайян бадиий мақсади (бошқа услубда бўлса, бошқа бирор мақсад) билан боғлиқ бўлган нутқ тузиш усули, ҳолос.

Бадиий матндан олинган мана бу мисолни кўрайлик: *Бундан кўп йиллар бурун, Оташқалб эндигина оқланган кезлар Мовийкўз (аллақачон Алвастихонимга айланиб улгурган эди) маккораларга хос бир шафқатсизлик билан ўсмоқчилаб сўраган* (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси). Шубҳасизки, бу гап *Бундан кўп йиллар бурун, Оташқалб эндигина оқланган кезлар аллақачон Алвастихонимга айланиб улгурган Мовийкўз маккораларга хос бир шафқатсизлик билан ўсмоқчилаб сўраган* тарзида тузилиши, яъни киритма гап шаклидаги парантеза кенгайтирилган сўз бирикмаси қолипида тузилиб, мазкур парантеза бевосита алоқаланадиган бўлак (*Мовийкўз сўзи* билан ифодаланган эга) билан грамматик алоқага киритилиши мумкин эди.

¹⁴¹ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987.-Б. 157.

Аммо у ҳолда гапнинг синтактик структурасида сифатдош бошқарувидаги 2 та мураккаб сўз бирикмаси юзага келар, умуман, гап структурасидаги мазмуннинг идрок этилиши қулай бўлмас эди. Гапнинг алоҳида таъкидланмоқчи бўлинган қисми (асар қаҳрамони Мовийкўзнинг икки ҳолати) очиқ ифодаланмаган бўларди. Шунинг учун ҳам маҳоратли ёзувчи Эркин Аъзам бениҳоя кучли киноявий руҳда ёзилган мазкур қиссасида айна фикр ифодаси учун айнан юқоридаги каби парантезали гапни танлаган. Бунинг натижасида гап структураси идрок этиш учун қулайлашган, сифатдош бошқарувидаги мураккаб сўз бирикмасининг бири гап шаклига киритилиб, парантеза позициясига ўтказилган. Маълумки, парантеза, айниқса, унинг киритма тури асосий гапдан тамоман фарқли интонация билан айтилади (ёки ўқилади), ана шунга кўра гапнинг интонацион оқимидаги монотонликка барҳам берилган. Айна пайтда парантезанинг айрича интонацияси унинг ажратиб алоҳида таъкидланишини таъминлаган. Зотан, тадқиқотчилар таъкидлаганларидек, “киритма ва асосий гап ўз мустақил модаллигига ва алоҳида, бир-бирига тобе бўлмаган ўз актуал бўлакланишига эга: киритма – ҳамиша алоҳида ремадир. Киритма гап шаклида бўлганида бу жуда аниқ кўринади, лекин нопредикатив киритмалар ҳам айна хусусиятга соҳибдир”.¹⁴² Ана шу шароитлар асосий гапдаги эга билан алоқаланган мазкур гап шаклидаги *аллақачон Алвастихонимга айланиб улгурган эди* парантезасининг поэтик қиммат касб этишига, бадий актуаллашувига имкон берган.

Маҳоратли ёзувчилар гапдаги муайян бўлакни бадий ниятига мувофиқ алоҳида таъкидлаш учун мазкур бўлакни парантеза, хусусан, киритма позициясига ўтказиши мумкинки, бунда ҳам киритма поэтик жиҳатдан кучли даражада актуаллашади. Масалан: *Унинг гапирадиган гаплари уларнинг кўнгилларида тугилган оғир ва чигал тугунчакни ечиб юборажак, ёки яна баттарроқ чигаллаштириб, икки ёш нарсани – яна неча*

¹⁴² Прияткина А.Ф. Русский язык. Синтаксис осложненного предложения. –М.: Высшая школа, 1990. С.161.

ой! – бир-биридан ажратиб ташлаяжакди (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). Кўриниб турганидай, *яна неча ой* бирикмаси айни парантеза позициясига кўра кучли поэтик таъкид олган. Агар бу бирикма киритма эмас, балки одатдаги гап бўлаги, яъни ҳол позициясига қўйилганда эди, у ўзининг лингвопоэтик қимматини йўқотган бўларди, мазкур синтактик бирлик поэтик таъкидли тасвир учун эмас, нейтрал тасвир учун хизмат қилган бўларди. Қиёсланг: *Унинг гапирадиган гаплари ... икки ёш нарсани яна неча ой бир-биридан ажратиб ташлаяжакди // Унинг гапирадиган гаплари ... икки ёш нарсани – яна неча ой! – бир-биридан ажратиб ташлаяжакди*. Мазкур икки гап ўртасидаги лингвопоэтик фарқнинг нечоғлик катта эканлигини батафсил исботлаб ўтиришнинг ҳеч бир зарурияти йўқ.

Парантезаларнинг бадиий матндаги лингвопоэтик имкониятлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг кириш ва киритма турларидаги бу имкониятларнинг бир-биридан жуда анча фарқли эканлигига ҳам эътибор беришга тўғри келади.

Бундай фарқнинг мавжудлиги кириш ва киритмаларнинг семантик-функционал моҳияти билан боғлиқ, яъни барча тилшуносликларда деярли бир хил эътироф этилганидай, киришлар сўзловчининг ўз фикрига муносабатини билдиради, киритмалар эса турли қўшимча маълумот ифодалайди. Киришлар ва улар ифодаладиган маъно-мазмун деярли трафарет ҳолатга келиб бўлган, *эҳтимол, чамаси, шекилли, дарҳақиқат, албатта, демак, хуллас, қисқаси, менимча, эсиз, бахтимизга, айтгандай, ўйлайманки, аниқки, бирнчидан, қолаверса, шундай қилиб, бунинг устига, менинг назаримда, унинг айтишича, ростини айтсам, менга қолса, гап шундаки, мен сизга айтсам* каби деярли барча киришлар ва уларнинг маънолари қолиплашиб бўлган (ишнинг иккинчи бобида кўрганимиз каби, шунинг учун уларни конкрет семантик гуруҳларга ажратиш мумкин). Нутқ тузувчи деярли ана шу қолиплашган кириш ифодалар доирасида иш кўради, айтиш мумкинки, нутқ тузувчи ўзи янги киришлар ясамайди ёки тузмайди.

Киритмалар эса бундай хусусиятга эга эмас. Камида, нутқ тузувчи аввалдан тайёр киритма ифодалар доирасида иш кўрмайди, зотан, тайёр киритма ифодаларнинг ўзи йўқ (ишнинг иккинчи бобида кўрганимиз каби шунинг учун уларни конкрет семантик гуруҳларга ажратиб бўлмайди, фақат функционал-семантик жиҳатдан кўшимча маълумот, изоҳ-тушунтириш, экспрессив-баҳо ифодаловчи киритмалар тарзида уч асосий типини фарқлаш мумкин, холос). Киритмалар ҳар нутқ вазияти эҳтиёжи, нутқ тузувчининг муайян мақсади билан боғлиқ ҳолда янгидан тузилади. Рус бадий адабиётидаги тил жараёнларини ўрганган тадқиқотчилар ишонч, тахмин, чама, номаълумлик каби бир қанча маъноларни ифодаловчи киришлар, модал сўзлар ёки юкламалар воситасида персонаж нутқини белгилаш энг оддий ва “эски” лексик-синтактик усул эканлигини айтадилар.¹⁴³

Ёзувчининг бадий тил маҳоратига баҳо беришда, унинг лингвопоэтик маҳоратини ўрганишда парантезаларнинг кириш туридан кўра киритма тури кўпроқ диққатга молик деб қаралмоғи мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Аммо айрим тадқиқотчилар, масалан, Ҳ.Холиқов атоқли адиб А.Қаҳҳорнинг бадий тил маҳоратини унинг асарларида парантезалар, хусусан, киришларнинг қўлланиши мисолида кўрсатмоқчи бўлади. У шундай ёзади: “Ёзувчининг тил маҳорати ҳақида гапирганда, унинг маълум мақсадлар ифодаси учун киришларга ҳам мурожаат қилганини таъкидлаш зарур. Адиб қўллаган киришлар, юқорида қайд этилганидек, турли маъноларни ифодалашга хизмат қилган.” Тадқиқотчи ишининг давомида *албатта, дарҳақиқат, шубҳасиз, тўғри, афтидан, хайрият, ростини айтсам* каби бир қанча киришларни таҳлил этади. Масалан, *албатта* ҳақида шуларни ёзади: “Бу сўз модал сўз сифатида англашилаётган предмет, воқеликнинг юзага чиқишига ишонч маъносини англатади ва кириш вазифасини бажариб, бадий асарларда шу маъно ифодаси учун қўлланади.

¹⁴³ Языковые процессы современной русской художественной литературы. Проза. –М.: Наука, 1977.- С. 229.

“Синчалак” қиссасида Саида Қаландаровнинг Зулфиқоров масаласидаги суҳбати давомидаги Зулфиқоровнинг қўшхотинлилиги ҳақида Саида тилидан айтилган гапни олайлик: ...*Зулфиқоровнинг хотин устига хотин олиши, албатта, аёлларга бой-феодалларча муносабат, жиноятдан бошқа нарса эмас.* Зулфиқоровнинг туриш-турмуши, ахлоқи, бригадирлик фаолиятини ипидан игнасигача текшириб чиққан Саида шундай хулосага келади. Зулфиқоровнинг қўшхотинлилиги аёлларга бўлган феодалларча муносабатини кўрсатувчи далил эканлигига ишонч маъноси гап таркибидаги *албатта* кириш қисми ёрдамида ифодаланган. Ёки яна ўша жойда: *Зулфиқоров бировдан пахта олиб план тўлдирганлиги, албатта, кўзбўямачилик* гапида ҳам воқеликнинг юзага чиқишига ишонч *албатта* кириш сўзи орқали ўз ифодасини топган”.¹⁴⁴ Мазкур мисолларда *албатта* кириши ишонч маъносини ифодалагани шубҳасиз, аммо бу кириш А.Қаҳҳорнинг мазкур асаридагина эмас, умуман, ҳар кимнинг ҳар қандай жумласида, ҳар қандай нутқ вазиятида ҳам мазкур маънони ифодалайверади. А.Қаҳҳор тузган мазкур жумлада айни маънонинг ифодаланиши ёзувчининг хизмати ёки маҳорати эмас, балки одатдаги қўлланишдир. Бу сўз ва умуман, киришлар у ёки бу даражада экспрессивликни ифодалайди, нутқнинг таъсирчанлиги учун хизмат қилади, лекин буни ёзувчининг бадиий маҳорати сифатида баҳолаб бўлмайди. Қисқаси, мазкур *албатта* кириши поэтик актуаллашмаган

Албатта, бадиий матнда киришлар ҳам баъзи ҳолатларда ёзувчининг бадиий мақсадига уйғун равишда бадиий-эстетик қиммат касб этиши мумкин. Айтайлик, муайян бир кириш муайян бир қаҳрамон нутқида такрор ва такрор қўллansa, ўзига хос поэтик таъкид олади, қаҳрамонни ёки унинг бирор ҳиссий ҳолатни таъкидлашга хизмат қилади ва буни ёзувчининг лингвопоэтик маҳорати сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Масалан, ҳажвчи

¹⁴⁴ Холиқов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти (А.Қаҳҳор асарлари материаллари мисолида): Филол. фан. ном. ...дисс. -Тошкент, 1993.-Б 78, 80.

ёзувчи Н.Аминовнинг “Елвизак” қиссасидан олинган куйидаги парчада бунки кириш мумкин: - *Вой, намуна бедаво экан бу, - деди Зевархон нозлиниб. – Куриб кетган экан-да бошқаси!..*

- *Қани, қўлингни чўз! – деди Баширжон дадил.*

- *Ҳозир... вой, - деди Зевархон белини тутиб, оёғини букаркан. – Оёғим увушиб қолди!..*

Зевархон мажбурий бир қиёфада қўлини узатаркан:

- *Вой, кўнам шошилманг! – деди нозми, қўрқувми ёки ҳадикками ўхшаши овоз билан... Бечора Зевархон: “Вой!” – деганча ўрнидан туриб кетди.*

Кўриниб турганидай, *вой* кириш бўлаги тўрт марта такрорланган, Зевархоннинг ҳиссий ҳолатига урғу беришга хизмат қилган, поэтик жиҳатдан актуаллашган.

Айрим ҳолларда ёзувчи поэтик актуаллаштириш мақсади билан киришларни бадиий матнда киритма позициясида қўллаш орқали ҳам матн таъсирчанлигини оширади. Масалан, *ажабо* сўзи таажжуб маъносини ифодаладиган кириш сўз ҳисобланади. Ушбу матнда бу сўз кириш позициясида қўлланган: *Ажабо, чиройли қиз-жувонлар ҳамиша танишдек туюлади, қаердадир кўрганга ўхшайверамиз уларни* (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси). Бу сўз киритма позициясида қўлланса, кучли поэтик таъкид олади: *Шу раишданми, ё Муқаддаснинг яқинлигиданми, билмадим, ўзимни худди ловуллаб ёнаётган гулханнинг таптида тобланаётгандек ҳис қилардим, аъзойи баданимдан ловуллаб ўт чиқиб борарди. Муқаддас эса (ажабо!) гўё ҳеч нарсани сезмас, у нимагадир севиниб, ҳадеб кулар, юзлари гул-гул яшинаб, ўткинчиларнинг диққат-эътиборини яна ҳам ўзига тортар эди* (О.Ёқубов, “Муқаддас” қиссаси). Кўриниб турганидай, *ажабо* сўзи кириш позициясига қараганда, киритма позициясида кучлироқ поэтик таъкидга эга.

Қуйидаги мисолда *инишоолло(ҳ)* кириш гапи киритма позициясида келиб, кучли таъкид олган, поэтик актуаллашган: *Фақат сўфи кўнгилдан ва унинг нозик ишисидан бир нарса англайдиган одам бўлмаганлигидан бу каттакон ишининг оқибатини хаёл қилган вақтларида “келаси йилга (инишоолло!) Ҳажга кетиш насиб бўлади” деган умидлар билан хурсанд бўларди* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). Қуйидаги гапларда эса *вой тавба, астаъфуруллоҳ* киришлари киритма позициясида қўлланган ва поэтик таъкид олган: *Олтиной бу калта, ҳаворанг кўйлақда худди еттинчи-саккизинчи синфда ўқийдиган қизчаларга ўхшар, қадди нозик, бели тегса чарс синиб кетадиган хипчиндай ингичка, оёқлари (вой тавба!) кинодаги раққосаларнинг оёқларидай узун...* (О.Ёқубов, “Адолат манзили” романи). *Биров ўқ бориб унинг қўлига теккан деса, бошқа биров (астаъфуруллоҳ!) нақд оғзига теккан дейди* (Эркин Аъзам, “Аралашқўрғон” ҳикояси).

Илгарироқ кўриб ўтганимиздек, тилшуносликда киришларни субъектив муносабат ифодалай олиши, киритмаларда эса бу хусусиятнинг йўқлиги, уларнинг фақатгина объектив–изоҳловчи тарзида гапга киритилиши кенг эътироф этилади. Аммо юқоридаги мисоллардан ҳам англашилиб турганидек, бизнингча, киритмаларда ҳам субъектив муносабат ўзига хос бир тарзда, яъни экспрессив баҳолаш тарзида ҳатто одатдагидан кучлироқ ҳам ифодаланиши мумкин.

Ана шу мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда биз диссертациядаги тадқиқот жараёнида, айниқса, материалга лингвопоэтик ёндашув асносида айрича эътиборни, асосан, парантезаларнинг киритма турига қаратганмиз.

Парантезалар матннинг семантик ва бадий структурасини мураккаблаштирувчи ҳодисадир. Улар матнга тугалланган гапдан катта мазмун олиб кириши билан характерланади. Чунки бадий матнда воқеликни акс эттиришнинг барча шакллари муаллиф ўйининг фильтридан ўтади ва муаллиф доимо тўғридан-тўғри ёки бошқа йўл билан тасвирланаётган ҳодисага ўз муносабатини билдиради. Лекин у шунчаки содда қилиб

айтмасдан, онгли тарзда ўқувчига бадиий таъсир этиш воситаларини танлайди. Худди шундай вазиятда парантез конструкцияларга эҳтиёж сезади. Интонацион, график ва синтактик жиҳатдан мустақил бўлган, тўғрироғи, асосий гап ёки матндан ажратилган парантезалар асарда нутқнинг тўла англаниши учун зарурий информацияларни бериш, тингловчи ёки китобхон учун ноаниқ бўлган ўринларга аниқлик киритиш, изоҳлаш, эслатиш, ҳис-туйғуларни ифодалаш каби мақсадларда қўлланади, ана шу мақсадларнинг реаллашуви поэтик таъкид оларкан, парантезалар алоҳида лингвопоэтик қиммат касб этади.

С.Каримов “Ўзбек тилининг бадиий услуби” мавзусидаги докторлик ишида ҳам бадиий асар синтаксисида киритма гапларнинг ишлатилиши муаллиф ёки асар қаҳрамонининг маълум объектга, воқеликка ўз шахсий муносабатини, мулоҳазаларини ифода этишга интилиши билан боғлиқ эканлигини эътироф этади. Шу билан бирга, бадиий асарда киритмаларнинг қўлланилиши ёзувчининг индивидуал услуби билан ҳам боғлиқ бўлишига эътибор беради.¹⁴⁵ Парантезаларнинг бадиий функцияси хилма-хилдир. Бадиий нутқда киритмалар олдиндан мўлжалланган бадиий мақсад натижаси сифатида намоён бўлади, шу билан бирга муаллиф киритма, умуман, парантезалар орқали бадиий асарнинг ифодалилигини, таъсирчанлигини, умуман, поэтик мукамаллигини таъминлашга эришади. Дарҳақиқат, киритмалар ёзувчи идиолекти билан боғлиқ ҳолда бадиий нутққа киритилади, асарда уларнинг қўлланиш миқдори эмас, балки ўзига юкланган бадиий юкни қай даражада юзага чиқариб бера олиши муҳимдир.

Парантезанинг матн экспрессивлигини таъминлашдаги ролини алоҳида тадқиқ этган Р.С.Самолетова парантетик киритмаларнинг моҳиятини тўғри ва етарли даражада англамаслик матн мазмунидаги жуда кўп нарсаларнинг, биринчи навбатда, матннинг яхлит мазмунини, муаллиф позициясини тасаввур қилишда ҳал қилувчи қимматга молик бўлган турли

¹⁴⁵ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. док. ...дисс. –Самарқанд, 1993.-Б. 112.

коннотацияларнинг тамоман эътибордан четда қолишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. У парантезалар ифода имкониятларининг ҳажман катталигини қайд этаркан, ана шундай йўқотиш кўпинча оддий китобхон томонидан матнда қавс ичида келган қисмни унчалик муҳим эмас, кераксиз бир нарса деб тушунилиши оқибатида ҳам воқе бўлишини айтади.¹⁴⁶

Рус филологиясида синтактик структураси бўлакланган, яъни таркибида такрор, парцелляция, илова конструкциялар, сегментация, парантеза каби ҳодисалар кўп бўлган наср кўринишини “қиймаланган, майдаланган наср” (“рубленая проза”), шу хусусиятга эга бўлган матн синтаксисини эса “қиймаланган синтаксис” (“рубленный синтаксис”) деб номлаш ҳам учрайди. Бу ҳақда батафсил маълумот берар экан, Г.Н.Акимова буюк рус адиби Ф.М.Достоевскийнинг “Ёзувчи кундалиги” (1873)дан олинган куйидаги гапларини келтиради: “Кеча бир танишим олдимга кириб қолди, у деди: “Сенинг услубинг ўзгаряпти, қиймаланган услубга айланыпти. Жумлани кесасан, кесасан – кириш гап қўясан, кейин кириш гапга яна кириш бирлик қўшасан, ундан кейин қавс ичида яна ниманидир киритасан, ундан кейин эса яна кесасан, кесасан...” Г.Н.Акимова бу ўринда ёзувчи “қиймаланган синтаксис” фонида киритма конструкцияларга алоҳида урғу бераётганлигига эътиборни қаратади.¹⁴⁷ У ҳақли равишда таъкидлаганидек, ҳар қандай нутқда экспрессив синтаксис бирликлари, хусусан, парантезалар қўлланганда, яхлит бир муайян гап ўрнида кўпинча икки ёки ундан ортиқ “жумла” юзага келади, айти шу синтактик бирликлар биргаликда яхлит ҳолатдаги гапга қараганда ҳам экспрессив, ҳам коммуникатив-функционал жиҳатдан катта имкониятларга эга бўлади.¹⁴⁸ Шунини ҳам айтиш керакки, турли парантезаларни киритиш воситасида қисмларга ажратилган жумладаги ахборот тезроқ идрок этилади, бу тарзда жумла ёки матнни бўлаклаш айти

¹⁴⁶ Самолетова Р.С. Явление парантезы в аспекте лингвистики текста / Вопросы семантики и методики преподавания иностранных языков. –Минск: Наука и техника, 1982. –С.145.

¹⁴⁷ Акимова Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. –М.:Высшая школа, 1990. –С. 87 - 90.

¹⁴⁸ Акимова Г.Н. Кўрсатилган асар.-Б. 92.

пайтда уни соддалаштириш, унинг структурасини “енгиллаштириш”га олиб келади, гўёки қисмлаб-қисмлаб берилган ахборот йирик, катта синтактик конструкцияларда берилган ахборотга қараганда коммуникация жараёнида жадалроқ англанади, бу, яъни “нутқ занжирини узиш усуллари” асосида “нутқнинг синтактик қуюқлашуви” (“синтаксическое сгущение речи”) эстетик имконият сифатида бадий мулоқот учун жуда муҳимдир.¹⁴⁹

Ана шу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда баъзи тадқиқотчилар парантезаларнинг нутқни экспрессив “юмшатиши” (“разрыхление”), яъни экспрессивликнинг ифодаланиши учун “нутқ тупроғини юмшатиб, донадор қилиб”, қулай шароит яратиши ҳақида кўп гапирадилар.¹⁵⁰ Албатта, бадий матнда чинакам бадииятнинг, поэтик интонация ва поэтик таъкиднинг тугал ифодаланишида парантезаларнинг бу хусусияти муҳим эканлигини яна таъкидлаш мумкин.

Парантезалар иштироки натижасида ана шундай “қиймаланган” синтактик структураларнинг, экспрессив-эстетик “юмшаган” нутқнинг бадий-эстетик самараларини Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, О.Ёкубов, Ш.Холмирзаев, Тоҳир Малик, Ў.Ҳошимов, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад каби кўплаб ўзбек ёзувчиларининг асарларида кўриш мумкин. Мана айрим мисоллар: *Мингбошининг ўзи учун шу топда фуқаро қўрқинч эмас: мингбоши нима деса, йўқ демайди фуқаро. Бойлар бўлса на фуқарони бир чақага олади (муниси—ку майли-я), на мингбошини (мана мунисига чидаб бўлмайди!). Очиқдан-очиқ сўкади...* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). *Бунинг устига, “бечора Султонхоннинг маъсум кўз ёшлари”, “иккала иттифоқчи” (Хадичахон ва Пошшахон)нинг минг бир “ҳиллалари” ҳам (Хотинлар ўзлари худди шу шаклда – “ҳила-а” деб гапирадилар) ёш ва маъсум бир қизнинг самимий тили билан бир-бир баён қилинди* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). *Табиийки,*

¹⁴⁹ Яна қар.: Григорьева А.Д., Иванова Н.Н. Язык поэзии XIX – XX вв. –М.: Наука, 1985. –С. 222 –223.

¹⁵⁰ Масалан, қар.: Мейлер А.А. Проблема парентезных конструкций и возможные пути её адекватного решения / Прагматико-функциональное исследование языков. –Кишинев: Штиинца, 1987.- С. 127.

туғилаётганда одамзод фарёд билан дунёга келади. (Нега?) Табиийки, уни дарҳол овутишга тушадилар. (Тинчлик керак!) Табиийки, у бир пайти йиғидан тўхтайди. (Тўхтамаса-чи?). Аммо баъзилар шунга одатланиб қолади (Эркин Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси). Мана энди, оқибати – ёзги таътил бошланиб, ҳамма ҳар ёққа тарқаб кетган бир пайтда мен кўр бўлиб кутубхонада ўтирибман. Курсдошларимдан Эшқобил, Шаҳоб, Нурмамат ва Рустам қалб амри билан студентлар зарбдор қурилиш отряди сафида Қорақалпоғистонга кетишган – давримизнинг улкан иншоотларидан бирини бунёд этишда қатнашгани (ақча ишлаб бойваччалик қилгани); Самад, Жўра ва Назар қишлоқларига – “бобой-момой”ларига кўмаклашгани (бултур ўзлари бориб тиклаб келган деворни қулатиб, қайтадан кўтаргани); Эльвира, Арофат ва Барно соғломлаштириш лагерига – пахтадан ҳам оқ баданларини жиндек бўлса-да қорайтиргани (ўқиш бошлангач, танаффус пайти йўлакда “шоколадранг тери” ҳақида қизгин баҳслашгани). Мен эсам, мен Навоий номидаги кутубхонада ўтирибман... адабиёт тарихидан қайта имтиҳон топишгани! (Отойининг туғилган йилини аниқлаш учунгина эмас, албатта!) (Эркин Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси).

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бадий матнда гап структурасининг (содда ёки кўшма гап) бевосита ичига киритилган парантезаларнинг поэтик актуаллашуви бошқа ҳолатдагиларга қараганда кучлироқ бўлади, чунки уларнинг гап структурасига “бегоналиги” тезроқ сезилади, тезроқ диққатни тортади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *У ёғини сўрасангиз (одам айтишгаям уялади), ...мендек “замонавий” ташилотчи йигит ёшим ўттиздан ошиб бирорта қизнинг қўлидан ушламабман (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи). Келиб-келиб шу Эшонбоевни танлагани эса (Очил, айниқса, ўша боб муҳокамасидан бери Эшонбоевни жуда паст қўяр эди) Замирани унинг кўзи олдида янада паст туширарди (П.Қодиров, “Уч илдиз” романи). Меҳмонлар – учми-тўрт киши, ана, юз-кўзларидан аниқ-тиниқ*

ажралиб туришибди – мезбонлар қуришовида “газик” машиналарига ўтириб, жўнаб кетишди (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси). Башарти, Оташқалб тирилиб келса – умрини унинг ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишлаган одам билади-да, ахир – шундай жияни борлигини кўриб, номусдан қайтиб ўлган бўларди (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси).

Парантезалар, ҳатто уларнинг киритма тури ҳам агар ўзи бевосита алоқаланган бирликлар ифодалаган нарс-тушунчалар билан айнан бир нарс-тушунчани ифодаласа, яъни бир хил денотатларни билдирса, бундай парантезалар бадиий матнда деярли лингвопоэтик қимматга эга бўлмайди. Масалан: *...Бу тадбир ҳам ўзини оқламади; анча кейинроқ невараси Султон Муҳаммад (Бойсунқурнинг ўғли) бобосига бўйсунмай, Эронда мустақил иш юритди (Мирмуҳсин, “Меъмор” романи).* Бу мисолдаги *Бойсунқурнинг ўғли* парантезаси ва асосий гапда эга вазифасидаги *Султон Муҳаммад* сўзи айнан бир денотатни билдиради, шунинг учун ҳам бу парантезанинг сезиларли лингвопоэтик қиммати ҳақида гапириш қийин. Қуйидаги мисолларда ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин: *Бу воқеалардан илгари ўз мавқеининг пасайиши, улкан мамлакатнинг парчаланиб кетишидан чўчиб, ҳижрий санасининг саккиз юз ўн олтинчи йили (1413 милодий) Улуғбек Мирзони катта қўшин билан Фарғона устига юборди (Мирмуҳсин, “Меъмор” романи).* *Мана шу ваҳима ва таъвишлар билан лиқ тўлиб Тошкентга томон қанот қоққан депешалар (расмий телеграммалар) воқеанинг учинчи кунда Тошкентдан Ўлка ҳарбий судининг сайёр ҳайъатини учуриб келди (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи).*

Маҳоратли ёзувчилар асосий гапдаги муайян қисмнинг такроридан иборат парантезаларга ҳам кўп мурожаат қиладилар. Бунда муайян бир фикр икки марта таъкидланиб ифодаланади, асосий гапда ифодаланган бир фикр иккинчи марта парантезада алоҳида эмфатик урғу билан, ундовли интонация билан таъкидланади, бу эса парантезанинг ўта кучли даражада актуаллашувига имкон беради, қуйидаги мисоллар бунни далиллайди: *(Раззоқ*

сўфи) фақат эшонбобо билан бирга (фақат ўша киши билан!) тўйларга, катта зиёфатлар, қовун ва мева сайилларига боради (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). Уларнинг сояларида бу зот аскарый рутбаларидангина ажраб, киссаси кўп ҳам қоқланмасдан, ўлканинг у чеккасидан бу чеккасига “сургун” бўлиб (ўз истаги билан “сургун” бўлиб!) келган ва мунда... хусусий закончилик касбига киришган (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). Сўфи кўзларида марварид доналаридай йирик-йирик ёшлари кўрингани ҳолда, билганича айтиб берди. Пир кулиб туриб (кулиб туриб!) эшитди (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). Бу жиҳати мендан ўтганмикан деса, Элчиев унақа эмас, табиатан дали-гули, суюнса - етти маҳаллага жар солгудек, куйинса ҳам бир кун ичига ютади, икки кун ютади, ахийри, очик-ошкор портлайди (Мана, портлаб ётибди-ку!). Ишқилиб, шу қизнинг бир дарди бор (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси). Парантезалардан кейин қўйилган ундов белгиси ҳам мазкур таъкидни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Айрим тадқиқотчилар парантезали гап ёки парантезали матнга икки планлилиқ хос эканлигини айтадилар. Коммуникатив вазифанинг икки проекцияси ҳақида гапирар экан, улар бир проекция асосий гап ёки матнда, иккинчи проекция эса бевосита парантезада намоён бўлишини таъкидлайдилар, бунда асосий гап ёки матнга киритиладиган парантеза ё сўзловчининг айтмоқчи бўлган фикрига муносабатини, ё сўзловчининг тингловчига қўшимча мурожаатини ёки муаллифнинг қўшимча изоҳини ифодалашига урғу берадилар ва парантезадаги коммуникатив план, фикрий йўналишнинг асосий гапдагидан фарқли бўлишига эътиборни қаратадилар. Аксар ҳолларда ана шундай матнлар парантезага кўра икки ёқлама семантик структурага эга бўлишини, яъни гўёки ўзига хос икки матн – матн ичида матн юзага келишини ҳам йўл-йўлакай айтиб ўтадилар¹⁵¹.

¹⁵¹ Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. -М.: Наука, 1981.- С. 178 - 179.

Бундай парантезали бадий матнларда воқелик бир пайтнинг ўзида турли нуқтаи назарлардан ёритилаётган кўп қиррали ва кўп ўлчовли бутунликнинг белгиларига эга бўлади, воқеаларни ва улар билан боғлиқ таҳлил, муҳокама ва тегишли оқилона баҳолашларни бирданига идрок қилиш биринчи планга чиқади. Парантетик киритмаларнинг бадий қиммати ҳақида фикр юритган тадқиқотчилар айтиш шунинг мулоҳазаларга асосланган ҳолда парантезалар матндаги фикрнинг икки ёки ундан ортиқ йўналишини тингловчи //ўқувчи хотирасида тутиб туришга, ички эмоционал таранглик тасаввурини туғдиришга кўмак беришини ҳам айтадилар.¹⁵²

Бадий матн қисмлари боғланишининг композицион-структур шаклларига эътиборни қаратган И.Р.Гальперин парантезалар баённинг асосий йўналишини “узиб”, матнга кирар экан, баъзан баённинг иккинчи планини ҳосил қилишини айтади. У бу ҳолатни фильм пленкасини монтаж қилишга қиёслайди, яъни монтажчи тегишли бадий мақсадга мувофиқ қандайдир хотираларни “иккинчи план” сифатида муайян кетма-кетликдаги кадрлар занжирининг ичига киритади.¹⁵³ И.Р.Гальперин тўғри таъкидлаганидек, парантезанинг иккинчи фикрий йўналиш ифодачиси бўлиши доимий ҳолат эмас. Аммо айрим тилшунослар “парантезани ўз ичига олган ҳар қандай гап ички икки планлиликка эга бўлган синтактик комплексдир” деган қатъий фикрни илгари сурадиларки¹⁵⁴, бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки барча парантезаларга коммуникатив икки планлилик хос деб бўлмайди. Масалан, *Азизхон мункайганича бориб тупроқ уюми устига ажиб бир чаққонлик билан (жсиндек мақтанганлик аралаш) силкиниб қанорни иргитди* (Саид Аҳмад, “Қирқ беш кун” романи) гапидаги *жсиндек мақтанганлик аралаш* парантезасида асосий гапдаги фикрий йўналишдан фарқли бошқа йўналиш, яъни иккинчи план йўқ. Шунинг учун

¹⁵² Кожевникова К. Формирование содержания и синтаксис художественного текста / Синтаксис и стилистика. –М.: Наука, 1976.- С. 306.

¹⁵³ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. –М.: Наука, 1981. -С. 82.

¹⁵⁴ Самолетова Р.С. Кўрсатилган мақола.-Б. 138.

парантезаларнинг бир коммуникатив йўналишли ва икки коммуникатив йўналишли турларини фарқлаш мақсадга мувофиқ. Юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларга кўра айнан икки коммуникатив йўналишли парантезалар бадиий матнда сезиларли даражада юқори лингвопоэтик қимматга эга бўлади.

Парантеза ва у кирган гапнинг мазмунида фарқли коммуникатив перспективанинг, яъни фарқли фикрий йўналишнинг мавжуд бўлиши, яъни икки фарқли коммуникатив йўналишдаги фикрнинг бир гап ёки матн доирасида бирлашиши мазмуний ва интонацион монотонликка барҳам беради, гўёки ўзига хос полифония, яъни кўп овозлилик юзага келади.¹⁵⁵ Бу, албатта, матннинг экспрессивлик даражасига, парантезанинг поэтик таъкид олишига кучли таъсир қилади.

Аввало, парантеза иштироки билан гўёки матн ичида матн юзага келишига тўхталайлик. М.Йўлдошев бундай ҳодисани бошқа бир қатор тилшунослар каби “интертекстуаллик” деб номлаган. У шундай ёзади: “...Муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир. Таъкидлаб ўтилганидай, ҳар қандай бадиий матн интертекстуал бўлиши шарт эмас, бу ёзувчининг бадиий мақсади, услуби билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий матнга олиб кириладиган ҳар қандай бошқа матн ёки унинг унсури асосий матн мазмуни ва лисоний қурилиши билан уйғунлашиб, ёзувчининг эстетик нияти рўёби учун хизмат қилади. Бадиий матннинг интертекстуаллиги хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Асосий матнга олиб кириладиган ўзга матн ёки унинг муайян унсури ёзувчи ниятига кўра асосий матн структурасининг турли қисмларидан жой олиши мумкин.”¹⁵⁶ Парантеза иштирокида бадиий матнда ўзига хос интертекстуаллик юзага келишининг ёрқин намунасини Эркин Аъзам асарларида кўриш мумкин. Ёзувчи Машраб

¹⁵⁵ Бадиий матнда полифония ҳақида қар.: Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. Изд. 4-е. –М., 1979. –С. 210 – 293.

¹⁵⁶ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008.-Б. 116.

ғазалларини унинг сўзидай парантеза шаклида матнга олиб кирган, интертекстуаллик воситасида чиройли полифонияни ҳам юзага келтирган: *Ёпирай, бу қандай гап, бу қандай имтиҳон? Шу ҳам савол бўлди ми – “Маширабнинг оти нега Машираб”?! Аввало, унинг оти Машираб эмас – Бобораҳим, тахаллуси – Машираб. (“Қуддуссаро азиз Хожам Машираб отимни қўйдилар”). “Онасининг қорнида йиғлагани учун” эмиш!.. Машираб дунёга исён билан келди, ўз даврига исён бўлиб яшади, исён билан кетди! («Дунёга келиб ранжу балони кўруб ўттум, Юз ранжу балони шиддатидин ўргулуб ўттум».) Машираб бундай иприсқи, бундай бачкана эмас эди... Баъзи бир замондошлари сингари сарой шоирига айланиб, саодатда яшаб, тинчгина ижод этиши мумкин эди-ку! (“Дунё ясаниб, жилва қилиб олди ма келди, “Борғил нари” деб кетиға бир шаппаталаб ўттум”). Нега у ҳаёт ва ижодда осон йўлни танламади? (Эркин Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси).*

Айрим ҳолларда ёзувчи асосий матнга иккинчи план сифатида парантеза шаклидаги маттни киритади, интертекстуаллик юзага келади ва матний парантеза поэтик актуаллашади: ...*Хўш, бунга аслида ким ёзган? Балоларга қолишдан қўрқмай айтадиган бўлсак, китобнинг асоси аксарият ҳолларда номи рўйхатнинг охирироғида турган кимсага тегишли бўлади!*

(Ҳадеб ўзгалардан олмай, ўзимиздан ҳам бир латифа қўшиб кетайлик. Қуён китоб ёзиб, маслаҳат сўрагани бўрининг олдиға элтибди. “Нега бу ерда менинг номим йўқ?” деб бўривой ўзининг исмини қўшиб қўйибди. Кейин муаллиф китобни йўлбарсга олиб борибди. Йўлбарсвой ҳам исмларини тиркабдилар. Шерга навбат келганда у рўйхатни кўриб, “Қуён бу ерда нима қилиб юрибди?” дея унинг номини ўчириб ташлаган экан...) (Эркин Аъзам, “Ўзингиз ҳам ўқиганмисиз?” публицистик миниатюраси).

Баъзан парантезалар ва асосий гап ўртасидаги коммуникатив йўналишнинг фарқлилиги, яъни икки субъектга тегишлилиги жуда аниқ ифодаланади. Гўёки икки сўзловчининг савол-жавоби, диалоги кўринишини

олиши мумкин, бунда, албатта, баён эгаси битта бўлади, аммо вақти-вақти билан иккинчи бир овоз парантеза шаклида иштирок этади. Матнда ҳиссий-эстетик таранглик баралла намоён бўлади. Мана бу парчада ана шу ҳолатни кўриш мумкин: *Мендан қарзинг борми, ака? Қарзинг - акалингми? Акалик ҳам қарзга кирса, бунинг тўлови йўқмикан? (Йўқ, бўлмайди ҳам.) Бунинг тўлови – укаликнинг ўзи, холосми? (Холос!) Мен уни қандай узаман, қандай қайтараман? (Онамизнинг сути мисоли бу ҳам олди-бердига ётмайдиган бир аъмоли насиба, укам!) Биламан, сен мендан ҳеч нарса кутмайсан, ҳеч қачон. Нега бундай? Менинг ҳамма ишим, ҳамма гапим – сенга маъқул. Одатда тескариси бўлиши керак-ку? (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси)*

Матннинг семантик тузилишида предикатив киритма бирликларнинг ўрнини тадқиқ этган В.А.Шаймиев киритма конструкциялар жумлаларни турли маъновий-мазмуний планларда жойлаштириш, жумлаларда бир неча фикрий йўналишларни ҳосил қилиш имконини яратишига тўхталар экан, уларнинг бадиий асарларда бир қанча бадиий мақсадларни рўёбга чиқаришга ёрдам беришини айтади. Хусусан, бирор нарса ҳақидаги баён ва бу баёнга ёки нутқ денотатига муаллифнинг муносабатини бирлаштириш; персонажни «ички» ва «ташқи» нуктаи назарлардан тавсифлаш; бир мазмуний блокда ҳикоя қилишнинг ҳар хил воқеа-вақт чизиқларини ягоналаштириш; муайян матн бўлагида қаҳрамон тасаввуридаги ҳолатни ҳам, асл ҳолатни ҳам бирлаштириб ифодалаш. Айни пайтда муаллиф “мен”ининг матнда ифодаланишининг ўзига хос воситаларидан бири эканлиги ҳам тадқиқотчи эътиборидан четда қолмаган.¹⁵⁷

Кузатишлар киритма конструкциялар муаллифнинг турли изоҳ нутқини ифодалаш усули сифатида жуда кенг тарқалганини кўрсатади. Бунда муаллиф «мен»и ҳар хил намоён бўлади. Муаллиф «мен»и матнда ифодаланишининг ўзига хос воситаларидан бири сифатида парантез

¹⁵⁷ Шаймиев В.А. Роль вставных предикативных единиц в семантической организации текста / Функционирование синтаксических категорий в тексте (Межвуз. сб.). –Л., 1981.- С. 82 – 83.

конструкциялар майдонга чиқади. Масалан: *Сурат негадир саргайиб кетган (Ҳабиба бувининг кўз ёши томавериб саргайиб кетганини кейин тушунганман)* (Ў.Ҳошимов, “Дунёнинг ишлари” қиссаси). *Барибир тилимни шунча тишласам ҳам юрагимни ёриштирган савол оғзимдан чиқиб кетди.*

– *Улардан хат келдими?*

(Қизиқ, ойим бобомнинг кетидан, “улар” деб гапирарди. Ҳозир ўзим ҳам шунақа деб юборганимни билиб баттар уялиб кетдим.)

– *Келди-келди! – Ойим тагин кулди. – Сен ўқийдиган хатмас* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи). Мисоллардаги киритма конструкциялар муаллиф мулоҳазаларидир.

Қаҳрамонлар хулқи, фикрлари, кўрсатилаётган ҳодисаларни баҳолашга, адабий асарда муаллиф нуқтаи назарини тўғри ифодалашга эҳтиёж туғилганда ёзувчи ўқувчига мурожаат тарзидаги парантезалардан ҳам фойдаланади: *Кўп одамларни касаллик эмас, ўз наздида ўзини ўзлигидан каттароқ қўйишдек худбинлик, аламзадалик балоси кемириб адо қилади. (Доно, бообру, хушрўй, бунинг устига қаттиққўл, адолатли ва жасур деган ном чиқаришни ким истамайди?...) (Ч.Айтматов, “Оқ кема” қиссаси).*

Бадиий матнда муаллиф нутқи ва бегона нутқнинг ўзига хос тарзда қўшилиб кетиши ҳам кузатилади. Бунда бегона нутқ кўчирма гап, ўзлаштирма ва ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар орқали ифодаланиши мумкин. Лекин биз тўплаган фактик материаллар бегона нутқ парантез конструкциялар воситасида ҳам ифодаланиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда бегона нутқ муаллиф ҳикоясини тўхтатиб киритилади. Бадиий матнда кўп вазиятларда киритма конструкциялар қаҳрамон нутқини (унинг ташқи нутқини) ва мулоҳаза-ўйларини (унинг ички нутқини) бирга киритишга имкон берувчи восита эканлиги билан ҳам характерланади: *Айтишича, оилада атиги икки фарзанд эканлар – биттагина укаси бор экан (демак, мени уролмайди, акаси бўлганда бошқа гап эди!); ўзи ёлғиз қиз экан, эрка қиз экан – «Адам нима сўрасам олиб берадилар» (демак, сен ҳам олиб беришинг,*

қозон-товоқни ўзинг қилишинг керак); адаси асфальт заводининг директори экан (демак, асфальт керак бўлса – марҳамат!); буни қаранг, машиналари ҳам бор экан – «Яп-янгигина турибди, ҳеч ким ҳайдамайди, адам «Движение катта», деб қўрқадилар» (демак, бемалол, асфальтларнинг титигини чиқариб бемалол минаверасан!); дарвозахоналарида эса, уйларини ва ўзларини қўриқлайдиган каттакон бир олапарлари бор экан (демак, у ҳам кирган чиққанга таржимаи ҳолини айтаверади!)... (Эркин Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси). Бундай ҳолат айрим ёзувчилар, хусусан, Э. Аъзам асарларида кузатилади. Э. Аъзам асарлари тилидаги бу лингвопоэтик хусусият Д. Худойберганова томонидан ҳам шундай таъкидланган: “Ёзувчи матн тузар экан, яширин фикр ифодалашнинг оригинал усулини қўллайди-персонажнинг ички ва ташқи нутқини айна бир вақтда параллел тарзда беради.”¹⁵⁸

Айрим ҳолларда қаҳрамон ёзувчи томонидан тавсифланар экан, шу қаҳрамоннинг гапи айнан парантеза сифатида матнга олиб кирилади, бундай парантеза қаҳрамон тавсифининг янада таъсирли ва аниқ бўлишини таъминлайди. Қуйидаги парчалар бу фикрни далиллайди: *Мана, мақсадига етди: маишхур Оташқалбнинг севикли Маъшуқаси номини олди... Энди бу каби адабий йигинлар у кишисиз, у кишининг мароқли хотираларисиз ўтмайди. (“Оҳ, у мени қандоқ севарди, Маъшуқабегим дея еру кўкка ишонмасди!”)* (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси). *Алҳазар! Ана шу муте-майда гумаишталарга бош-қош бўлган мафкура соҳасини ўша кезлар ким бошқарган, билмайсизми, Мафкурахон она? (Асабий ҳурпайиб ўтирган “она”нинг вазоҳатидан фақат бир гапни, фақат бир тилда кутиш мумкин эди: “Знать не знаю и не хочу!”)* (Эркин Аъзам, “Шоирнинг тўйи” қиссаси).

Баъзан қаҳрамон бошқанинг нутқини тинглаб ўтираркан, бошқанинг нутқи таркибига қаҳрамон кўнглидан ўтган фикрлар парантеза шаклида

¹⁵⁸ Худойберганова Д. Ёзувчи услуби ва насрий матннинг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти.- Тошкент, 2006.- №6.-Б. 67.

ифодаланиб киритилади, бунда ҳам парантеза кучли поэтик таъкид олади, хиссий-эмоционал контраст юзага келади: *Ҳамма шу ерда эди. Сизни роса пойладик* (“*Пойлабсиз-у, қўнғироқ қилиш хаёлингизга келмабди, қаранг!*”) *Бугун уларникида бўламиз* (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси).

Яна айрим ҳолларда қаҳрамоннинг нутқи таркибига унинг қаердадир кимдандир эшитган машҳур гапи парантеза сифатида киритилади, бунда ҳам парантеза поэтик актуаллик касб этади: - *Чойнакда захар борлигини билармидингиз?*

Зеби кулди.

- *Қизик экансан* (“*ўрисни сизлаб бўлмайди*”), *мен қаердан билай?* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи).

Ёзувчи баён нутқида бошқанинг нутқини ҳам парантеза шаклида айнан киритиши мумкин, бунда ҳам парантезанинг поэтик актуаллашуви кузатилади: *Жавли ёзин-қишин даишда жафо чекиб мол кетидан юрадиган* (“*Ўғлим ўқиб одам бўлсин*”) *чўпон отасининг қўйлари ёрдамида ўқимоқда* (Эркин Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси). *Яхши-ёмоннинг гап-сўзига ҳам* (“*Ўл-а, фарзанд бўлмай! Туфугинг ҳам йўқми кўзингга суртгани!*”) *пинак бузмасди* (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси). *Бакир кўпчилик оилаларда бир-икки замон ҳукм сурган қатъий урфга кўра* (“*Боламиз ё музыкага бориши, ё спортга қатнаши шарт!*”) *дарсдан ортиб музыка мактабини ҳам ўқиб битирган эди* (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси).

Парантез конструкцияларнинг матнга киритилиши қаҳрамон тавсифномаларини «ичидан» (бегона нутқнинг воситаси орқали) ва «ташқаридан» (муаллиф нутқи ёрдамида) бирлаштиришга имкон беради. Демак, персонаж «ички» ва «ташқи» нуқтаи назарлар билан кузатилади: *Шораҳим салкам ўттиз, балки ўттиз беи йил бош кўтармай ишлаган ва нимаси биландир ўз фарзандидай қадрдон бўлиб қолган бозига кўзи*

тушганида юраги «жиз» этиб, аъзойи бадани жимирлаб кетади, гарчи ишдан ҳайдалган бўлса ҳам шу топда шоҳларида битта яримта олма ва беҳилар қолган (Шоввоз уларни жўрттага «чурвақалар» учун қолдирар, улар қишда бу битта яримта олма-ю, беҳиларни хазонлар орасидан қидириб, қушчадай чугурлашиб юрганларини кўрганида азбаройи қувонганидан ўзи ҳам болаларга қўшилиб кетарди!) бу севимли боғини ташлаб кетиб тўғри қиляптими, йўқми буни ўзи ҳам билолмай қолди (О.Ёқубов, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” романи). Маржонхой хизмат қилавериб, юришга ҳоли йўқ, ярим кечада ўтовга кириб энди диванга чўзилган эди (у бошқаларга намуна бўлай деб, Маржонтовдаги ўтовини ҳам совхоз марказидаги уйидай саранжом-саришта қилиб қўярди) остонада ширакайф, димоғи чоғ Бургут пайдо бўлди (О.Ёқубов, “Адолат манзили” романи).

Бадий матнда ёзувчи қаҳрамонларнинг турли хусусиятларини умумлаштирган ҳолда тасвирловчи воситаларга мурожаат этади. Улардан бири сифатида парантезаларга мурожаат қилади: *Очиқ савдони қаранг! Шармандали савдо: сен - тўрт фарзанднинг отаси, сочига оқ оралаган одам, ўғлинг тенги тирмизаклардан бас дегунча калтак еб, энди даъвонгдан кеч, биз ўғлингни кундузги бўлимга ўқишга ўтказамиз...(Қачон, қандай топишишиди-я булар?!)* (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси).

Парантезалар ёрдамида ёзувчи қаҳрамоннинг ёш хусусиятларига хос ўй-хаёлларини ҳам тасвирлайди ва тингловчида беихтиёр табассум уйғотади, Қуйидаги контекстда кўчанинг тасвири болакай тилидан ҳикоя қилинган, парантеза поэтик актуаллашган: *Тор кўчага киришимиз билан юриш баттар қийинлашди. Мунча кўп бу одамлар. Чумолига ўхшайди-я! Паранжи ёпиниб бошига тугун қўйганча зиппилаб кетаётган хотинлар, (хайронман, ушламасаям, тугуни тушиб кетмайди) қоп орқалаган кишилар, кўмир ортилган от-аравалар...* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи).

Сўзловчининг кинояли субъектив муносабатини парантеза шаклида матнга киритиш фикрнинг ўта таъсирчанлиги, экспрессивлиги,

эмоционалиги учун хизмат қилади. Бунда юзаки қараганда, сўзловчи жиддий гапираётганга ўхшайди, аммо унинг гапи тагида ҳақиқий маънога қарама-қарши бўлган яширин кулги ётади: *Сўнг Пўлат папканинг камтарлиги тутиб кетиб “оддий” пахтакорлар ва студентлар билан бирга овқатланиш истагини билдирди. У бурунгидан ҳам баттар жилпанглаб, ҳар сўзидан кейин бир ҳиринглаб, Шоқосимга хушомад қиларди. Ниҳоят, Пўлат папка лабларини артиб (Буни қаранг, “оддий” деҳқоннинг еган ичгани ҳам хўжайинларининг еганидан кам эмас экан!) ўрнидан турди-да, Шоқосимнинг тирсагидан олиб, секин бир чеккага бошлади.* (О.Ёқубов, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” романи). Муаллифнинг киноя ифодасидан иборат лингвопоэтик мақсади парантеза орқали амалга ошган. Қуйидаги парчада микроматн шаклида киритилган парантезада ифодаланган киноянинг лингвопоэтик қимматига эътибор қилинг: *...Шаҳар марказидаги баланд тепаликка ўрнашган парламент саройи қаршисида бўй чўзган осмон баробар чўнг ҳайкал ҳам уники! (Айтишларича, Ўрта Осиёдаги Тошкент деган шаҳарда ҳам жаҳон йўқсилларининг доҳийсига шунга яқин бир ҳайкал тикланган экан, аммо мустақилликка чиққач, социализм гояларини рад этиб, уни аздариб ташлабдилар. Афсус, афсус! Яхшиликни билмаганлар! Майли, ўзларидан кўришсин, бир кун келиб пушаймон қилишлари муқаррар!)* Ҳа-ҳа, товариш Хон Ман Мен бекорга яшагани йўқ! (Эркин Аъзам, “Чапаклар ёки чалпаклар мамлакати” қиссаси).

Ёзувчи парантезалардан қаҳрамон индивидуал хусусиятларини очишда ўринли фойдаланади, айниқса, риторик сўроқ гаплар характерида киритилган парантезаларда ҳиссий—эмоционалик юқори бўлиб, ўқувчининг диққатини персонажнинг руҳий дунёсига тортади: *Қизик ойим ҳарчанд меҳрибонлик қилгани билан ўртамизда аллақандай тўсиқ турганга ўхшарди. У ойим билан дадамнинг ҳолини сўрамагани учун мен ҳам “дадам тузукми” демадим (Қанақасига дадам бўлсин?!)* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси” романи).

Тилда бадийликка хизмат қилувчи воситалар қанчалик ажралиб турса ҳам, уларни бадий матнга олиб кириш ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ. Халқ тафаккури дурдонаси ҳисобланган паремаларни бадий-эстетик восита сифатида парантеза характерида бериш асарнинг бадийлигини таъминлашга ва ёзувчининг ғоявий мақсадини кенг китобхон оммасига етиб боришига замин яратади: *Бойнинг мақтанчоқ ўғиллари бошқаларни лол қолдиришни, шухратлари оламга ёйилишини орзу қилишди. Яна бунинг устига мангу уйқуга кетган шавкатли оталари Шохдор она буги авлодидан эканлигини ҳамма билиши учун унинг қабрига буги шохини ўрнатишни ўйлаб топилди. (“Э бўтам, қадимги одамлардан қолган гап бор: бойлик – такаббурликни, такаббурлик эса – телбаликни тугдиради!”)* (Ч.Айтматов, “Оқ кема” қиссаси).

Умуман, бадий матн яратишда иштирок этадиган синтактик бирликлар орасида парантезалар алоҳида ўрин тутди. Улар персонаж нутқини индивидуаллаштириш, персонажнинг муайян ижтимоий муҳитга тегишли киши эканини таъкидлаш учун ҳам восита бўлади. Жумладан, варваризмларнинг бадий матнда персонаж нутқида қўлланиши унинг характер-хусусиятини очиб беришга хизмат қилади: *Йўқ Баргидани ёмон дейиш қийин эмас... Писмиқ деса писмиққа ҳам ўхшамайди, чеҳраси доим равшан, лекин, мана, у билан шунча вақт бирга яшади-ю, Бакир ҳамон бир ҳолни ҳазм қилолмайди, унинг айбларини, гуноҳларини гоҳ ихтиёрий, гоҳ беихтиёр кечирмоққа мажбур бўлади-ю, шунга қолганда кўниколламайди, шунга қолганда қони қайнаб кетади. “Ҳа, нима қипти?” (“Ну и что?”) Бакирнинг назарида бундан оғир, бундан беъмани савол йўқ* (Эркин Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси).

Парантезаларнинг лингвопоэтик жиҳатдан аҳамиятли яна бир ўзига хос тури пунктуацион белгилар шаклида матнга киритилиб, бадийликни таъминлаш воситасига айланади ва лингвопоэтик мақсадлар учун хизмат қилади. Биз пунктуацион парантезалар терминини қўллашни маъқул

кўрамиз, И.Тошалиев ўз тадқиқотларида бу киритмаларга нисбатан белги-киритма терминини қўллаган.

Бир-икки мисолни кўрайлик: *Касалхонага олиб борса, бундан мелиса огоҳ топади, мелиса билдими, кавла-кавла бошланади. Бусиз ҳам Шилимшиқ билан Жамшид (?) нинг ўлими уларнинг бошлари узра бало булутидай соя ташлаб турибди* (Тоҳир Малик, “Шайтанат” романи). Матнга киритилган пунктуацион парантезани бу тарзда қўллашдан ёзувчининг кўзлаган лингвопоэтик мақсадини нутқий вазиятларни тўлиқ қамраб олган контекстгина оча олади. Асарнинг бошланиш қисмида Шилимшиқ билан Жамшид ваҳший тарзда ўлдирилади. Лекин уларнинг ўлими сабаблари очилмаган, айбдорлар ким эканлиги мавҳумлигича қолган. Чувриндининг хаёлидан ўтган фикрлари баёнида муаллифнинг сўроқ белгисини парантеза сифатида киритиши ўша ҳолатларга ишорадир.

Муддао шу эдики, “Сиз билан биз энди болаларимизнинг тақдирини ўйлашимиз керак. Майда-чуйда жанжаллару сўроқ-терговлар, гувоҳлигу даъвогарлик дегандай машмашалар бизга энди ярашмайди. Айтишларича, қалтисроқ иш экан, нозик жойларга бориб тақаларкан. Агар бу иш чувалиб кетгудек бўлса, бошқа баъзи нарсалар ҳам очилиб қолиши хавфи бор эканки, унда ... чатоқ бўлар экан. Ҳаммага, Элчиевга ҳам, Нодир Файзуллаевичнинг ўзига ҳам (?!)” (Эркин Аъзам, “Жавоб” қиссаси). Келтирилган бадиий нутқ парчасида қаҳрамоннинг суҳбатдоши фикридан норозилик, унга нисбатан юрагида кечаётган қарама-қарши зиддиятлар тадрижини таъкидлаш мақсадида муаллиф пунктуацион парантезани киритган. Сўроқ ва таажжуб оттенкасини ўзида мужассам этган тиниш белгилар шаклидаги парантеза қаҳрамон қалбидаги кечинмаларни бўрттириб, қабариклаштириб акс эттиришга хизмат қилган.

Хуллас, парантезаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари жуда ҳам катта ва қамровли муаммо, уларни янада кенгроқ, батафсилроқ таҳлил этиш мумкин. Биз юқорида бу лингвопоэтик хусусиятларнинг асосий нуқталарига

диққат қилдик. Ўзбек адабиётидаги насрий асарлар тилини ўрганиш шуни кўрсатдики, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, О.Ёқубов, Ў.Ҳошимов, Тоҳир Малик, Эркин Аъзам, Ш.Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад каби кўплаб ёзувчилар ўз асарларида парантезаларнинг лингвопоэтик имкониятларидан баракали фойдаланганлар. Айниқса, иқтидорли носир Эркин Аъзам асарларида парантезалар, хусусан, уларнинг киритма тури ёзувчининг услубини белгилайдиган даражадаги омиллардан бирига айланган. Унинг деярли барча асарларида парантезалар воситасидаги полифонияни, бу полифониянинг лингвопоэтик қимматини мунтазам кузатиш мумкин.

Боб бўйича хулосалар

1. Парантезалар экспрессив синтаксиснинг ўзига хос бирлиги сифатида бадиий матнда поэтик актуаллашиш имконияти жуда катта бўлган синтактик воситалардандир, уларнинг аксарияти бадиий матнда ўзига хос поэтик таъкид олади, лингвопоэтик қиммат касб этади. Парантезалардаги лингвопоэтик қимматнинг юзага келишида парантезанинг ўзи бевосита алоқаланган асосий микроматн, асосий гап (ёки бўлаклар), шунингдек, умуман матндаги бошқа мазмунан алоқадор birlikлар билан интегратив муносабатлари муҳим омилдир. Парантезалар лингвопоэтик қимматни фақат матн ичида олади.

2. Бадиий матнга парантезаларнинг киритилиши матндаги оҳанг монотонлиги (интонацион оқимнинг бир хиллиги) ва структурал-синтагматик бир хилликни бартараф этади. Парантезалар асосий гап (ёки микроматн)дан ҳамиша фарқли интонация билан ажралиб туриши, синтагматик структурани қисмларга ажратиши билан матннинг интонацион-структур ранг-баранглигини таъминлайди, шу асосда нутқнинг бадиий таъсирчанлигига хизмат қилади.

3. Парантезаларнинг, хусусан, киритмаларнинг матн структурасидаги позицияси алоҳида ажралиб туради, бу унинг семантик-поэтик таъкидланишига шароит яратади. Ёзувчи парантезаларни матнга атайин, бадиий ниятига мувофиқ режали тарзда киритса-да, ўқувчида “кутилмаганлик” иллюзияси пайдо бўлади, бу ҳам парантезанинг поэтик актуаллашувига кўмаклашади.

4. Парантезалар, айниқса, уларнинг киритма тури жумланинг актуал бўлакланиши нуқтаи назаридан ҳамиша алоҳида ремадир.

5. Кириш ва киритмалар бадиий матндаги лингвопоэтик қиммати жиҳатидан ҳамиша ҳам тенг эмас, айрим алоҳида ҳолатларни ҳисобга олмаганда, киритмаларнинг лингвопоэтик қиммати сезиларли даражада

ортиқдир. Киришлар тилда муайян маъно-мазмун ифодачиси сифатида қолиплашган, деярли тайёр ҳолда мавжуд, ёзувчи тасвир мақсадига мувофиқ улардан керагини танлайди, янгидан тузмайди. Киритмаларни эса хилма-хил маъно-мазмунларни ифодалаш учун ҳар сафар ўз бадиий ниятига мувофиқ тарзда янгидан тузади. Шунинг учун ҳам ёзувчининг бадиий маҳоратини баҳолашда киритмаларнинг лингвопоэтикаси боғлиқ жиҳатлар алоҳида аҳамиятга эгадир (шунинг учун ҳам ишимизда асосий эътиборни киритмаларга қаратганмиз).

6. Парантезаларнинг бир коммуникатив йўналишли ва икки коммуникатив йўналишли турларини фарқлаш мақсадга мувофиқ, икки коммуникатив йўналишли парантезалар бадиий матнда кўпроқ поэтик актуаллашади. Парантеза ва у кирган гап (микроматн) мазмунида икки (ёки ундан ортиқ) фарқли коммуникатив йўналишдаги фикрнинг бир гап ёки микроматн доирасида бирлашиши воқеа-ҳодисани бир неча нуқтаи назардан тасвирлаш имконини беради, айти пайтда ўзига хос полифонияни, яъни кўп овозлилиқни юзага келтирадики, бу ҳол парантезанинг поэтик актуаллашувига шароит яратади.

7. Парантезалар бадиий тасвир билан тасвир объектига ёзувчининг муносабатини бирлаштириш, воқеа ёки қаҳрамонни турли томонлардан тавсифлаш, бир гап ёки микроматнда фарқли макон-замондаги баённи туташтириш, микроматн доирасида қаҳрамон тасаввуридаги ва ҳақиқий ҳолатни бирданига ифодалаш, муаллиф “мен”ини кўрсатиб туриш каби бир қанча бадиий мақсадларда матнга киритилади.

Умумий хулосалар

Ўзбек тилидаги бадиий матнларда парантезаларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари муаммосини тадқиқ этиш қуйидаги умумий хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Нутқий мулоқотнинг семантик-синтактик ва прагматик механизмларини ўрганувчи коммуникатив синтаксис муаммолари орасида парантезалар алоҳида ўрин тутди. Чунки улар бадиий матнда ўзига хос коммуникатив ва айти пайтда семантик-структур ҳамда лингвопоэтик хусусиятлар билан характерланадики, уларни ўрганиш коммуникатив ва поэтик синтаксиснинг бир қатор муаммоларига аниқлик киритиш имконини беради.

2. Ўзбек тилшунослигида ҳозирга қадар асосий гап ёки микроматн билан бевосита формал-грамматик алоқага эга бўлмаган кириш ва киритмалар учун умумлаштирувчи муайян бир термин йўқ. Ўзбек тилида кириш ва киритмаларни умумлаштириб ифодаловчи термин сифатида бошқа айрим тилшуносликлардаги каби “парантеза”, “парантез бирликлар” терминларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

3. Парантез бирликлар ўзбек тили тараққиётининг кейинги босқичларида пайдо бўлган ҳодиса эмас, улар бошқа тилларнинг таъсири маҳсули ҳам эмас, парантезалар ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлган ҳодисадир. Буни тарихий манбалар ҳам далиллайди. Фақат уларни аниқ ажратиш кўрсатишга хизмат қиладиган тилиш белгиларининг амалиётга кириши билан парантезаларнинг қўлланиш доираси кенгайган. Ҳозирги ўзбек тилида парантез бирликлар анчайин фаол қўлланадиган ва ахборотнинг янада тўлиқ, эстетик таъсирли ифодаланишига ёрдам берадиган синтактик воситалардан бири сифатида ҳам семантик-грамматик, ҳам лингвопоэтик жиҳатдан алоҳида диққатга сазовордир. Тилнинг коммуникатив-синтактик структурасини, матн синтаксиси ва лингвопоэтикасини мукамал тавсифлаш ва тасвирлашда парантеза ҳодисаси муҳим ўрин тутди.

4. Парантезалар турли тилшуносликларда, хусусан, ўзбек тилшунослигида анча эскидан турли даражаларда ўрганиб келинаётган бўлса-да, ҳали тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммолар тугаган эмас.

5. Парантезаларнинг кириш ва киритма турларини фарқлаш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, айтиш керакки, уларнинг ҳар икки тури ҳам, тилнинг онтологик табиатидан, яъни дастлаб оғзаки шаклда пайдо бўлганлигидан келиб чиқилса, жонли оғзаки нутқда юзага келган, кейин ёзма нутқда ўз аксини топган; киришлар жонли оғзаки нутқ маҳсули, киритмалар эса ёзма нутқ маҳсули тарзидаги фикрларга қўшилиб бўлмайди. Иккинчидан, кириш ва киритмалар ўртасидаги асосий фарқ синтактик-позицион ва интонацион жиҳатларда эмас (уларнинг ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди, албатта), балки бу турлар ифодалайдиган мазмундадир, яъни киритмалар объектив мазмунни, киришлар эса субъектив мазмунни ифодалайди. Аммо киритмаларнинг ҳам баъзан бадий матнда ёзувчи маҳорати билан субъектив мазмун ифодаси учун қўлланилиши ҳам кузатилади.

6. Парантезаларнинг структур-синтактик, коммуникатив ва лингвопоэтик моҳияти матнда тўлиқ намоён бўлиши мумкин. Ҳатто парантезаларнинг айрим кўринишлари бевосита гап ичига эмас, балки яхлит контекстга киритилади, шунинг учун ҳам парантезаларни матн ичида, матннинг ўзига хос унсури сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

7. Киритмаларнинг семантикаси киришлар семантикасига қараганда жуда ранг-баранг. Киришлар муайян маъно-мазмунни ифодалаш учун хосланган, шу маъноси билан клишеланган, киритмалар эса бундай хусусиятга эга эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир қўлланишда ёзувчининг бадий мақсадига уйғун ҳолатда янгидан тузиладиган бирлик сифатида киритмалар катта лингвопоэтик имкониятга эга. Буни ҳисобга олган ҳолда, ишда асосий эътибор киритмаларга қаратилган.

8. Парантеза ва асосий гап (ёки матн) ўртасидаги муносабатни интродуктив (“киритиш”) алоқа тарзида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Таркибига гап шаклидаги парантеза кирган гапларнинг синтактик мақомини қўшма гап сифатида баҳолаш назарий жиҳатдан тўғри бўлади, албатта, бундай қўшма гап қисмлари ўртасидаги муносабат одатдаги қўшма гаплардаги тенгланиш ва тобеланиш муносабатидан фарқли ўлароқ интродуктив муносабат деб қаралади.

9. Турли структурал шаклдаги парантезалар бадиий матнда турли гап бўлаклари, гап ва микроматн билан бевосита, яхлит матн узвлари билан эса бавосита алоқаланади. Бунда хилма-хил мазмунлар поэтик таъкид олади. Кўпинча сўз ва сўз бирикмаси (баъзан гап) шаклидаги киришлар яхлит гап билан бевосита алоқаланади.

10. Парантезалар экспрессив синтаксис бирлигидир. Улар ўзлари бевосита алоқаланган birlikлар ва умуман, матндаги бошқа мазмуний-мантикий дахлдор унсурлар билан интегратив муносабатларда лингвопоэтик қиммат касб этади.

11. Парантезалар, айниқса, уларнинг киритма тури актуал бўлакланиш нуқтаи назаридан бадиий матнда ҳар доим рема ифодачиси сифатида намоён бўлади. Уларнинг рема эканлиги алоҳида ажратилган интонация, асосий гап ёки микроматннинг синтагматик структурасидаги фавқулодда фарқли позиция таъкидлайди. Бу ҳолат парантезаларнинг поэтик актуаллашганлигининг тез англанишига ёрдам беради.

12. Икки коммуникатив йўналишли парантезалар бадиий матнда муайян воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамонни турли нуқтаи назарлардан тавсифлашда, шунингдек, полифоник – кўп овозли тасвирни яратишда ўзига хос, энг қулай воситадир.

13. Парантезалар ёзувчининг хилма-хил бадиий мақсадларининг рўёбга чиқишига шароит яратадиган бениҳоя таъсирчан синтактик ҳодисалардан бири сифатида алоҳида лингвопоэтик аҳамиятга моликдир.

14. Парантезалар, хусусан, киритмалар ёзувчининг ўзига хос индивидуал услубининг шаклланишида ҳам иштирок этадиган воситалардан

биридир, масалан, биз таҳлил қилган манбаларда шу нарсга аён бўлдики, киритмалар, айниқса, Эркин Аъзам бадий услубининг ажралмас бир унсурига айланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
- 2.Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Тошкент: Фан, 1983. -88 б.
- 3.Абдуллаев Ф. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 1965.- №3.- Б.46 - 52.
- 4.Абдурахмонов Ғ. Пунктуацияни ўргатиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1968.- 116 б.
- 5.Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис). -Тошкент: Ўқитувчи, 1996. -247 б.
- 6.Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982. -168 б.
- 7.Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. -320 б.
- 8.Абраменко А. Практический синтаксис русского языка. -М., 1915.-370с.
- 9.Задмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. –Л.: Наука, 1973. -368 с.
- 10.Акимов Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. –М.: Высшая школа, 1990. -168 с.
- 11.Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. –М.: Наука, 1988. -341 с.
- 12.Александрова О.В. Проблемы экспрессивного синтаксиса. –М.: Высшая школа, 1984. -211 с.
- 13.Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Филол. фан. док. ...дисс. автореф. - Тошкент, 1990.- 44 б.
- 14.Ашурова Д., Убаева Ф., Болтабоева Ҳ. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. –Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1962. -181 б.

- 15.Бабайцева В.В. Русский язык. Синтаксис и пунктуация. –М.: Просвещение, 1979. -269 с.
- 16.Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Ч.3. Синтаксис. Пунктуация. –М.: Просвещение, 1981. -271 с.
- 17.Балтабаева Х. Обособленные пояснительные члены предложения в современном ўзбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1959. -20 с.
- 18.Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. Изд. 4-е. –М., 1979. -320 с.
- 19.Блох М.Я. Теоретические основы грамматики. –М.: Высшая школа, 1986. -160 с.
- 20.Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. –М.:Высшая школа, 1973. -423 с.
- 21.Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики. –М.: Наука, 1977. -352 с.
- 22.Веденина Л.Г. Французское предложение в речи. –М.: Высшая школа, 1991. -192 с.
- 23.Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке / Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. –М.: 1975. -С. 53 - 87.
- 24.Востоков А.Х. Русская грамматика. 12-е изд. -СПб., 1874. -215 с.
- 25.Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. –М.: Наука, 1981. -140 с.
- 26.Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. –М., 1955. -464 с.
- 27.Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Часть II. Синтаксис. –М.: Просвещение, 1968. -344 с.
- 28.Грамматика современного башкирского литературного языка. –М.: Наука, 1981. -496 с.
- 29.Голуб И.Б. Грамматическая стилистика современного русского языка. -М.: Высшая школа, 1989.- 208 с.

30. Григорьева А.Д., Иванова Н.Н. Язык поэзии XIX – XX вв. –М.: Наука, 1985. -232 с
31. Давлетов М. Структурные типы простого осложненного предложения в современном каракалпакском языке: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Нукус, 1989. -45 с.
32. Долгова О.В. Синтаксис как наука о построении речи. –М.: Высшая школа, 1980. -191 с.
33. Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клиненберг Ж.-М. и др. Общая риторика. –М.: Прогресс, 1986. -392 с.
34. Ergin Muharrem. Türk Dil Bilgisi. 19. baskı. İstanbul, 1992. -407 s.
35. Жалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол.фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2007. -25 б.
36. Жапаров А. Кыргыз тилининг синтаксиси. –Фрунзе: Мектеп, 1979. -324 б.
37. Загоруйко А.П. Осложненные вставные конструкции в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ростов-на-Дону, 2005. - 16с.
38. Земская А.М., Крючков С.Е., Светлаев М.В. Русский язык. Часть 2. изд. - М.: Учпедгиз, 1963. -580 с.
39. Зуннун Ш. Тил қоидалари. Самарқанд -Тошкент, 1929. -108 с.
40. Ёўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008.-160 б.
41. Ёўлдошев М., Ядгаров Қ. “Бадиий матннинг лисоний таҳлили” фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш. –Тошкент, 2007. -112 б.
42. Ёўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. -123 б.
43. Кожевникова К. Формирование содержания и синтаксис художественного текста / Синтаксис и стилистика. –М.: Наука, 1976. С. 301-315.
44. Кожина М.Н. Стилистика русского языка. –М.: Просвещение, 1977.- 223 с.
45. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. док. ...дисс. – Самарқанд, 1993. -280 б.

- 46.Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. -М.: Наука, 1986. -208 с.
- 47.Курбатов Х.Р. Татарская лингвистическая стилистика и поэтика. –М.: Наука, 1978. -220 с.
- 48.Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. К типологии внутритекстовых отношений. – М.: Наука, 1986. -202 с.
- 49.Ломоносов М.В. Российская грамматика /Ломоносов М.В. Полн. собр. соч. в 11-ти томах. Т.7. –М. -Л., 1952.
- 50.Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М.: МГУ, 1979. -198 с.
- 51.Меркушова О.Б. Вставные конструкции в прозаических текстах А.И.Солженицына: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Воронеж, 2000. -19 с.
- 52.Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -232 б.
- 53.Мухин А.М. Синтаксический анализ и проблема уровней языка. –Л.: Наука, 1980. -304 с.
- 54.Мецлер А.А. Структурные связи в тексте (Парентезные конструкции). – Кишинёв: Штиинца, 1987. -144 с.
- 55.Махмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984. -148 б.
- 56.Маъруфов А., Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тилидан қўлланма. Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. -175 б.
- 57.Махмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми // Ўзбек тили ва адабиёти.- Тошкент, 2009.- N1.-Б. 44 – 56.
- 58.Мецлер А.А. Проблема парентезных конструкций и возможные пути её адекватного решения / Прагматико-функциональное исследование языков. - Кишинев: Штиинца, 1987.- С. 124-130.
- 59.Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси н-ти, 2007. -188 б.

- 60.Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 1987.- N4.-Б. 34 – 36.
- 61.Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. –Ташкент, 1992. -42с.
- 62.Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири - 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2003.- 25 б.
- 63.Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2000.-25б.
- 64.Озаровская О.В. Согласие - несогласие как категория коммуникативного синтаксиса /Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. –М.: Русский язык, 1980. -С.109 - 120.
65. Ona tili. 8-sinf uchun darslik /Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R. –Toshkent: Cho'lon, 2006.
- 66.Прияткина А.Ф. Русский язык. Синтаксис осложненного предложения. – М.: Высшая школа, 1990. -176 с.
- 67.Прокопович Н.Н. Вопросы синтаксиса русского языка. –М.: Высшая школа, 1974. -350 с.
- 68.Пешковский А.М. Школьная и научная грамматика. -М., 1914.-122с.
- 69.Покровская Л.А. Синтаксис гагаузского языка в сравнительном освещении. –М.: Наука, 1978. -204 с.
- 70.Предикатив бирликлар ва улар ўртасидаги муносабат.–Тошкент,1989. -80 б.
- 71.Рахманова В.М. Вставные единицы в современной публицистике (на материале немецкого и башкирского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. -Уфа, 2007.- 23 с.
- 72.Рихсиева Г. Нисбат шакллариинг лингвопоэтик тадқиқига доир // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2000.- N4.-Б. 33 – 35.

73. Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. –М.: Высшая школа, 1974. -352 с.
74. Рахманова В.М. Вставные единицы в современной публицистике (на материале немецкого и башкирского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Уфа, 2007. -23 с.
75. Розенталь Д.Э. Справочник по пунктуации. –М.: Книга, 1984. -272 с.
76. Реформатский А.А. Введение в языковедение. –М.: Просвещение, 1967. -511 с.
77. Рысаева Г.А. Вставочные конструкции в современном башкирском литературном языке: Дисс. ...канд. филол. наук. –Стерлитамак, 2002. -146 с.
78. Русский язык. Энциклопедия. –М, 1979. -432 с.
79. Сковородников А.П. О системе экспрессивных синтаксических конструкций современного русского литературного языка // Филологические науки, 1982.- N1.- С. 37-43.
80. Словарь иностранных слов. 16-е изд. –М.: Русский язык, 1988. -624 с.
81. Said N., Yöldoşev A. Grammatika. 2-qism. –Тошкент: Özdavnaşr, 1936.-66 б.
82. Скобликова Е.С. Современный русский язык. Синтаксис простого предложения. –М.: Просвещение, 1979. -236 с.
83. Сайфуллаев А.Р. Взаимоотношения вводных членов предложения с другими синтаксическими категориями / Тюркское языкознание. –Ташкент: Фан, 1985. -С. 178-181.
84. Современный русский язык. Под ред. В.А.Белошапковой. –М.: Высшая школа, 1981. -560 с.
85. Самолетова Р.С. Явление парентезы в аспекте лингвистики текста / Вопросы семантики и методики преподавания иностранных языков. –Минск: Наука и техника, 1982.- С. 137 -145.
86. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006, -92 б.
87. Современный русский язык. Часть 2. Синтаксис. –М.: Высшая школа, 1976. -221 с.

88. Сагирян И.Г. Функциональные особенности вставок в языке прозы М.А.Булгакова: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ростов-на Дону, 1999. -23 с.
89. Современный русский литературный язык. Под ред. Н.М.Шанского. –Л.: Просвещение, 1988. -671 с.
90. Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. -М.: Наука, 1981. -208 с.
91. Türkçe Sözlük. 2. Cilt. Ankara, 1988. -1679 s
92. Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. ном. ...дисс. –Тошкент, 2005. -168 б.
93. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. Синтактик ва синтагматик қайта бўлиниш. Парцелляция. –Тошкент: Зарқалам, 2004. -135 б.
94. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар: Филол. фан. ном. ...дисс. -Тошкент, 1972. -283 б.
95. Фитрат А. Танланган асаралар. IV жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006. -336 б.
96. Хатиашвили Л. Парантеза и текст (16.12.2004). [http: //slavcenter.ge/art/?p=20041216-224941](http://slavcenter.ge/art/?p=20041216-224941).
97. Холиқов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти (А.Қаҳҳор асарлари материаллари асосида): Филол. фан. ном. ...дисс. –Тошкент, 1993. -122 б.
98. Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. –Новосибирск: Наука, 1987. -200 с.
99. Шапиро А.Б. Основы русской пунктуации. –М., 1955. -355 с.
100. Шапиро А.Б. Рецензия на работу С.И.Абакумова «Методика пунктуации» / Русский язык в школе. 1948. № 3.
101. Шаймиев В.А. К вопросу о соотношении между вставными предикативными единицами и придаточными предложениями / Сложное

предложение в системе других синтаксических категорий (Межвуз. сб.). -Л., 1984. -С. 38-46

102.Шаймиев В.А. Роль вставных конструкций в реализации текстовых категорий /Текстовые реализации и текстообразующие функции синтаксических единиц (Межвуз. сб.). -Л., 1988.- С. 117-125.

103.Шаймиев В.А. Роль вставных предикативных единиц в семантической организации текста / Функционирование синтаксических категорий в тексте (Межвуз. сб.). –Л., 1981.- С. 81-88.

104. Шадиева Д. Ш. Муҳаммад Юсуф шеърятини лингвопоэтикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. -Тошкент, 2007. -25 б.

105.Щеболева И.И. Общая характеристика вставочных конструкций в современном русском литературном языке / Учен. зап. Ростов-на Дону гос. пед. института. Вып.4. 1955.

106.Юлдашев М.М. Бадиий матнинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2009.-48 б.

107.Языковые процессы современной русской художественной литературы. Проза. –М.: Наука, 1977. -336 с.

108.Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1976, -560 б.

109.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Тошкент: “ЎЗМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2002.

110. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси/Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. -Тошкент, 2004. -143 б.

112. Ўзбек тили дарслиги/Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев Й., Шермухаммедов Т. II қисм. Синтаксис (6 – 7-синфлар учун). –Тошкент: Ўқув-педагогик нашриёти, 1957.-144 б.

113.Ўзбек тили дарслиги/Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев Й., Шермухаммедов Т. II қисм. Синтаксис (6 – 7-синфлар учун). Қайта нашр. – Тошкент: Ўқув-педагогик нашриёти, 1959.-144 б.

114. Ўзбек тили стилистикаси /Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. -248 б.
115. Қурбонова М.М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Фил. фан. ном. ... дисс. -Тошкент, 1993.-122б.
116. Гуломов А. Ўзбек тили синтаксисининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 1968.- N 2.-Б. 9 - 13.
117. Ғозиев Ҳ. Ўзбек тили грамматикаси. II бўлим. Синтаксис (Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслик). -Тошкент, 1941.-202б.
118. Гуломов А., Маъруфов З., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Синтаксис. –Тошкент: Ўздавнашр, 1946. -108 б.
119. Гуломов А.Ғ., Асқарова М.А Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. 3-нашри. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987. -256 б.
120. Гуломов А.Ғ., Асқарова М.А Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961. -280 б.
121. Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1966.-508 б.
122. Худойберганова Д.Ёзувчи услуби ва насрий матннинг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2006.- N6.-Б. 67.